



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

**“10 MART – XALQARO
AЁL SUDYALAR KUNI”**

10 MART – XALQARO AYOL SUDYALAR KUNI MUNOSABATI BILAN
“ODIL SUDLOVNI AMALGA OSHIRISHDA AYOL SUDYALAR O’RNI”
MAVZUSIDA XALQARO KONFERENSIYA



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси**Ҳамкорлар**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси**ТАҲРИР КЕНГАШИ**Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Шерзод АБДУҚОДИРОВ
Дилшод АРИПОВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Худойқул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Собир ХОЛБАЕВ
Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ
Ботир САМАРХОДЖАЕВ
Толибжон ОБИДОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 30.03.2026 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табок.

Буюртма № 87. Адади 1925.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА**“10 МАРТ – ХАЛҚАРО АЁЛ СУДЪЯЛАР КУНИ”****4****“ЎЗБЕКИСТОН АЁЛ СУДЪЯЛАР АССОЦИАЦИЯСИ”:
СУДЪЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИДА ЯНГИ ТУЗИЛМА****6****“ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АЁЛ
СУДЪЯЛАР ЎРНИ”: ТАДБИР, ТАФСИЛОТ, ТААССУРОТ****8****УНУТИЛМАС КУН ШУКУҲИ****10****РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН****РАҚАМЛИ СУД – ОДИЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ЯНГИ БОСҚИЧИ****ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ****13****ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИГА МЕДИАЦИЯ
ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ****16****КУН МАВЗУСИ****ЖАМИЯТ ҲИМОЯСИ – ИНСОН ҚАДРИДАН
БОШЛАНАДИ****МУҲИМ МАВЗУ****17****КОНСТИТУЦИЯ – ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА
ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ****18****МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ****ШАҲСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ-
НИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ****20****ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШДА
СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИШНИНГ
ДОЛЗАРБ ИЛМИЙ МУАММОЛАРИ****22****КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР
МАСАЛА****МУЛОҲАЗА****23****МУРОЖААТНОМА:
МИЛЛИЙ ҲОЯ, МАЪНАВИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ****24****ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ****ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР:
ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, ТАВСИЯ**

26

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

ЯПОНИЯ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ:
ШАКЛЛАНИШИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ

29

РАҚАМЛИ СУД ВА ТЕРГОВНИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ:
ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР
ТАЖРИБАСИ

32

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ
ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

34

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК
ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТ

36

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА
ЯНГИ МОДЕЛ: ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ
ВАЗИФАЛАР

37

XXI АСРДА Z АВЛОД МУАММОСИ ВА
УЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ЕЧИМЛАРИ

38

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ КЎРИБ
ЧИҚИШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН
МУАММОЛАР

40

ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА ПРОЦЕССУАЛ
МУДДАТЛАР: МУАММО ВА ТАКЛИФЛАР

42

УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИДА
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ҚўЛЛАШ

44

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ:
ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

45

АДОЛАТ – РАМЗЛАР, ТИМСОЛЛАР ВА
ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

46

ЯНГИ БОСҚИЧ

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ САРИ
ИЗЧИЛ ВА ҚАТЪИЯТЛИ ҚАДАМ

МЕНИНГ ФИКРИМ

47

ҲУҚУҚИЙ МАТНЛАРНИНГ ИЛМИЙ ВА
УСЛУБИЙ РАВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
АСОСЛАРИ

48

ТАДҚИҚОТ

АКЦИЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

50

ШАХСНИНГ ЖИСМОНИЙ ДАХЛСИЗЛИГИНИ
ЧЕКЛОВЧИ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ
ЧОРАЛАРИ

52

ПАРАЛЛЕЛ ИМПОРТ СИЁСАТИНИ ҚўЛЛАШДА
ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ ТРИПС
БИТИМИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

54

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН СУД
НАЗОРАТИ

56

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ
ФОШ ҚИЛИШДА СУД-КОМПЬЮТЕР-
ТЕХНИКАВИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ РОЛИ

58

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ
ЖИНОЯТЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ
ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ

60

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТЛАР ТИЗИМИДА
ЯНГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЁНДАШУВ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

61

МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТ ОРАЛИФИ:
ТИНГЛОВЧИНИНГ БИР КУНИ

62

НОВЫЙ ЭТАП

ИНСТИТУТ СУДА ПРИСЯЖЕННЫХ В
УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ:
ОПЫТ АНГЛИЙСКОГО ПРАВА И
ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО ИМПЛЕМЕНТАЦИИ В
УЗБЕКИСТАНЕ

4 “10 МАРТ – ХАЛҚАРО АЁЛ СУДЬЯЛАР КУНИ”



“ЎЗБЕКИСТОН АЁЛ СУДЬЯЛАР АССОЦИАЦИЯСИ”:

2026 йилнинг 5 март куни – Ўзбекистон суд тизими тарихида унутилмас кун сифатида муҳрланди. Шу куни мамлакатимизда илк бор Аёл судьялар ассоциацияси ташкил этилганлиги муносабати билан жуда катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган тантанали анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарияти, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ўндан ортиқ давлат ва нодавлат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этишди.

Айниқса, юксак шуқуҳга, ўзига хос тароватга эга бўлган тантанали тадбирга кўп сонли аёл судьяларга хайрихоҳлик билдириб келган Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон Республикаларининг Халқаро аёл судьялар ассоциацияси вакилларининг ташриф буюргани қувончли воқеа бўлди. Мана шу тадбирнинг бевосита иштирокчиси бўлиб қатнашганимдан жуда фахрландим...

Ўзбекистон судьялар ҳамжамиятининг энг муҳим ва янги тузилмаси бўлган мазкур Ассоциациянинг ташкил этилишини – Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз суд тизимида амалга оширилаётган туб

демократик ислохотларнинг амалий натижаси, деб қайд этиш лозим.

Ассоциация мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида гендер тенгликни таъминлаш, аёл судьяларнинг касбий салоҳияти ва маҳоратини янада юксалтириш, одил судлов тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган янги қадамдир.

Хорижий мамлакатлардан келган фахрий меҳмонлар ва экспертлар таъкидлашича, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг алоҳида ўрни ва роли бор.

Дарҳақиқат, бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда нодавлат тузилмаларда фаолият юритаётган кўплаб аёл раҳбарлар ҳиссаси сезиларли даражада ўсиб бораётганлиги ҳам ушбу сўй-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

Статистик маълумотларга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38



XALQARO AYOL SUDYALAR KUNI MUNOSABATI BILAN "AMALGA OSHIRISHDA AYOL SUDYALAR O'RNI" MAVZUSIDA XALQARO KONFERENSIYA



СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИДА ЯНГИ ТУЗИЛМА

фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этади.

Хотин-қизлар орасида кенг жамоатчиликка машҳур давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, илм ва маърифатнинг юксак чўққиларини эгаллаган академиклар, профессорлар, Халқ ўқитувчилари, Халқ шoirлари, Халқ артистларининг борлиги ҳам ўзбек аёлларининг нечоғли истеъдод эгалари эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз суд тизимида ҳам 245 нафар аёл судья одил судловни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Уларнинг орасида энг куйи суд тизимидан бошлаб, Олий судгача бўлган барча бўғинларда раҳбарлик лавозимларида ишлаётган аёл судьяларимиз самарали фаолият юритиб келмоқда.

Демак, уларнинг барчаси Аёл судьялар ассоциацияси фаолиятида иштирок этиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга амалий ҳиссаларини қўшади.

Айниқса, ожиза аёллар, норасида болалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг

манфаатларини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни амалга ошириш жараёнида ушбу Ассоциация аёл судьяларнинг юксак ахлоқий мезонларга содиқлиги, мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашни устувор вазифа сифатида белгилайди.

Фикрларимни хулоса қилиб айтадиган бўлсам, Ўзбекистон Аёл судьялар ассоциацияси мамлакатимиз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги бир босқичида адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда аёл судьяларни бирлаштириб, уларнинг жамоатчилик ишончини қозонишда, одил судловнинг обрў-эътиборини юлсалтиришда жуда муҳим тузилмага айланади.

Ишонаманки, аёл судьяларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан янги ташкил этилган Ўзбекистон Аёл судьялар ассоциацияси тез орада судьялар ҳамжамиятининг энг муҳим ва обрўли тузилмаларидан бири сифатида эътибор қозонади ва суд тизимида амалга оширилаётган хайрли ва эзгу ишларга камарбаста бўлади.

Назокат БАЙЗАКОВА,

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси.

“ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АЁЛ СУДЬЯЛАР ЎРНИ”: ТАДБИР, ТАФСИЛОТ, ТААССУРОТ

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан 2026 йил 5 март куни Тошкент шаҳридаги энг нуфузли, замонавий марказлардан бири – “Hilton Tashkent” меҳмонхонасининг анжуманлар залида 10 март – Халқаро аёл судьялар куни ҳамда Ўзбекистон Аёл судьялар ассоциацияси ташкил этилиши муносабати билан ўтказилган тантанали байрам тадбирининг мантиқий давоми сифатида “Одил судловни амалга оширишда аёл судьялар ўрни” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўрни келганда, Халқаро аёл судьялар куни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу кунни байрам сифатида нишонлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 28 апрелда қабул қилинган 75/274-сонли резолюцияси билан белгиланган. Шундан буён дунёнинг бир қатор мамлакатларида 10 март – Халқаро аёл судьялар куни сифатида кенг нишонланади.

Халқаро аёл судьялар ассоциацияси (International Association of Women Judges, IAWJ) 1991 йилда одил судловни самарали амалга ошириш, бутун дунёда гендер тенглик ва инсон ҳуқуқларини, айниқса аёллар ва

болалар ҳуқуқларини таъминлаш учун турли мамлакатлардаги аёл-судьяларни бирлаштириш мақсадида тузилган.

Ўзбекистон Республикасидан ҳам уч нафар аёл судья илк бор 2023 йил май ойида Марокаш давлатида бўлиб ўтган Халқаро аёл судьялар ассоциациясининг 16 конференциясида Ассоциация аъзоси сифатида иштирок этишган.

Қадимдан меҳр-оқибат, садоқат ва эзгулик тимсоли бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш, асраб-авайлаш Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.





Бугун гувоҳи бўлиб турганимиздек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда нодавлат тузилмаларда фаолият юритаётган кўплаб аёл раҳбарлар ҳиссаси сезиларли даражада ўсиб бораётганлиги ҳам ушбу саъй-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

Мана шундай улуғ байрам арафасида “Одил судловни амалга оширишда аёл судьялар ўрни” мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилганлиги замирида ҳам катта маъно мужассам. Конференцияда бир қатор хорижий давлатлар, хусусан, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон Республикаларининг Халқаро аёл судьялар ассоциацияси вакиллари, тажрибали судья аёллар иштирок этишди.

Конференцияда суд-ҳуқуқ тизимида аёл судьяларнинг ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамлаш, бу борада илғор хорижий амалиётни таҳлил қилиш, тажриба алмашиш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда одил судловни самарали амалга ошириш масалалари миллий ва халқаро экспертлар томонидан қизгин муҳокама қилинди.

Халқаро экспертлар фаолияти энди бошланаётган Ўзбекистон Аёл судьялар ассоциацияси адолат ва қонун устуворлигига содиқ ҳолда жамият ишончига муносиб хизмат қилиш, инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳамда суд ҳокимияти нуфузини юксалтириш йўлида изчил фаолият олиб боришига ишонишларини билдиришди.

Яна бир қувончли воқеа – ушбу байрам муносабати билан Судьялар олий кенгаши томонидан мамлакатимиз юриспруденцияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган, фавқулодда

билими ва тафаккури, улкан салоҳияти билан ўзига хос ибрат мактабини яратган машҳур ҳуқуқшунос аёлларимиз, зукко ва фозила Устозларимиз Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восиқова ҳамда Ҳалима Муҳитдиноваларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “УЧ МАШҲУР ЎЗБЕК СУДЬЯСИ” номли китоб ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилиб, биз аёл судьяларга тарқатилди.

Мазкур китобда уч машҳур ўзбек ҳуқуқшунос аёлининг ибратга тўла ҳаёти ва самарали фаолияти архив материаллари, тарихий далиллар асосида очиб берилган.

Шунингдек, ҳурматли Устозларимизнинг мамлакатимиз юриспруденцияси тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси тўғрисида атрофлича сўз юритилади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу китоб фақат судьялар ёки ҳуқуқшуносларгагина эмас, балки шу соҳада мутахассис тайёрлайдиган барча таълим муассасалари талабаларига, илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланганлиги билан ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Уч тилда чоп этилган бу китоб – нафақат ҳуқуқшуносларнинг Устози, балки халқимизнинг фаҳрига айланган машҳур ватандош хотин-қизларимизга кўрсатилган юксак эҳтиром, деб биламан.

Биз судья аёллар фаолиятида бу каби асарлар жуда катта маърифий-маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Юлдуз ФОЗИЛОВА,
Тошкент туманлараро
иқтисодий судининг судьяси.



XALQARO AYOL SUDYALAR KUNI MUNOSABATI BILAN “ODIL SUDLOVNI AMALGA OSHIRISHDA AYOL SUDYALAR O‘RNI” MAVZUSIDA XALQARO KONFERENSIYA



2026 йил 4 март куни давлатимиз раҳбарининг 10 март – Халқаро аёл судьялар куни арафасида бир гуруҳ аёл судьяларимизни юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги тегишли Фармони эълон қилинди.

УНУТИЛМАС КУН ШУКУҲИ

Ушбу Фармонга мувофиқ 10 нафар судья аёллар, суд органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловни адолат, холислик ва шаффофлик таъминлаши асосида амалга ошириш орқали Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга муносиб ҳиссалари учун Ватанимизнинг нуфузли фахрий унвонларига сазовор бўлишди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, бу эътироф муҳтарам Президентимизнинг биз аёл судьяларга нисбатан ишончи ҳамда кўрсатган алоҳида ғамхўрликларининг ҳаётий ифодасидир.

Албатта, суд тизимидаги бу ютуқ аёл судьяларнинг ҳалол-пок, сидқидилдан, виждонан ва фидокорона меҳнат қилаётганликларининг амалий натижаси бўлди. Ва ушбу улкан эътироф суд органларида фаолият юритаётган барча аёл судьяларга алоҳида масъулият юклашни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман.

Айниқса, бугунги кунда 95 ёшга кирган суд фахрийси, ўзида катта бир тарихни жамлаган, ўтмиши ва тақдири не-не синовларни бошидан ўтказган, бугунги кунда ҳаёти ва фаолияти том маънода “ИБРАТ МАКТАБИ”га айланган Умсин Астоновага “Меҳнат шухрати” орденининг берилганлиги жуда қувончли, тарихий воқелик бўлди.

26 йил давомида битта туман судига расмлик қилган, умрини ҳалоллик билан ўтказиб, элу-халқнинг юксак ҳурматига сазовор бўлган бу Устозимизнинг мазмунли ҳаёти



тўғрисидаги “Матонатли аёл қиссаси” номли китобни ҳаяжон билан ўқиганмиз.

Мазкур китобда Умсин опанинг бошидан ўтган ниҳоятда қийин ва айтиш мумкин бўлса, азобли синовлар рўй-рост баён этилган. У кишининг болалик хотираларини ўқиб, йиғлайсиз...

Лекин, ҳаётнинг ҳар қандай синовларига бардош берган бу АЁЛни ҳақиқатдан ҳам МАТОНАТНИНГ ТИМСОЛИ дейиш мумкин.

Бугунги кунда кексалик гаштини суриб, бизга тоғдай таянч бўлиб ёнимизда яшаётган Умсин опа биз шогирдларига бой ҳаётини тажрибаларини ўртоқлашиб туради. У киши ўзининг ўзгача бир донишмандликлари билан суд тизимидагиларга куч-қувват бағишлайди. Уларнинг олаётган ҳар бир нафаси, айтаётган ҳар бир гапи бугунги ёшлар учун катта ибрат мактабидир. Шу мақсадда Судьялар олий кенгаши бугунги кунда нурунийлик гаштини суриб шогирдларига тиргак бўлаётган суд-ҳуқуқ тизимининг фидойилари ҳаётидан ҳикоя қилувчи китоблар нашрини давом эттирмоқда.



Умсин опанинг қуйидаги ўғитлари қулоғимдан кетмайди:

– шундай қувончли кунларда (2026 йил 5 март куни Тошкент шаҳрида 10 март – Халқаро аёл судьялар куни ҳамда Ўзбекистон Аёл судьялар ассоциацияси ташкил этилиши муносабати билан ўтказилган тантанали байрам тадбири назарда тутилмоқда) ҳаёлимдан бундан 40-50 йил олдинги, ўзим судья бўлиб ишлаган даврларим кўз олдимдан ўтиб турибди.

Бир воқеа ёдимга тушди: ишни кўриш жараёнида, суд маслаҳатхонасида кўйлагим йиртилиб кетди. Яширмайман, ўша пайтда ишга киядиган биттагина кўйлагим бор эди. Нима қилишимни билмай, кўйлагимнинг йиртиғи кўринмаслиги учун олдимга фартук тақиб, суд ишини кўришни давом эттирганман...

Худога шукур, юртимиз тинч, осуда. Ҳаётимиз тўкин, фаровон. Бундай кунларнинг қадрига етишимиз керак.

Бугун судьяларнинг ҳаёти, яшаш шароити ҳам мутлақо бошқача. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун жуда кўплаб амалий ишлар қилинапти. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг “судьяларнинг орқасида Президент турибди, ҳеч қандай мансабдор шахснинг судьяга буйруқ бериши, таъсир ўтказишига асло йўл қўймаймиз” деган фикрларини эшитиб, қувониб кетаман. Ўзимга-ўзим қанийди, мана шу замонда мен ҳам судья бўлиб ишласам эдим, дейман...

Суд тизими, хусусан, аёл судьялар учун такрорланмас ва нутилмас мана шундай шуқуҳли кунларда яна бир ниҳоятда муҳим воқелик – Ўзбекистон Аёл судьялар ассоциацияси ташкил этилганлигини ҳам мамнуният билан қайд этиш лозим.

Шубҳасиз, ушбу Ассоциация давлат ва жамият олдида аёл судьяларнинг юксак ахлоқий мезонларга содиқлиги, уларнинг мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашни устувор вазифа сифатида белгилайди.

Янги Ўзбекистон шароитидаги шиддатли демократик ислохотлар жараёнида янги тузилма сифатида шаклланаётган Аёл судьялар ассоциацияси одил судловни амалга оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Мавлудахон УММАТОВА,

Фаргона вилоят судининг
иқтисодий ишлар бўйича судьяси.

РАҚАМЛИ СУД — ОДИЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада рақамли суд концепцияси ва сунъий интеллект технологияларининг одил суд фаолиятида қўлланилиши масалалари илмий таҳлил этилиб, уларнинг суд жараёнларини автоматлаштириши, электрон ҳужжат айланишини жорий этиш ва масофавий иштирок имкониятларини яратиш орқали суд фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қилиши асослантирилган.

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг интеграцияси суд-ҳуқуқ тизимининг замонавий талаблар даражасида ривожланишига, инсон омилидан келиб чиқадиган хатоларни камайтиришга ва одил судловни таъминлашга хизмат қилиши таҳлил этилган.

Калит сўзлар: рақамли суд, сунъий интелект (СИ), ижтимоий тенглик, адолат, масофавий суд, рақамли ҳужжат, аргументация.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, хусусан, рақамли технологияларни жорий этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Рақамли суд тизимини шакллантиришга қаратилган ислохотлар одил судлов фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Мазкур ислохотлар доирасида суд иш юритувини электронлаштириш, суд ҳужжатларини онлайн тарзда топшириш ва қабул қилиш, масофавий суд мажлисларини ўтказиш каби механизмлар босқичма-босқич жорий этилди. Жумладан, “Электрон суд” ахборот тизимининг ишга туширилиши суд жараёнларини автоматлаштириш, ишларни тақсимлашда инсон омилини камайтириш ва процессуал муддатларга риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз томонидан 2020 йил 3 сентябрда имзоланган “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарори ва 2025 йил 21 августда имзоланган “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-140-сон Фармонида белгилаб берилган вазифалар долзарблиги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилинган Мурожаатномада ҳам ўз аксини топди. Жумладан, Мурожаатноманинг Олтинчи устувор йўналишида замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотлар изчил давом эттирилиши белгиланди.

Янгиланишлар натижаси ўлароқ бугунги кунда судга ариза бериш, суд ишининг ҳолатини кузатиш, суд ҳужжатларидан электрон нусха олиш каби ўн тўртта хизмат рақамлаштирилди. Шу пайтгача ўн етти миллиондан ортиқ суд иши ахборот тизимлари орқали юритилган. Шунингдек, ўн олти миллиондан ортиқ ишлар судьяларга инсон омилисиз тақсимланган. Ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб судларнинг ички ҳужжатлар айланмаси тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Натижада қисқа даврда давлат бюджетидан ажратиладиган талайгина сумма иқтисод қилинганлигини таъкидлаш керак. Шундан келиб чиқиб адолатли суд-ҳуқуқ тизимини жорий этишда рақамли технологияларнинг ўрни, “сунъий интеллект” ютуқларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, соҳадаги мав-

жуд муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий доктринал таҳлилларга асосланган таклиф ва тавсиялар етакчи аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилаётган рақамли суд низоларни онлайн бошқариш ва ҳал қилиш имконини берувчи экотизимни яратади. У адолатга эришишни осонлаштириш ва суд жараёнларини янада мослашувчан ҳамда тежамкор қилиш учун ахборот технологияларидан фойдаланади.

Ҳақиқатдан ҳам рақамли технологияларни кенг қўллаш процессуал муддатларни ва харажатларни сезиларли даражада қисқартириш, далилларни таъминлаш, текширишни ва процедураларни соддалаштириш имконини беради. Германиялик ҳуқуқшунос олим А.Борнеманинг таъкидлашича рақамли технологиялар фуқаролар ва бизнес учун адолатга эришишни осонлаштиради ва шу билан қонун устуворлигини мустаҳкамлайди. Бизнингча ҳам одил судловни рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали низоларни тезроқ ҳал қилиш мумкин. Бунда автоматлаштирилган технологияларни қўллаш маъмурий юкни камайтиради ва ишларни кўриб чиқишни тезлаштиради. Шу маънода Ўзбекистонда ҳам суд тизимини рақамлаштириш зарурати Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг марказидан четда қолмади.

Мамлакатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”-ги Фармони билан Судлар фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш” вазифаси доирасида – судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, “Рақамли суд” концепцияси асосида ишларни босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклда юритиш амалиётини жорий қилиш ҳамда Олий суд ҳузурида Ахборот технологиялари марказини ташкил этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди.

2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини кенг таҳлил қилган ҳолда, мамлакатимизда сунъий интеллектни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди.

Умуман олганда, рақамли суд тизимининг шаклланиши ва ривожланишига нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, балки сиёсий ирода билан бирга, албатта илмий жиҳатдан

асосланган замонавий ҳуқуқий доктриналар асос пойдевор ҳисобланади. Немис ҳуқуқшунос олимлари суд тизими технологик тараққиётдан четда қолса, у жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бера олмайди деган фикрни қўлаб-қувватлайдилар ва "Технологик детерминизм доктринаси"ни, яъни рақамли судни жамият ва давлат бошқарувида ахборот технологияларининг устувор таъсири натижаси сифатида талқин этадилар.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий концептуал йўналишларидан бири ҳисобланган "Access to Justice" доктринаси ҳам замонавий ҳуқуқ назариясида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу доктрина илк бор XX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса 1960–1970 йилларда АҚШ ва Европа ҳуқуқшунослик мактабларида ривожланган бўлиб, суд харажатларининг юқорилиги, процессуал мураккаблик ва ижтимоий тенгсизлик туфайли кенг аҳоли қатламларининг суд ҳимоясидан четда қолаётганига жавобан шакланган. Ҳозирги кунда сунъий интеллект технологиялари ушбу доктринани янги мазмун билан бойитмоқда. Жумладан, электрон даъво аризалари, онлайн платформалар, масофавий суд мажлислари ва рақамли ҳужжат айланиши шахсларнинг судга мурожаат қилишини сезиларли даражада соддалаштириб вақт, ҳудуд ва молиявий чекловларни камайтиради. Айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи фуқаролар, имконияти чекланган шахслар ҳамда кичик бизнес субъектлари учун рақамли суд адолатга кириш имкониятини кенгайтирувчи муҳим восита сифатида намоён бўлмоқда.

Европа Иттифоқи давлатлари рақамли технологиялар суд қарорларининг аниқлиги ва инсон омилидан келиб чиқадиган хатоларни камайтиришда муҳим аҳамият касб этишини қайд этади. Жумладан, рақамли технологиялар ва СИдан фойдаланиш ҳужжатларни анонимлаштириш, жиноий фаолиятни мониторинг қилиш ва аниқлаш, автоматлаштирилган рейтинг тизимларини жорий этиш, жиноятчилик таҳлили, тезкор қидирув ҳамда маълумотларни қайта ишлаш, ҳуқуқий қарорлар қабул қилишни автоматлаштириш (кодга асосланган қонун), аргументация, низоларни ҳал қилишнинг махсус дастурий таъминотини автоматлаштириш имконини беради. Шундай бўлсада, айрим жиҳатлари билан суд тергов фаолиятида рақамлаштириш, сунъий технология имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш борасида айрим хавф-хатарлар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Масалан, рақамли саводхонлик даражасининг пастлиги, интернет инфратузилмасининг етарли даражада эмаслиги ёки технологик тенгсизлик (digital divide) айрим ижтимоий гуруҳларнинг суд хизматларидан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйиши мумкин.

Одил судловни рақамлаштириш ҳамда СИдан фойдаланишда инсон омили ва рақамли технологиялар орасида албатта маълум бир чегаралар бўлиши лозим. Бу борада Германия суд амалиётига назар ташласак "Германия суд тизимини рақамлаштириш эндигона бошланди. Умуман олганда, суд тизимида секин маданий ўзгариш юз бермоқда" - дейди Германия Ҳуқуқий Технологиялар Ассоциацияси вакили Алиша Андерт. Ҳақиқатан ҳам яқин йилларгача рақамли суд тизими, СИ одил судловни

таъминлашнинг самарали воситаси бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиб бўлмас эди. Энди эса, қонун устуворлиги рақамли шаклда ҳам кафолатланиши мумкинлиги тобора ойдинлашмоқда.

Айрим немис ҳуқуқшунослари эса бунга қарама-қарши фикр билдирадилар. Жумладан, сунъий интеллект инсон ҳукмининг ўрнини боса олмайди, деб таъкидлайди ҳуқуқшунос Стеффен Аугсберг.

Ҳуқуқшунослик ҳар бир ишнинг индивидуал ҳолатларини баҳолашни ўз ичига олади. Шунинг учун, потенциал жазолар қанчалик жиддий бўлса, инсон назорати шунчалик муҳим бўлиб қолади. Шундай бўлсада СИ технологиялари Германия судларида босқичма-босқич қўлланилмоқда, ҳамда қонун лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Шунингдек, Германияда баъзи рақамли воситалар, масалан, сунъий интеллект асосида ишлайдиган "Codefy" таҳлил тизими аллақачон ишлатилмоқда. Ушбу платформа рақамлаштирилган файлларни саралаб олади ва иккала томоннинг аргументларини олдиндан таҳлил қилиш имконини беради. Лекин, ушбу платформадан фойдаланиш мажбурий характерга эга эмас, балки судьяларнинг ихтиёрида.

Германияда электрон судлов электрон ҳукуматнинг бир қисми ҳисобланиб "Электрон судлов" атамаси бироз ноаниқ ва фақат умумий атама сифатида ёки баъзан одатий сўз сифатида ишлатилиши мумкин. Охир-оқибат, у суд ҳокимиятининг учинчи ҳокимият тармоғи сифатида тўлиқ электрон алоқа ва ёзувларни юритишга эришишга қаратилган саъй-ҳаракатларини тасвирлайди. Шунинг учун бу суд вазифаларини бажаришда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг турли жиҳатларини қамраб олувчи умумий атамасидир. Электрон алоқа ёки электрон ёзувларни юритиш каби индивидуал электрон судлов жараёнларидан ташқари, рақамли иш жараёнида ишни ташкил этиш, СИ хавфсизлиги ва маълумотларни ҳимоя қилиш каби кўп қиррали вазифалар ва фундаментал масалалар ҳам электрон судловнинг кенг маъносида бир қисми сифатида кўриб чиқилиши керак.

Таҳлиллар натижасида шуни айтиш керакки "Рақамли суд" тизимига фақатгина суд ҳокимияти органлари, адвокатлар ёки давлат ҳокимияти нуқтаи назаридан эмас, балки яхлит тизим сифатида, энг аввало адолат излаётган фуқароларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ёндашиш лозим. Бундан кўзланган асосий мақсад – суд жараёнларининг очиқлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш орқали жамият учун максимал умумий фойдага эришишдир. Шу нуқтаи назардан, суд ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ягона стандартлар асосида тизимлаштиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий ва технологик чора-тадбирлар электрон судловни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Демак, "Рақамли суд" концепцияси электрон суд тизими ва сунъий интеллект технологияларини интеграциялаш орқали суд ҳокимиятининг институционал фаолиятини модернизация қилиш, ҳуқуқий жараёнларни оптималлаштириш ҳамда фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган замонавий ҳуқуқий-технологик модел ҳисобланади.

Президент фармонларида белгиланган суд-ҳуқуқ тизими рақамлаштиришга оид устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли суд концепцияси электрон судлов ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали суд фаолиятининг самарадорлиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур концепция одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш, фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда суд ҳокимиятини замонавий талабларга мос равишда ривожлантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Рақамли суд концепцияси электрон судлов ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали суд фаолиятининг самарадорлиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш билан бирга қуйидаги ижобий хусусиятларни таъминлаш имконини ҳам беради:

Биринчидан, судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект технологиялари ёрдамида ишнинг тахминий натижаси ва сарфланадиган харажатлар таҳлил қилинади, бу эса фуқароларга суд жараёнини режалаштириш, қарор қабул қилиш ва ҳуқуқий стратегиясини белгилашда ёрдам беради. Шу тариқа, СИ асосидаги прогнозлар судга мурожаат қилишдан олдин адолатли ва самарали қарор қабул қилиш имкониятини оширади. Судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида ишнинг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажатлар аниқланади. Бу фуқароларга суд жараёнини режалаштириш ва ҳуқуқий стратегиясини оптималлаштириш имконини беради.

Иккинчидан, анъанавий шаклдан воз кечилиб, мурожаатлар судга электрон шаклда юборилиши натижасида суд жараёнларининг тезкорлиги ва қулайлиги ошади, ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш муддатлари қисқаради, ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилади. Шу билан бирга, фуқаролар ва юридик шахсларнинг судга мурожаат қилиш имкониятлари кенгайиб, суд фаолиятининг шаффофлиги ҳамда очиқлиги таъминланади, суд-ҳуқуқ тизимида самарадорлик ва ишончлилик даражаси сезиларли равишда ошади.

Учинчидан, ишда иштирок этувчи шахслар суд биносига ташриф буюрмайди ва суд муҳокамаларида масофадан туриб иштирок этиш имкони орқали вақт ва молиявий харажатлар қисқаради, суд мажлисларида қатнашиш қулайлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд жараёнларида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш имкониятининг яратилиши натижасида ахборотга тезкор ва тенг кириш таъминланади, процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш қулайлашади, суд муҳокамаларига пухта тайёргарлик кўриш имконияти кенгайди ҳамда суд жараёнларининг шаффофлиги ва адолатлилиги янада мустаҳкамланади.

Бешинчидан, суд харажатлари автоматик ҳисоблаб чиқилиши ҳамда шакллантирилиши, шунингдек, ижро варақалари автоматик равишда ижрога юборилиши натижасида молиявий ва ташкилий жараёнларни соддалаштириш имконини беради. Натижада инсон омили билан боғлиқ хатолар камаёди, суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши таъминланади ҳамда суд-ҳуқуқ тизими

фаолиятининг умумий самарадорлиги сезиларли даражада ошади.

Олтинчидан, сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомаларини реал вақт режимда матн шаклида тайёрлаш имконияти пайдо бўлади. Натижада архивлаш ва қидирув имконияти ошади, суд қарорларини таҳлил қилиш соддалашади, ҳужжатлар тайёр бўлгани учун кейинги процессуал қадамлар кечикмасдан амалга оширилади.

Демакки, соҳада рақамли технологияларни кенг қўллаш, СИ имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш аввало одил судловни таъминлаш билан бирга суд жараёнларининг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг процессуал ҳуқуқларини кафолатлаш, суд қарорларининг шаффофлиги ва адолатлилигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам президентимиз айтганидек- ислохотларнинг энг асосий мақсади биринчи ўринда давлат эмас, балки инсон, унинг қадрни ҳисобланади.

Рақамли суд – одилликни таъминлашнинг янги босқичи бўлиб, у суд жараёнларининг тезкорлиги, самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда адолатга эришишни максимал даражада таъминлашга қаратилган замонавий ҳуқуқий-технологик моделдир. Ушбу концепция нафақат суд тизимини рақамлаштириш, балки сунъий интеллект технологиялари ёрдамида иш жараёнларини оптималлаштириш, ишлар тақсимотида инсон омилини камайтириш ва низоларни тезкор ҳал қилиш имконини беради, шунингдек, адолатли судловни янги босқичга олиб чиқади.

Зафар АМИРОВ,

*Одил судлов академияси профессори,
юридик фанлар доктори (DSc).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 26.12.2025. <https://president.uz>
2. Abdullaev Q. R. E-justice tizimini joriy etishda xalqaro tajriba va O'zbekiston amaliyoti. — Journal of Comparative Law, No 2, 2024. — B. 33–34.
3. Holger Jäckel: Das Beweisrecht der ZPO. Ein Praxishandbuch für Richter und Rechtsanwälte. Kohlhammer Verlag, Stuttgart 2009, ISBN 978-3-17-020793-6, S. 62 ff.
4. Jens Meyer-Ladewig/Martin Nettesheim/Stefan von Raumer: Europäische Menschenrechtskonvention. Handkommentar. 4. Auflage 2017, Art. 6 EMRK Rn. 170 ff.
5. Wolfgang Naucke: Die Modernisierung des Strafrechts durch Beccaria. In: G. Deimling (Hrsg.): Cesare Beccaria. Heidelberg 1989, S. 37–53, S. 48.
6. <https://www.deutschlandfunk.de/digitalisierung-justiz-gerichte-transformation-verwaltung-ki-e-akte-100.html>
7. Literatur von und über Steffen Augsburg im Katalog der Deutschen Nationalbibliothek
8. Gita Neumann: Liberale und Humanisten preschen bei Suizidhilfe-Gesetz vor. In: Humanistischer Pressedienst. 16. März 2020, abgerufen am 17. Dezember 2024.
9. Рўзметов Ш. “Судлар фаолиятида рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асослари”. Тошкент: “Юрист”, 2022.
10. Бекназаров Ф. Б. Одил судловнинг рақамлашуви: қонунчилик ва амалиёт. — “Адолат” журнали, Но 3, 2021. Б. 45.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИГА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада жиноят процессида медиация институтини жорий этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари, халқаро стандартлари ва Ўзбекистон учун амалий истиқболлари таҳлил қилинади. Муаллиф медиацияни оддий ярашув ёки процессуал имтиёз сифатида эмас, балки жабрланувчи, ҳуқуқбузар/айбланувчи ва жамият манфаатларини тенглаштирувчи институт бўлиши билан бирга уни тикловчи юстиция механизми сифатида баҳолайди.

Калит сўзлар: медиация, жиноят процесси, тикловчи юстиция, ярашув, жабрланувчи, ҳуқуқбузар, процессуал кафолатлар, реинтеграция, компенсация, халқаро стандартлар.

Сўнгги ўн йилликларда жиноят ишларини юритиш тизимида жазоловчи парадигманинг мутлақ устунлиги аста-секин қайта кўриб чиқилмоқда. Замонавий ҳуқуқий сиёсат жиноятни фақат давлатга қарши қилмиш сифатида эмас, балки, энг аввало, муайян шахсга, унинг кадр-қиммати, мулкига, хавфсизлигига ва ижтимоий муносабатларга етказилган зарар сифатида талқин этишга интиляпти. Шу нуқтаи назардан, жиноят-процессуал тизимда жабрланувчининг манфаати, унинг эҳтиёжлари, компенсацияга бўлган ҳуқуқи, ҳуқуқбузарнинг шахсий масъулияти ва жамиятга қайта интеграцияси масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳовард Зер ва Гарри Мика томонидан илгари сурилган ёндашувга кўра, жиноят, аввало, одамлар ва муносабатларга қарши бузилишдир; демак, одил судловнинг вазифаси фақат санкция қўллаш эмас, балки зарарни бартараф этиш ва ижтимоий мувозанатни тиклашдан ҳам иборатдир.

Жиноят процессида медиация институтини англаш учун, аввало, тикловчи одил судловнинг доктринал мазмунига мурожаат қилиш зарур. Нильс Кристининг “Conflicts as Property” асарида илгари сурилган машҳур ғояга кўра, замонавий жиноят адлияси тизими низони унинг ҳақиқий эгалари — жабрланувчи ва ҳуқуқбузар қўлидан “олиб қўйиб”, уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва профессионаллар монополиясига айлантирган. Натижада жабрланувчи ўз ишидаги асосий иштирокчи мақомидан четлашади, ҳуқуқбузар эса қилмиши оқибатларини шахсий ва ахлоқий жиҳатдан тўлиқ англаб этиш имкониятидан маҳрум бўлади. Медиация ана шу монополлашувни юмшатиб, низони инсонпарварлик руҳида қайта тиклашга хизмат қилади.

Даниел Ван Несс тикловчи одил судловни глобал жиноят-ҳуқуқий ислохот ҳаракати сифатида талқин қилиб, унинг марказида жиноят натижасида вужудга келган зарарни қоплаш, муносабатларни тиклаш ва ҳуқуқбузарни амалда масъулиятни ўз зиммасига олишга ундаш ғояси турганини таъкидлайди. Жон Брайтуэйт эса ресторатив адлияни “restore victims, offenders and communities” логикаси орқали тушунтириб, унинг қиймати фақат репарацияда эмас, балки ижтимоий реинтеграция ва жамоавий иштирок имкониятларида ҳам эканини кўрсатади. Шу боис жиноят процессида медиацияни назарий жиҳатдан “енгиллаштириш воситаси” деб эмас, балки давлат, жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги муносабатларни қайта мувозанатлаштириш механизми сифатида баҳолаш тўғрироқдир.

Жиноят ишларида медиациянинг халқаро-ҳуқуқий стандартлари, энг аввало, Европа Кенгашининг 1999 йил

15 сентябрда қабул қилинган R (99) 19-сонли Тавсиясида ўз ифодасини топган. Унда жиноят ишларида медиация жабрланувчи ва ҳуқуқбузарнинг эркин розилиги асосида, холис учинчи шахс ёрдамида жиноятдан келиб чиққан масалаларни ҳал этиш жараёни сифатида таърифланади; ихтиёрийлик, махфийлик, барча босқичларда қўллаш имконияти ва фундаментал процессуал кафолатлар алоҳида белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжат медиацияни расмий одил судловдан ташқаридаги хусусий келишув эмас, балки жиноят адлияси тизими билан ўзаро боғлиқ институционал хизмат сифатида кўришга йўл очган.

2018 йилда Европа Кенгаши CM/Rec(2018) 8-сонли янги Тавсияни қабул қилиб, тикловчи адлия масаласини янада кенг қамровда баён этди. Унда тарафларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ҳурматга асосланган мулоқот, зарарни бартараф этиш, реинтеграция ва процессуал адолат тикловчи адлиянинг асосий принциплари сифатида кўрсатилган. Мухими, мазкур ҳужжат тикловчи адлия хизматларини “умумий тарзда мавжуд бўлиши керак бўлган” хизмат сифатида тасаввур қилади. Бу эса давлатларга медиацияни эксперимент сифатида эмас, балки институционал сиёсат даражасида ривожлантириш мажбуриятини юклайди.

БМТнинг Жиноят профилактикаси ва жиноят одил судлови соҳасидаги қўлланмалари ҳам медиация ҳамда тикловчи дастурларни қонунийлик, хавфсизлик ва ихтиёрийлик мезонлари билан боғлайди. UNODCнинг “Handbook on Restorative Justice Programmes” қўлланмасига кўра, ишни медиацияга юборишдан олдин иш материаллари етарли даражада аниқ бўлиши, тарафлар жараённинг моҳиятини тушуниши, хавф таҳлили ўтказилиши, медиаторлар махсус тайёргарликка эга бўлиши ва натижа қонуний назоратдан ўтиши лозим. Демак, халқаро стандартлар медиацияни эркинлик шиори остида назоратсиз қўллашни эмас, балки тузилмалашган, ҳуқуқий чекланган ва профессионаллашган институт сифатида қабул қилади.

Қиёсий таҳлил ҳам мазкур тенденцияни тасдиқлайди. Европа Кенгаши доирасида 2024 йилда тайёрланган кенг қамровли ҳисоботга кўра, victim-offender mediation ёки reconciliation туридаги тикловчи амалиётлар тадқиқ этилган 48 давлатнинг 47 тасида мавжуд; судгача босқичда катталар ишлари учун 41 давлатда, суд босқичида эса 38 давлатда қўлланиши қайд этилган. Бу рақамлар медиация алоҳида ҳуқуқий маданиятга хос маржинал институт эмас, балки Европа жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг деярли умумэтироф этилган қисмига айланганини кўрсатади.

Эмпирик тадқиқотлар ҳам медиациянинг эҳтимолий ижобий самарасини қўллаб-қувватлайди. Умбрейт томонидан умумлаштирилган кўплаб дастурлар таҳлилда жабрланувчи ва ҳуқуқбузарлар қониқшининг юқорилиги, реституция шартларининг бажарилиши ва мулоқот орқали жиноят оқибатларини англаш даражаси ошиши қайд этилган. Айрим мета-таҳлилларда эса, жумладан вояга етмаганлар иштирок этган victim-offender mediation дастурлари бўйича, қайта ҳуқуқбузарлик кўрсаткичи сезиларли равишда пасайгани, бир тадқиқотда бу камайиш 34 фоиз деб баҳоланган. Албатта, бу натижалар барча ишлар учун автоматик тарзда такрорланмайди, бироқ улар медиацияни норматив жиҳатдан рад этиш эмас, балки сифатли моделда жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда медиация институти 2018 йил 3 июлда қабул қилинган “Медиация тўғрисида”ги Қонун билан ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланган. Мазкур Қонун медиацияни тарафларнинг ихтиёрий розилигига асосланган низони ҳал этиш усули сифатида белгилайди, унинг принциплари қаторида ихтиёрийлик, махфийлик, тарафлар тенглиги, ҳамкорлик, медиаторнинг мустақиллиги ва холислигини қайд этади. Лекин қонуннинг қўлланиш соҳаси асосан фуқаролик-ҳуқуқий, оилавий, меҳнат, тадбиркорлик ва шу каби низолар билан чекланган. Демак, амалдаги таҳрирда у жиноят процесси учун тўлақонли тўғридан-тўғри асос эмас.

Шу билан бирга, миллий жиноят қонунчилигида ярашув институти мавжуд. Жиноят кодексининг 66¹-моддасига кўра, қонунда кўрсатилган айрим жиноят таркиблари бўйича шахс, агар айбини тан олса, етказилган зарарни бар-тараф этса ва жабрланувчи билан ярашса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Олий суд Пленумининг ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича тушунтиришларида ҳам ярашув институти айбдорлик масаласини ҳал қилмасдан туриб, ишни тугатиш учун асос бўлиши, шунингдек 66¹-моддада кўрсатилган доирадан ташқарига чиқиб талқин қилинмаслиги алоҳида таъкидланган.

Бир қарашда, ярашув институти медиацияни алмаштира оладигандек туюлиши мумкин. Бироқ улар ўртасида жиддий концептуал ва процедуравий фарқлар бор. Биринчидан, ярашув — бу, асосан, муайян моддий-ҳуқуқий оқибатга, яъни жиноий жавобгарликдан озод қилишга қаратилган қонунчилик механизми; медиация эса музокара, фасилитация, тушунтириш, зарарни муҳокама қилиш, узр, реституция ва психологик тикланиш элементларини қамраб олувчи процессуал жараёнدير. Иккинчидан, ярашув доирасида профессионал медиатор иштирок этиши шарт эмас, медиацияда эса холис учинчи шахс жараённинг марказий бўғини ҳисобланади. Учунчидан, медиация жабрланувчининг процессуал овозини кучайтиради, чунки у фақат “розилик берувчи” шахс эмас, балки музокаранинг фаол иштирокчисига айланади.

Мазкур муаммони миллий доктрина ҳам қайд этади. А. Нишоновнинг жиноят процессида медиация институтига бағишланган тадқиқотида медиация судга қадар босқичда низони ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида кўрилиб, у ярашув институти билан боғлиқ бўлса-да, ундан мазмунан кенгроқ экани, айниқса, тарафлар иштирокининг сифат жиҳати, медиаторнинг роли ва жабрланувчи манфаатлари-

ни тўлақонлироқ ифода этиши билан фарқланиши таъкидланган. Бу ҳулоса Ўзбекистонда медиацияни жиноят-процессуал қонунчиликка алоҳида институт сифатида киритиш масаласининг илмий асосга эга эканини кўрсатади.

Жиноят процессига медиацияни жорий этишнинг биринчи ва энг муҳим афзаллиги — жабрланувчи манфаатларининг реал мазмунда кучайишидир. Анъанавий процессда жабрланувчи кўп ҳолларда далил манбаи ёки процессуал иштирокчи сифатидагина кўрилади; медиацияда эса у ўз эҳтиёжи, кўрқуви, зарарнинг кўлами, узр ёки етказилган зарарни қоплашга доир талаби ҳақида тўғридан-тўғри гапириш имконига эга бўлади. Бу, айниқса, мулкий зарар, шаън ва қадр-қимматга путур етказиш, кўрқитиш, енгил тан жароҳати ёки ижтимоий алоқаларни бузган бошқа ҳуқуқбузарликларда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи афзаллик — ҳуқуқбузарнинг шахсий масъулиятини кучайтириш. Суд ҳукми инсонни қонун нуқтаи назаридан айбдор деб топиши мумкин, лекин у қилмишининг жабрланувчи ҳаётига қандай таъсир кўрсатганини доимо чуқур англатавермайди. Медиация эса ҳуқуқбузарни формал тарзда эмас, балки инсон сифатида ўз қилмиши оқибатлари билан юзлаштиради. Бу реинтеграция, узр айтиш, зарарни қоплаш ва келгусида қайта ҳуқуқбузарликдан тийилиш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Учинчи афзаллик — процессуал тежамкорлик. Мазкур институт тўғри чекланган ҳолда қўллansa, суд ва тергов органларининг айрим тоифадаги ишлар бўйича юқини камайтиради, бироқ бу медиациянинг асосий мақсади эмас. Агар медиация фақат статистик енгиллик воситасига айлантирилса, у ўз моҳиятини йўқотади. Шу боис унинг самараси ишларни “қисқартириш” эмас, балки адолатни сифат жиҳатдан бошқача таъминлаш билан ўлчаниши лозим.

Бироқ афзалликлар билан бир қаторда жиддий хавфлар ҳам мавжуд. Биринчи хавф — жабрланувчига босим ўтказилиши. Айрим ижтимоий муҳитларда “ярашиб қўй”, “ишни катта қилма”, “оила номини ўйла” каби босимлар реал розиликни йўққа чиқаради. Иккинчи хавф — кучлар ному-таносиблиги. Агар ҳуқуқбузар иқтисодий, ижтимоий ёки оилавий жиҳатдан кучли позицияда бўлса, медиация музокараси формал тенгликка қарамай, мазмунан тенгсиз кечиши мумкин. Учунчи хавф — иккиламчи виктимизация; яъни жабрланувчини тайёргарликсиз, ҳимоясиз ёки профессионал йўл-йўриқсиз қайта учраштириш унинг руҳий ҳолатини янада оғирлаштириши мумкин.

Шу сабабли медиация барча жиноятларга нисбатан универсал восита бўла олмайди. Зўравонлик, жинсий дахлсизликка қарши жиноятлар, узоқ муддатли оилавий назорат ва кўрқитиш билан боғлиқ ишлар, шунингдек жабрланувчи айниқса ҳимояга муҳтож бўлган ҳолатларда медиацияни қўллаш масаласи жуда тор ва қатъий мезонлар асосида ҳал этилиши керак. Халқаро стандартлар ҳам айнан шунга урғу беради: медиациянинг инсонпарварлиги унинг ҳар бир ишда мажбурий ёки мақбул эканини аниқламайди.

Ўзбекистонда жиноят процессига медиацияни жорий этиш босқичма-босқич ва норматив жиҳатдан аниқ лойиҳаланган тарзда амалга оширилиши лозим. Аввало, Жиноят-процессуал кодексига “Жиноят ишларида медиация” деб номланган алоҳида боб киритилиб, унда медиациянинг

тушунчаси, мақсади, принциплари, ишни медиацияга юбориш асослари, юборишни рад этиш мезонлари, медиаторнинг мақоми, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келишувнинг процессуал оқибатлари ва уни тасдиқлаш тартиби мустаҳкамланиши зарур.

Иккинчидан, медиацияни дастлаб ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган, жабрланувчига етказилган зарарни реал қоплаш мумкин бўлган айрим тоифадаги ишлар бўйича пилот тартибда жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда мулкий зарар, енгил тан жароҳати, кўпол бўлмаган низоли тўқнашувлар, биринчи марта содир этилган айрим ҳуқуқбузарликлар каби тоифалар кўриб чиқилиши мумкин. Аксинча, жинсий зўравонлик, болаларга қарши оғир жиноятлар, оилавий зўравонликнинг юқори хавфли кўринишлари, уюшганлик ёки қўрқитиш элементи кучли бўлган ишлар медиациядан қонун билан чиқариб ташланиши лозим.

Учинчидан, медиаторлар учун алоҳида ихтисослашган тайёргарлик тизими керак. Фуқаролик низолари бўйича тажрибага эга медиатор ҳар доим ҳам жиноят ишлари, виктимология, травма, хавф таҳлили ва ҳуқуқбузар билан мулоқот психологияси бўйича зарур компетенцияга эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун жиноят ишларида медиатор сифатида фаолият юритиш учун махсус сертификатлаш, доимий ўқув курслари, этик кодекс ва супервайзерлик механизми жорий қилиниши шарт.

Тўртинчидан, ишни медиацияга юбориш автоматик эмас, филтрланган тарзда бўлиши керак. Бунда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг тури, далиллар етарлилиги, тарафлар ўртасидаги муносабат, хавф даражаси ва розиликнинг ҳақиқий эркинлигини дастлабки баҳолаши лозим. Жабрланувчи ва гумон қилинувчи (айбланувчи) га адвокат ёки ҳуқуқий маслаҳат олиш имконияти тушунтирилиши шарт. Ҳар икки тараф исталган босқичда сабаб кўрсатмасдан медиациядан чиқиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Бешинчидан, медиация натижасида тузилган келишув устидан прокурор ва суд назорати сақланиши зарур. Келишув қонунга зид бўлмаслиги, жабрланувчи манфаатларига очикча зарар етказмаслиги, мажбурлаш ёки алдов натижаси бўлмаслиги, бажариш мумкин бўлган шартларни ўз ичига олиши керак. Келишувнинг ижроси мониторинг қилиниши, бажарилмаган тақдирда эса жиноят процесси одатий тартибда давом эттирилиши лозим.

Олтинчидан, статистика ва шаффофлик механизми керак. Қайси тоифадаги ишлар медиацияга юборилгани, қанчаси келишув билан тугагани, қанчасида келишув бажарилмагани, жабрланувчи қониқиши, қайта ҳуқуқбузарлик даражаси ва ҳудудлар кесимидаги натижалар бўйича ягона мониторинг платформаси жорий этилса, институтнинг реал самараси илмий баҳолаши мумкин бўлади.

Шундай қилиб, жиноят процессига медиацияни жорий этишнинг мақбул модели — бу инсонпарвар шиорлар билан чекланувчи эркин амалиёт эмас, балки аниқ қонунчилик, касбий стандартлар, қўлланиш чегаралари, хавф филтрлари ва натижаларни баҳолаш тизимига эга комплекс институционал конструкциядир.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, жиноят процессига медиация институтини жорий этиш гоёси

нафақат доктринал жиҳатдан асосланган, балки халқаро амалиёт ва қатор эмпирик тадқиқотлар билан ҳам муайян даражада қўллаб-қувватланади. Медиация жабрланувчига овоз беради, ҳуқуқбузарни шахсий масъулиятга ундайди, репарацияни рағбатлантиради ва айрим тоифадаги ишлар бўйича судлов юкини оқилона камайтириши мумкин.

Бироқ унинг ҳақиқий қиймати фақат шу институт “бор” ёки “йўқ” экани билан эмас, балки қандай қурилгани билан белгиланади. Агар медиация формал статистик воситага айланса, жабрланувчи розилиги реал эмаслигига кўз юмилса, хавф таҳлили ўтказилмаса ёки профессионал медиаторларсиз амал қилса, у адолатни тиклаш эмас, аксинча, процессуал ва ахлоқий муаммоларни кучайтириши мумкин.

Шу маънода, Ўзбекистон учун энг мақбул йўл — амалдаги ярашув институтини халқаро стандартлар асосида сифат жиҳатдан қайта ўйлаб чиқиш ва жиноят-процессуал қонунчиликка медиацияни алоҳида, аниқ, чекланган ва кафолатланган институт сифатида киритишдир. Бунда ихтиёрийлик, махфийлик, ҳуқуқий ёрдам, жабрланувчини ҳимоя қилиш, прокурор ва суд назорати, махсус тайёрланган медиаторлар ҳамда мониторинг механизми ислохотнинг асосий таянч нуқталари бўлиши шарт. Ана шундагина медиация жиноят процессида формал ярашувдан кўра кенгрок, мазмунан кучлироқ ва ҳақиқий тикловчи адлия элементига айлана олади.

Сарвар МАМАДИЕВ,

*Одил судлов академияси доцент в.б.,
юримдик фанлар номзоди.*

Фойдаланилган адабиётлар:

- Zehr H., Mika H. Fundamental Concepts of Restorative Justice. 1997.
- Christie N. Conflicts as Property // The British Journal of Criminology. 1977. Vol. 17. No. 1.
- Marshall T. Restorative Justice: An Overview. London: Home Office Research Development and Statistics Directorate, 1999.
- Van Ness D. W. An Overview of Restorative Justice Around the World. Bangkok, 2005.
- Braithwaite J. Restorative Justice and Responsive Regulation. Oxford: Oxford University Press, 2002.
- Daly K. Restorative Justice: The Real Story // Punishment & Society. 2002. Vol. 4. No. 1.
- Umbreit M. S., Coates R. B., Vos B. The Impact of Victim-Offender Mediation: Two Decades of Research // Federal Probation. 2001. Vol. 65. No. 3.
- Bradshaw W., Roseborough D. The Effect of Juvenile Victim Offender Mediation on Recidivism: A Meta-Analysis // Conflict Resolution Quarterly. Vol. 24. No. 1.
- UNODC. Handbook on Restorative Justice Programmes. Second Edition. Vienna, 2020.
- Council of Europe. Recommendation No. R (99) 19 concerning mediation in penal matters. 1999.
- Council of Europe. Recommendation CM/Rec(2018)8 concerning restorative justice in criminal matters. 2018.
- Directive 2012/29/EU establishing minimum standards on the rights, support and protection of victims of crime. 2012.
- Council of Europe. Restorative Justice in Criminal Matters in Europe: European Volume. 2024.
- Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ-482-сон, 03.07.2018 й.
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 66¹-модда.
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ярашув тўғрисидаги ишларни юритишга оид тушунтиришлари.
- Нишонов А. Жиноят процессида медиация институти: жиноят ишини ҳал қилишнинг судга қадар муқобил усули. Магистрлик диссертацияси. Тошкент, 2021.

ЖАМИЯТ ҲИМОЯСИ – ИНСОН ҚАДРИДАН БОШЛАНАДИ

Инсон ҳуқуқлари, айниқса, жамиятнинг энг нозик қатламлари ҳисобланган аёллар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар қандай демократик давлатнинг устувор вазифасидир. Зеро, оиладаги хотиржамлик ва болаларнинг соғлом муҳитда улғайиши мамлакат барқарорлиги ҳамда келажак авлод маънавиятининг асосий гарови ҳисобланади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда бу борада тизимли ислохотлар амалга оширилиб, қонунчилик базаси тубдан янгиланмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги Фармон бу борадаги ишларни мутлақо янги босқичга олиб чиқди.

Ушбу ҳужжат жамиятда зўравонликка нисбатан мурасасиз муҳитни шакллантириш, ҳар бир жабрланувчига давлатнинг кучли ҳимоясини ҳис эттириш ва айбдорлар учун жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган амалий ҳаракатлар дастуридир. Фармон билан жорий этилаётган янги механизмлар, масъул органлар зиммасига юкланган аниқ вазифалар ва ижтимоий хизматлар тизимининг такомиллаштирилиши бу борадаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Хусусан, Фармонда белгиланган энг муҳим вазифалардан бири — оила қуриш арафасида турган ёшларни "маиший зўравонликсиз бахтли оилавий ҳаётга тайёрлаш" бўйича махсус курсларнинг жорий этилиши жамиятда янги ижтимоий маданиятни шакллантиришда муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ташаббуснинг аҳамияти шундаки, унда аниқ ва босқичма-босқич қамров кўрсаткичлари белгилаб берилган. Жумладан, никоҳланувчи ёшларни бепул ўқитиш кўламини 2026 йилда 50 фоизга, 2027 йилда 60 фоизга ва 2030 йилга келиб 100 фоизга етказиш назарда тутилган. Бу кўрсаткичлар яқин истиқболда бирорта ҳам оила махсус психологик ва ҳуқуқий тайёргарликсиз қурилмаслигини англатади.

Мазкур курсларнинг мазмун-моҳияти ёшлар онгига оилавий муносабатларда зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш туйғусини сингдиришдан иборат. Давлат бу орқали никоҳланувчиларни нафақат ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилади, балки уларга низоли вазиятларни тинч йўл билан ҳал этиш, ўзаро ҳурмат ва мулоқот маданиятини ўргатади.

Фармондаги ўзгаришлардан яна бири — эрта никоҳ ва вояга етмаганлар ўртасидаги ҳомиладорлик ҳолатларига қарши курашишда нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки кенг жамоатчиликнинг масъулиятини белгилаш тамойилидир. Эндиликда бу каби ҳолатлар аниқланганда тезкор хабар бериш мажбурияти маҳалла еттилиги, ФХДЁ ва таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ҳамда диний идора вакиллари зиммасига юклатилади.

Бундай тизимнинг йўлга қўйилиши жамиятда "занжирли масъулият"ни ҳосил қилади. Яъни, вояга етмаган қизларнинг тақдирига дахлдор бўлган ҳар бир бўгин — маҳалла ва мактабдан тортиб, тиббиёт муассасасигача — бу муаммога бефарқ қарамаслиги қонун билан мустаҳкамланмоқда. Бу чора яширин равишда ўқиладиган шаръий никоҳлар ва қизларнинг таълимдан узилиши каби салбий ҳолатларга чек қўйишда муҳим тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, Фармоннинг инсонпарварлик ва ахлоқий жиҳати шундаки, унда жабрланувчи хотин-қизлар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги қатъий қафолатланган. Маълумотларнинг ҳимоя қилиниши вояга етмаган қизларнинг жамиятда руҳий босим ёки таъқибга учрашининг олдини олади.

Давлат бу орқали икки томонлама ҳимояни таъминламоқда: бир томондан зўравонлик ва қонунбузарликни фош этиш бўйича ижтимоий назорат кучайтирилса, иккинчи томондан, жабрланганларнинг шаъни ҳамда келажакдаги ҳаёти давлат ҳимоясига олинмоқда.

Зўравонлик ҳолатларини ўрганиш ва адолатни қарор топтиришда нафақат қонун нормалари, балки жабрланувчи билан ишлашнинг психологик ва процессуал жиҳатлари ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамда Одил судлов академиясида терговчи ва судьялар учун "Жиноятдан жабрланган аёллар ва болалар билан ишлашнинг ўзига хос процессуал жиҳатлари" бўйича махсус ўқув дастурлари ташкил этилади. Бу дастурларнинг ўзига хослиги шундаки, уларга нафақат миллий, балки халқаро экспертлар ҳам жалб этилади.

Бундан кўзланган асосий мақсад — тергов ва суд жараёнида аёллар ва болаларнинг такрорий руҳий жароҳат (ревиктимизация) олишига йўл қўймастикдир. Жабрланувчи билан мулоқот қилиш маданияти, болалар билан сўроқ ўтказишнинг нозик жиҳатлари ва уларнинг ҳуқуқларини процессуал таъминлаш бўйича мутахассисларда янги кўникмалар шакллантирилади.

Давлат бу орқали ҳуқуқ-тартибот органлари ва суд тизимини жабрланувчи учун "дўстона муҳит"га айлантиришни мақсад қилган. Бундай профессионал ёндашув жиноятларни очишда ҳолисликни таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг давлат ва адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур Фармон Ўзбекистонда инсон қадрини юксалтириш ва ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги энг муҳим стратегик қадамлардан биридир. Никоҳланувчи ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилиши, эрта никоҳларга қарши жамоавий масъулиятнинг белгиланиши ва соҳа мутахассислари — терговчи ҳамда судьяларнинг махсус ўқув дастурлари асосида малакаси оширилиши тизимли ислохотларнинг узвий занжиридир. Зеро, аёли эъзозланган, болалари бахтли ва хавфсиз муҳитда улғаяётган жамиятгина ҳақиқий тараққиёт ва ижтимоий барқарорликка эриша олади.

Ушбу ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат бу-гунги кун муаммоларини ҳал этади, балки келажак авлодларимиз тақдири учун мустаҳкам ҳуқуқий ва маънавий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бектурди МАТМУРОТОВ,
Одил судлов академияси ходими.

КОНСТИТУЦИЯ – ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

Конституция алоҳида юридик хусусиятларга эга бўлган ягона сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойиллари ўрнатилади, давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектлари, ҳокимиятни амалга ошириш механизми белгиланади ва жамият, инсон ҳамда фуқаронинг давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва эркинликлари мустаҳкамланади.

Бугунги кунда Конституция муҳраб қўйган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар қўйиб бораётганимиз, давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда биз амалга ошираётган кенг қўламли ислохотлар ҳамда демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бутунлай ўзгариб бораётгани барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шу билан биргаликда Бош қомусимизнинг бошқа давлатлар Конституциясидан жиддий фарқлайдиган жиҳатлари ва хусусиятлари мавжуд эканлигини эътироф этишимиз жоиз.

Агарда амалдаги конституциянинг шаклланиши ва ривожланиш тарихига назар ташласак, уни учта босқичга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич 1991-2000 йиллар, дастлабки конституцион ислохотлар, миллий-ҳуқуқий давлатчилик ва ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиётининг шаклланиши.

Иккинчи босқич 2001 йилдан то 2023 йил 30 апрелгача бўлган даврни қамраб олади. Бу босқичда Конституциявий қонун ижодкорлиги фаоллиги ниҳоятда кенгайди. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 15 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Конституцияга киритилган ўзгартиришлар икки палатали парламентни ташкил этиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини ўрнатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚП энг кўп ўринга эга бўлган партия томонидан Бош вазир номзодини кўрсатиб, тасдиқлаш, унга ишончсизлик вотуми билдириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, Конституциянинг 93-моддасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини ҳамда суд ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор муҳим масалалар юзасидан киритилган.

Учинчи босқич 2023 йил 1 майдан бошлаб Конституциявий ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди. Алоҳида эътироф этиш жоизки Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан 65 фоизга янгиланиб, биз уларнинг барчасини бир мақола ҳажми билан қамраб олишимизнинг имкони йўқлиги учун фақат энг асосий ва муҳимлари тўғрисида мулоҳаза юритиш мақсада мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири 2023 йил 1 майдан кучга кирди. Янги таҳрирдаги Конституциядаги боблар сони 26 тадан 27 тага, моддалар сони 128 тадан 155 тага кўпайтирилган, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошган.

Назаримизда энг муҳим бўлган ўзгаришлар ва қўшимчалардан бири “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий ижтимоий ва дунёвий давлат” деб эътироф этилганидир.

Ўзбекистон ўзини ижтимоий давлат деб эълон қилиши билан, ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратишни мақсад қилмоқда. Бу – мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, аҳоли ўртасида кучли табақаланишга йўл қўймайлик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт хизматларини кафолатлаш, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаб чиқиш, имконияти чекланган ва ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, ҳеч бир камситишсиз адолатли меҳнат қонунчилиги ва жозибador пенсия тизими кабиларни аниқлатади.

Конституцияга киритилган яна бир муҳим ўзгартириш, бу Конституция нормаларини тўғридан тўғри амал қилишига оид қоидалар ҳисобланиб, 15-моддага қўйидагича қўшимча қўшилди: “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади”.

Конституциянинг тўғридан тўғри амал қилиши фуқароларга нафақат қонунлар, балки бевосита конституциядаги нормаларга ҳам асосланган ҳолда иш олиб боришга, хусусан судга муурожаат қилишга имкон беради.

Конституция 20-моддасининг 5-қисми янги таҳририда “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади” дейилган. Эндиликда, қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади.

Бундан ташқари, турли ҳужжатларни юритишда давлат органлари томонидан хато-камчилик ўтган тақдирда, масалан пенсия тайинлашда тегишли ҳужжатлар базадан топилмай, ноаниқлик юзага келганида ҳам вазият фуқаро фойдасига ҳал этилиши лозим.

Конституциянинг 21-моддаси 3-қисмига қўйидагича янги норма қўшилди:

“Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин”.

Ҳуқуқлар чекланишига доир бу меъёрлар, янги конституциянинг бошқа бир моддасига, яъни 33-модданин 4-қисмига ҳам киритилиб, сўз эркинлиги ҳуқуқига ҳам тегишли. Яъни, ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи фақат конституциявий тузумни, аҳоли соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг ошкор этилишига йўл қўймайлик мақсадида чекланиши мумкин.

Фикримизча, ҳуқуқлар таъминланиши билан ижтимоий ахлоқ ва жамоат хавфсизлиги ва тартибини сақлаш ўртасидаги фарқ умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда аниқ белгилаб қўйилиши шарт. Шу ўринда, намойишлар, митинглар, кўча юришларига тегишли 38-модда, таҳририй ўзгаришларсиз сақлаб қолинди: яъни “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки таъқиқлаш ҳуқуқига эга”.

Шундай қилиб, Конституциямиз Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумининг асосларини, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақомини, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органлари тизимини ва бошқа муҳим институтларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тўплами бўлган Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизимининг етакчи тармоғидир.

Ғайбулла АЛИМОВ,

Жамоат хавфсизлиги университети профессори, ю.ф.д.

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада сунъий интеллект технологияларининг ривожланиши шароитида шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқининг конституциявий-ҳуқуқий моҳияти таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва замонавий илмий тадқиқотлар асосида шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳамда ахборот эркинлиги ўртасидаги мувозанат масаласи ёритилади.*

Калит сўзлар: *сунъий интеллект, шахсга доир маълумотлар, конституциявий ҳуқуқ, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, ахборот хавфсизлиги, профилнинг, автоматлаштирилган қарорлар.*

Шахсий ҳаёт сўз эркинлиги, дин эркинлиги, фикр эркинлиги, қарорларини қабул қилиш ва тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ўз ичига олади. Ушбу ҳуқуқ инсонга кадрятлари, эътиқодлари, афзалликлари, муносабатлари ва яқинлигини аниқлаш имкониятини беради.

Умуман олганда, шахсий ҳаёт ҳар бир инсоннинг эркинлиги, давлат органлари, жамоатчилик ёки бошқа шахсларнинг исталмаган ва ноқонуний аралашувидан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсий макондир.

Шунингдек, айрим тадқиқотчилар шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи тушунчасига таъриф бериш бўйича барча ҳаракатлар беҳуда эканлиги, кўп ҳолларда шахсий ҳаёт дахлсизлиги соҳалараро тадқиқотни талаб этганлиги боис унга берилган таъриф янги саволларни юзага келтириши мумкинлигини билдириб ўтишади.

Жумладан, Гонконг университети профессори Р. Уакс, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи соҳасида тадқиқотлар ўтказиб, ушбу тушунчага доктринал таъриф бериш шарт эмаслигини қайд этган.

Й.Телина илмий тадқиқотида шахсий ҳаёт, шахсий ва оилавий сирларга бўлган ҳуқуқ инсоннинг ажралмас конституциявий ҳуқуқи ҳисобланиб, фуқаролигидан ёки миллий мансублигидан қатъи назар, ҳимоя қилиниши кераклигини², А.А.Аведян эса шахсий ҳаёт амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган инсоннинг маънавий ва физиологик ҳаёти бўлиб, шахснинг онгида сир сифатида белгилайдиган маълумотларнинг тизимини ташкил этишини³, М.В.Балгай шахсий ҳаёт шахснинг бошқалар қўлига тушишини ис-тамайдиган маълумотлари ҳисобланиб, бу “шахсий суверенитет” эканлигини⁴, О.Э.Кутафин дахлсизлик ташқаридан бўлган ҳар қандай тажовузлардан ҳимояланганлик ҳолати ҳисобланишини⁵ қайд этиб ўтишади.

О.Э.Кутафин Россия Федерацияси Конституциясига берган шарҳида шундай ёзади: “Шахсий ҳаёт дахлсизлиги деганда, шахсий, интим характерга эга бўлган маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик, ўзи ҳақидаги маълумотларни назорат қилиш учун давлат томонидан кафолатланган имконият тушунилади. У бир қатор ваколатлардан иборат бўлиб, давлат ва жамиятдан, иш жойидан, ижтимоий муҳитдан ташқарида бўлиш имкониятига эга бўлиш, ушбу ҳуқуқни амалга оширишда аралашмасликнинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш тушунилади”⁶.

Юқорида номлари қайд этилган ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишларини таҳлил этишдан маълум бўлдики, шахсий маълумотлар дахлсизлиги ҳуқуқини таъминлаш бўйича ҳимояланганлик принциплари жуда муҳим аҳамиятга эга. Фикримизча, махфийлик ва конфиденциаллик принципининг мазмун моҳиятини фарқлашда шахснинг эркинлигини давлат органлари, жамият ёки бошқа шахсларнинг исталмаган аралашувидан ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Шахсий маълумотлар дахлсизлиги тушунчасини аниқлашда унинг ҳар бир шахсга индивидуал равишда қўллаш мумкин бўлган шахсий ҳаётнинг умумий мезонларидан келиб чиқиш жоиз.

Биринчидан, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқининг чегаралари субъектив бўлиб, шахсий ҳаёт (privacy) тушунчаси турли маданиятларда кескин фарқ қилиши мумкин. Жумладан, Фарб мамлакатлари ва Шарқ мамлакатларида шахсий ҳаёт чегаралари бир хил эмас.

Иккинчидан, шахсий маълумот тушунчасининг чегараси ҳолатларга қараб ўзгариши мумкин. Масалан, биз оилада шахсий ҳаётга тегишли деб биладиган маълумот иш жойида касбий маълумотлардан бири сифатида белгиланиши мумкин.

Учинчидан, шахсий маълумотларнинг махфийлиги тушунчаси вақт ўтиши билан ҳам шахсийлик доирасининг ўзгаришини бошдан кечириши мумкин. Жумладан, ҳозир биз шахсий маълумот деб ҳисоблаган маълумотлар вақт ўтиши билан шахсийлик хусусиятини йўқотиши ҳам мумкин.

Тўртинчидан, давлат органлари мансабдор шахсларининг шахсий маълумотлари давлат фуқаролик хизмати доирасида ёки коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар билан боғлиқ истисноларни эътиборга олиниш ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин.

Конфиденциаллик (confidencial) шуни англатадики, шахсга доир маълумотлар шифрланган, уларга кириш логин ва парол билан ёпилган ва хавфсизлик тизими ўрнатилган бўлади. Махфийлик – дахлсизлигини назорат қилиш шахснинг ўзида сақланиб қоладиган ташкилотлар, сайтлар, хизматлар доирасида ишлатадиган маълумотлар тизими дейиш мумкин.

Демак, шахсий ҳаёт дахлсизлигининг асосий принциплари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, аралашмаслик принципи (Laissez-faire) – давлат ва бошқа шахслар шахсий ҳаётга унинг розилигисиз ёки қонуний асоссиз аралашмаслиги кераклигини англатади. Бу шахснинг ҳуқуққа зид ёки ноқонуний аралашувдан, шу жумладан тегишли қонуний асосларсиз ва процедураларга риоя қилмасдан ноқонуний тинглаш, кузатиш, қидириш ёки сўроқ қилишдан озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлайди. Аралашмаслик шахсий ҳаётни ҳимоя қилишнинг асосий принципи бўлиб, шахснинг шахсий соҳаси, ҳаёти ва ишлари ҳурмат қилиниши кераклигини англатади.

Иккинчидан, ҳимояланганлик принципи махфийлик ҳуқуқини кафолатлаш ва таъминлаш билан боғлиқ. Бу одамнинг шахсий ҳаёти ва шахсий соҳасининг эҳтимолий бузилишларидан ҳимояланишини англатади. Ҳимоя, қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, шахсий маълумотларни ноқонуний йиғиш, ишлатиш ёки ошкор қилишнинг олдини олиш учун қонуний

қоидалар ва механизмлар мавжуд бўлиши кераклиги билан ифодаланади.

Учинчидан, махфийлик принципи ҳар бир кишига у ҳақида қандай маълумотлар тўпланиши, ишлатилиши ва ошкор этилиши-ни назорат қилишни кафолатлайди. Ушбу ҳуқуқ шахс тўғрисидаги маълумотларни ноқонуний тўплашдан, шахсий ҳужжатларга ёки ёзишмаларга розилигисиз киришдан ҳимоя қилишни, шунингдек, қонуний асосларсиз шахсий ишлар ва маълумотларни жамоатчиликка ошкор қилишни чеклашни ифодалайди.

Тўртинчидан, конфиденциаллик принципи шуни кўрсатадики, шахсий маълумотлар, шунингдек, махфий маълумотлар шахснинг розилигисиз ноқонуний йиғилиши, фойдаланилиши ёки ошкор қилинишидан ҳимояланган бўлиши керак.

Бешинчидан, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақиллик принципи ҳар бир инсоннинг танлов эркинлиги, шахсий қарорларга аралашидан ҳоли бўлиш ҳуқуқини, шунингдек, фикр, эътиқод ва сўз эркинлигини англатади.

Олтинчидан, дискриминациядан ҳимояланиш принципи жамият ва қонуничликни ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларига, шу жумладан, ёш, жинс, миллат, дин, ногиронлигига асосланган камситишнинг ҳар қандай шаклига қарши курашишга мажбурлигини англатади.

СИ ривожлантириш шароитида шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқининг асосий функциялари қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

1. Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш: рақамли технологияларнинг ривожланиши билан биз ҳақимизда кўпроқ шахсий маълумотлар йиғилади, қайта ишланади ва сақланади. Рақамли даврда шахсий ҳаётнинг асосий вазифаси шахсий маълумотларни рухсатсиз кириш, ўқиш ёки суиистеъмол қилишдан ҳимоя қилишдир. Бунга махфийлик тамойиллари, розилик асосида маълумотларни йиғиш, мажбурий огоҳлантириш ва хавфсизлик чоралари киради.

2. Онлайн махфийлик: рақамли асрда бизнинг ҳаётимиз тобора кўпроқ ижтимоий медиа, электрон почта, онлайн харидлар ва бошқа рақамли платформалар орқали ўзаро алоқада бўлган онлайн муҳитга ўтмоқда. Махфийликнинг асосий вазифаси шахсий маълумотларимиз, ҳисобларимиз, ёзишмаларимиз, молиявий маълумотларимиз ва бошқа рақамли фаолиятимизнинг махфийлигини ҳимоя қилишни ўз ичига олади.

3. Давлат назоратини тартибга солиш: рақамли технологияларнинг ривожланиши шароитида давлат назорати ва фуқароларни назорат қилиш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда. Махфийликнинг асосий вазифаси давлат маълумотларини йиғиш, кузатиш, тинглаш ва бошқа рақамли назорат шакллари учун қоидалар ва чекловларни белгилаш, хусусий соҳани суиистеъмол қилиш ва ноқонуний босиб олишнинг олдини олишдир.

4. Рақамли изни ҳимоя қилиш: рақамли муҳитдаги барча ҳаракатларимиз тўпланиши, таҳлил қилиниши ва турли мақсадларда ишлатилиши мумкин бўлган из қолдиради. Махфийликнинг асосий вазифаси рақамли изимизни ҳимоя қилиш ва рақамли маълумотларимизга ким киришини ҳамда ундан қандай фойдаланилишини назорат қилиш имкониятини ўз ичига олади.

5. Фикр эркинлиги ва диверсификациясини кафолатлаш: рақамли асрда ижтимоий тармоқлар ва онлайн платформалар эркин фикр билдириш ва маълумотларга кириш учун муҳим майдонга айланди. Махфийликнинг асосий вазифаси сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, фикрларни диверсификация қилиш ва ҳар

бир инсоннинг онлайн муҳитда ўз алоқалари ва қарашларининг махфийлигига бўлган ҳуқуқини таъминлашдир. Юқорида келтирилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, шахсий ҳаёт дахлсизлиги инсоний одатларни белгиловчи, оиладаги муносабатларни, бошқа шахслар билан норасмий мулоқотни ўзида акс эттирувчи маълумотлар ҳимоясига бўлган ҳуқуқни ифодалайди. Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи табиий ҳуқуқ бўлганлиги сабабли, унинг бир қисми ҳисобланган яъни, қонун ҳужжатларида мустақамланган ёки мустақамланганидан қатъи назар, туғилишдан шахсга тегишли бўлади. Давлат ушбу ҳуқуқнинг амалга ошиши учун ундан фойдаланиш имкониятини эмас, балки ушбу ҳуқуққа эга бўлишини таъминлаш мажбуриятини бажариши зарур. Шахсий ҳаёт дахлсизлигининг қуйидаги юридик табиати хусусидаги якуний хулосаларга келиш мумкин:

1) шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи шахснинг ўз ҳаётига, шахсий ҳаракат ва қарорларига бўлган мустақиллик ҳуқуқини ифодалайди. Ушбу ҳуқуқ муайян шахснинг индивидуаллиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, бошқа субъектларнинг аралашувидан ҳимояланиш ҳолатини ифодалайди;

2) шахснинг ташқи таъсирлардан ҳоли бўлган жисмоний ва руҳий ҳолати турли муҳитларни, хусусан, оилавий, маиший (оила аъзолари, лавозими, миллати, дини в.б.), мулоқот (ишқий, дўстона ёки қизиқишлари в.б.), диний муҳити тўғрисидаги маълумотларнинг ҳимояланганлик ҳолатини акс эттиради;

3) шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи бошқа шахсий ҳуқуқлар билан боғлиқ ҳисобланади;

4) учинчи шахслар томонидан шахснинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни тўплаш, сақлаш, ундан фойдаланиш, тарқатиш ёки ҳар қандай кўринишда ишлов бериш тақиқланиши ва ҳуқуқий кафолатларни талаб этади;

5) шахснинг шахсий ҳаёт дахлсизлигига давлат, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчалик билан аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бу борадаги қонун бузилишлари бўйича қатъий жавобгарлик чоралари белгиланишини тақозо этади.

Фахриддин МАДИЕВ,

Одил судлов академияси Инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти в.б.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. V.Bocharov Konsepsiya balansa raboty i lichnoy jizni kak osnovaniye dlya tipologii strategiy trudovogo povedeniya rabochey molodeji //Sotsialno-trudovye issledovaniya. – 2020. – №. 2 (39). – S. 113-129.
2. R.Wacks Law, Morality and the Private Domain. – Hong Kong University Press, 2000. – T. 1.
3. Ю.Телина. Конституционное право гражданина на неприкосновенность частной жизни, личную и семейную тайну при обработке персональных данных в России и зарубежных странах. – 2016.
4. А.Аведян Юридическая природа обеспечения права на неприкосновенность частной жизни //Юрист-Правоведъ. – 2012. – №. 2 (51). – С. 93-96. <https://cyberleninka.ru/article/n/yuridicheskaya-priroda-obespecheniya-prava-na-neprikosnovennost-chastnoy-zhizni/viewer>
5. М.Балгай Конституционное право Российской Федерации. Учебник //М.: Норма. – 2015. – С. 666.
6. О.Кутафин Неприкосновенность в конституционном праве Российской Федерации. Монография. – Издательство Проспект, 2014. https://books.google.co.uz/books?hl=ru&lr=&id=Jia5BAAQBAJ&oi=fnd&pg=PT2&ots=ReIdVdiugG&sig=i4yAWHMZPGdX7mIUeFhhXNv0YAg&redir_esc=y#v=onepage&q&f=false
7. Постатейный научно-практический комментарий к Конституции Российской Федерации коллектива ученых-правоведов под руководством ректора МГЮА, академика РАН О.Е. Кутафина. – М., 2003. – С. 342.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШДА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРЪ ИЛМИЙ МУАММОЛАРИ

Амалиётда айрим ҳолатларда тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз даромадларини яшириш ёки яширин иқтисодиёт элементлари билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам афсуски учраб турибди.

Яширин иқтисодиёт билан боғлиқ масалалар нафақат тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онгги, балки солиқ органларининг қонунларга риоя этиши ва буни доимий текшириб бориши билан ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 5-бўлими солиқ назоратига бағишланган бўлиб, мазкур кодекснинг 135-моддасида ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назоратидир деб келтирилган.

Кодекснинг 136-моддасига кўра, солиқ назоратининг шаклларига солиқ текширувлари ҳамда солиқ мониторингини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.01.2021 йилдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низом камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудитини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди¹.

Таъкидлаш жоизки, солиқ текширувлари деганда солиқ органи томонидан қонун ҳужжатлари асосида ўрнатилган ваколат доирасида хусусий шахслар фаолиятининг солиқ қонунчилиги талабларига қай даражада мувофиқлигини аниқлаш тушунилади. Табиийки, солиқ текширувини амалга ошириш учун айрим ҳолларда тадбиркорлик субъектининг вақтини олиш, фаолиятига муайян даражада таъсир ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолларда тадбиркорлик субъектининг муайян вақти солиқ органи томонидан олиб қўйилгани ва бу масалада тадбиркорлик субъекти овозора бўлганлигини тўғридан-тўғри келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибат сифатида қаралмайди. Гарчи ушбу ўринда тадбиркорлик субъектининг режалаштириб қўйилган ишлари амалга ошмай қолса ёки қандайдир шартномавий, иқтисодий муносабатларига муайян даражада ҳалақит қилинган бўлсада, бу ҳам ҳуқуқий оқибат келиб чиққанини аниқлашмайди. Зеро, солиқ органи ҳам қонунга мувофиқ ваколати доирасида ўз вазифасини бажармоқда, деб айтишимиз мумкин.

Шундай бўлсада, Ўзбекистон қонунчилигида тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари, жумладан, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш каби ҳолларда муайян ҳуқуқий оқибат келиб чиқишини айтишимиз мумкин.

Яширин иқтисодиёт билан боғлиқ масалалар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлади. Жумладан, Солиқ кодексининг 223-моддасига кўра, солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш)га қуйидагиларни киритиш мумкин: товарларни (хизматларни) реализация

қилишдан олинган тушум суммасини ҳисобга олиш регистрларида акс эттирмаслик; юкларни товар-кузатув ҳужжатларини расмийлаштирмасдан ёхуд сохта ҳужжатлар бўйича ташиш; ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги; расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) товарларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва реализация қилиш; товарлар (хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни алмаштириш, сохталаштириш ёки йўқ қилиш; қалбаки бирламчи бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш; назорат-касса техникасининг фискал хотираси хизмати дастурига ноқонуний равишда ўзгартириш киритиш; фойдаланилмаган моддий харажатларни фойдаланилган деб, ишлаб чиқариш ҳисоботида кўшиш; товарларни сотишдан (хизмат кўрсатишдан) олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказиш (сотиш ҳажмини ва даромадни (фойдани) қасддан камайтириш); моддий, ёқилғи-энергетика ресурслари харажатларини (лимитларни) ва амортизация (эскириш) нормасини сунъий равишда ошириш ёки нормативларни нотўғри қўллаш; иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимларнинг ҳақиқий иш ҳақи суммаси солиқ ҳисоботида акс эттирилмаганлиги; меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ходимларнинг солиқ ҳисоботида акс эттирилмаганлиги; реализация қилинган товарлар қийматини ҳисоб ҳужжатларида ҳақиқатда реализация қилинган қийматидан пасайтирилган нархлар бўйича акс эттириш; қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмининг солиқ ҳисоботида тўлиқ акс эттирилмаганлиги.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 223-моддасига кўра, ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларида олинган товарлар (хизматлар) номенклатурасига ёхуд фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ва амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттириш ҳам солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) ҳуқуқбузарлиги сифатида келтириб ўтилган.

Қуйида солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш)га оид суд амалиёти мисоли ва унинг қисқача таҳлилини келтириб ўтамыз².

Аризачи “Ven” МЧЖ маъмурий судга мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар Солиқ бошқармасининг “Тошкент шаҳар бошқармасининг солиққа оид қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида”ги 2024 йил 9 августдаги 31-195954-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, Яшнобод тумани Ички ишлар органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳузуридаги Тергов бўлимининг 262901/2024-199GX-сонли жиноят иши юзасидан “Ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида” 29.03.2024 йилдаги қарорига асосан Тошкент шаҳар Солиқ бошқармасининг 24.06.2024 йилдаги 01564-хс-сонли буйруғига мувофиқ, “Ven” МЧЖ ҳужжатли тафтиш ўтказилган.



Шунингдек, ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида 29.03.2024 йилдаги қарорга кўра, фуқаро Ж.Н.А ариза билан муружаат қилиб, "Ven" МЧЖ таъсисчилари А.А ва В.Члар билан оғзаки келишувларга асосан "Д Савдо" МЧЖнинг Яшнобод туманидаги марказий офис биноси хоналарини таъмирлаш ишлари учун ўз ҳисобидан 716 668 100 сўм сарфлаб, қурилиш ишларини амалга оширганлигини, "Д Савдо" МЧЖ томонидан "Ven" МЧЖга 1 892 745 546 сўм ўтказиб берилган бўлса-да, А.А ва В.Члар ваъдасини бажармасдан, "Д Савдо" МЧЖ томонидан берилган пулларни сарфлаб юборганликлари юзасидан уларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

Шунингдек, қарорда, ҳолат юзасидан олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида, "Ven" МЧЖ таъсисчиси В.Ч томонидан 01.05.2023дан 24.05.2023 йилга қадар фуқаро Ж.Н.А. харид қилган қурилиш моллари учун томонларнинг келишуви асосида тузилган юк хатлари орқали 716 668 100 сўмлик юкни қабул қилинганлиги ҳақида имзоси билан муносабат билдирганлиги аниқланганлиги қайд этилган.

Тафтиш натижалари бўйича 09.08.2024 йилда қабул қилинган қарорга кўра, 2023 йил учун фойда солиғига 89 057 812 сўм қўшимча ҳисобланган ва 118 743 750 сўм жарима қўлланилган.

Жамият солиқ органининг мазкур қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида ариза билан маъмурий судга муружаат қилган.

Ҳужжатли текшириш якунида тузилган 22.07.2024 йилдаги далолатномага кўра, "Гипсакартонная плита 12,5" ва бошқа жами 20 турдаги умумий қиймати 593 718 750 сўм бўлган қурилиш материаллари кирим қилинмаган.

Аризачи "Ven" МЧЖнинг вакили, адвокат М.С.Ф. ўз тушунтиришида 20 турдаги маҳсулотларнинг айримлари корпоратив карталар орқали сотиб олинганлигини ва айримларини ўрнига уларга ўхшаш бўлган бошқа маҳсулотлар ишлатилганлигини маълум қилган.

Жавобгар Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси вакили Д.Н.С. ўз тушунтиришида, смета ҳужжатлари асосида солиштириш ўтказиш натижасида 20 турдаги маҳсулотлари кирим қилинмаганлигини маълум қилган.

Далолатномага кўра, кирим қилинмаган ҳар бир маҳсулотнинг ўлчов бирлиги ва миқдори кўрсатилган.

Бироқ, аризачи "Ven" МЧЖнинг вакили, адвокат М.С.Ф томонидан маҳсулотларнинг ўлчов бирликлари ва миқдоридан келиб чиқиб, уларни кирим қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмади.

Жумладан, далолатномага кўра, 57 м2 алюминий деразалар кирим қилинмаганлиги аниқланган бўлиб, судга ушбу маҳсулотларнинг сотиб олинганлигига оид таҳлилий маълумот тақдим этилган бўлса-да, уларда маҳсулотларнинг ўлчов бирлиги ва миқдори ҳақида маълумотлар кўрсатилмаган.

Ушбу далиллар текширишда кирим қилинмаганлиги аниқланган қурилиш маҳсулотларини кирим қилинганлигини билдириш учун етарли эмас.

Шунингдек, айрим маҳсулотларни корпоратив карталар орқали сотиб олинганлигини тасдиқловчи чеклар нусхаси тақдим қилинган бўлса-да, улар натижасида расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура тақдим қилинмади.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомининг 5-бандига кўра,

товарлар (хизматлар) юридик шахсларнинг миллий валютадаги корпоратив банк карталари ёки яқка тартибдаги тадбиркорларнинг миллий валютадаги банк карталари орқали тўловни қабул қилган ҳолда реализация қилинганда ҳисобварақ-фактура сотиб олувчининг (харидорнинг) талабига кўра товарлар (хизматлар) реализация қилинган календарь ойнинг охириги санасига қадар товарлар (хизматлар) амалда реализация қилинган сана билан расмийлаштирилиши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддаси 1-қисмига кўра, солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) - яширилган (камайтириб кўрсатилган) солиқ базаси суммасининг йигирма фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Яширилган (камайтириб кўрсатилган) солиқ базаси суммасидан ушбу Кодексга мувофиқ солиқларни ҳисоблаш амалга оширилади. Ушбу модданинг мақсадида солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) товарларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва реализация қилиш эътироф этилади.

Юқоридагиларга кўра, Тошкент шаҳар Солиқ бошқармасининг низоли қарорини қонунга зид, деб бўлмайди. Суд, қонунчилик талаблари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатларга асосланган ҳолда "Ven" МЧЖнинг аризасини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Юқоридаги амалий мисолдан кўриш мумкинки, тадбиркорлик субъекти томонидан тегишли товарларни кирим қилмаслик унга боғлиқ равишда фойда солиғини тўламасликни келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида яширин иқтисодиёт юритилиши ва солиқ базасини яширишни ҳам англатади.

Келтириб ўтилган амалий мисолдан ҳам кўриш мумкинки, айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ тўлашдан қочиш мақсадида турли қоқонуний ҳаракатлар ҳам афсуски учраб туради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш эса ваколатли давлат органларининг вазифасига кириши баробарида, тадбиркорлик субъектларининг ҳам соядан чиқиб, қонун асосида ишлашга ўрганишларини тақозо этади.

Бу борада Япония солиқ қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган иқтисодий фаолият кўламига кўра, солиқ қонунчилиги шу даражада содда ва қулай қилиб йўлга қўйилганки, аксарият ҳолатда солиқ қонунчилигини бузишдан кўра, унга амал қилиш тадбиркор учун нафақат унинг жазосидан кўрқиб маъносида, балки иқтисодий маънода ҳам ҳар томонлама манфаатли ҳисобланади.

Шунга кўра, назаримизда, нафақат яширин иқтисодиёт билан боғлиқ ҳаракатлари учун тадбиркорлик субъектларини жазолаш, балки солиқ қонунчилигини ҳам имкон қадар соддалаштириш ва иқтисодий маънода унга амал қилишни ҳар томонлама манфаатли қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жўрабек НЕМАТОВ,

ТДЮУ профессори, ю.ф.д.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 07.01.2021 yildagi "Soliq xavfni boshqarish, soliq xavfi mavjud soliq to'lovchilarni (soliq agentlarini) aniqlash va soliq tekshiruvlarini tashkil etish va o'tkazish to'g'risida"gi 1-son qarori <https://lex.uz/docs/-5206072#-5207407>
2. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2023 yil 20 fevraldagi "Sudlar tomonidan soliq qonunchiligini qo'llashning ayrim masalalari haqida"gi 4-sonli qarori ham mavjudligini keltirib o'tish o'rindir. <https://lex.uz/docs/-6402529>

КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР МАСАЛА

Ҳозирги кунда глобал ахборот майдонида содир этилаётган кибержиноятчиликка қарши курашиш инсоният олдида турган энг долзарб стратегик масалалардан бирига айланди. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ҳаётимизни енгилаштириши билан бирга, виртуал оламда жиноятчиликнинг янги, яширин ва чегара билмас шакллари юзага келтирди.

Статистик маълумотларга кўра, дунё миқёсида ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киберхужумлар уюштирилмоқда. Даҳшатлиси шундаки, ҳар соғияда дунё аҳолисининг ҳар 12 нафаридан бири кибермакондаги жиноий хужумлар қурбонига айланмоқда. Ривожланган давлатлар — АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия каби мамлакатларда умумий жиноятларнинг қарийб 60-65 фоизи айнан кибермаконда содир этилаётгани бу таҳдиднинг нақадар улкан эканлигидан далолат беради.

Замонавий кибержиноятчиликнинг энг хавfli жиҳати — Сунъий Интеллект (СИ) технологияларидан фойдаланишдир. СИ нафақат жиноят содир этиш усуллари мураккаблаштирмоқда, балки жиноятчиларни аниқлаш имкониятини ҳам чеклаб қўймоқда. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг технологик тайёргарлигини тубдан қайта кўриб чиқишни ва рақамли муҳитда қонун устуворлигини таъминлай оладиган янги авлод мутахассисларини тайёрлашни тақозо этади.

Мамлакатимизда киберхуқуқбузарликларга қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят кодекси ҳамда ахборотлаштириш, электрон ҳуқумат ва шахсга доир маълумотлар ҳимоясига оид қонунлар бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур Қонунга кўра, киберхавфсизлик — бу кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир. Киберҳимоя эса нафақат техник, балки ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва криптографик чора-тадбирлар мажмуини қамраб олади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 31 миллиондан ошди. Ахборотлашув даражасининг ўсиши билан бирга кибержиноятлар сони ҳам кескин ортди. Сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда бу турдаги жиноятлар 68 баробарга кўпайгани хавотирли ҳолдир.

Статистик маълумотларга кўра 2025 йилда 46 мингдан ортиқ кибержиноят аниқланган. Уларда жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар миқдори 1,2 триллион сўмдан ошиб кетган.

Бунда асосий ургу банк пластик карталаридан маблағларни ноқонуний ечиб олиш (фишинг), шахсий маълумотларни ўғирлаш ва электрон имзолардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этишга қаратилган.

Кибермакондаги яна бир глобал хавф — бу наркотрафикнинг интернетга кўчишидир. Ҳозирда аънанавий наркотиклар ўрнини синтетик ва психотроп моддалар эгалламоқда. Уларнинг тарқалиши асосан ёшлар орасида, интернет-дўконлар ва мессенжерлар орқали “контактсиз” (закладка) усулида амалга оширилмоқда.

Йил бошидан буён 11 мингдан зиёд наркожиноят аниқлангани, уюшган жиноий гуруҳларнинг трансчегаравий хусусият касб этаётгани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан тезкор-қидирув фаолиятини рақамли технологиялар асосида янгиланиш талаб қилмоқда. Айниқса, таълим муассасаларида ёшларнинг интернет орқали наркотиклар гирдобига тушиб қолишининг олдини олиш устувор вазифадир.

Замонавий киберфирибгарликнинг энг хавfli кўриниши — бу “Дипфейк” технологиясидир. Жиноятчилар СИ ёрдамида таниқли шахслар, давлат арбоблари ёки банк мутасаддиларининг қиёфаси ва овозини сохталаштириб, аҳолини алдамоқда.

Бунда сохта видео ёки аудио хабарлар орқали фуқаролар ўз банк маълумотларини киритишга ёки шубҳали ресурсларга пул ўтказишга ундалади. Бундай жиноятлар автоматлаштирилган бўлиб, бир вақтнинг ўзиде минглаб инсонларга хужум қилиш имконини беради ва жиноятчининг изини топишни мураккаблаштиради.

Аҳолининг молиявий ва рақамли саводхонлиги етишмаслиги онлайн-фирибгарликнинг авж олишига асосий сабаб бўлмоқда. Оммавий ахборот воситаларида олиб борилаётган тарғибот ишларига қарамай фуқароларнинг ишонувчанлиги ва бефарқлиги жиноятчилар учун қўл келмоқда.

Бундай вазиятда жиноятчиликнинг олдини олиш учун бир қанча йўналишларда иш олиб борилмоқда. Хусусан, биометрик идентификация орқали давлат хизматлари ва банк амалиётларида шахсни тасдиқлашнинг кўп босқичли тизимларини кучайтириш ёки ишончли вакил механизми орқали банк операцияларини жисмоний шахс танлаган ишончли вакил томонидан тасдиқлаш тизимини жорий этиш кўзланган самарани бериши мумкин.

Шунингдек, кредит тақиқи амалиёти йўли билан шахснинг ўз ихтиёри билан кредит олишига вақтинчалик тақиқ қўйиш механизми ҳам анча самарали воситадир.

Қолаверса Big Data таҳлили орқали ҳуқуқбузарликка мойил хулқ-атворни аниқлаш учун катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва СИ имкониятларидан фойдаланиш.

Сунъий интеллект нафақат жиноят воситаси, балки унга қарши кураш қуроли ҳам бўлиши керак. Масалан овоз ва юзни таниб олиш учун телефондаги суҳбатларни тинглаш натижаларини СИ ёрдамида гумонланувчи овози билан солиштириш мумкин.

Ёки тўпланган далиллар асосида СИ алгоритмлари ёрдамида энг эҳтимолли тергов версияларини шакллантириш ва тергов йўналишларини белгилаш ҳамда тил билмайдиган шахслар билан тергов ҳаракатларини ўтказишда СИ тизимларидан фойдаланиш мумкин. Бироқ, бу жараёнда шахсга доир маълумотларнинг муҳофазаси ва инсон ҳуқуқларининг бузилмаслиги энг муҳим мезон бўлиб қолиши шарт.

Кибержиноятлар трансчегаравий хусусиятга эга бўлгани сабабли, бирор бир давлат унга қарши якка ҳолда муваффақиятли кураша олмайди. Бу соҳада халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, электрон назорат ишларини юритиш ва хорижий тажрибани тизимли равишда татбиқ этиш лозим.

Кибермакондаги хавфсизлик — бу нафақат давлатнинг, балки ҳар бир фуқаронинг масъулиятидир. Шахсий маълумотларни очик базаларда сақламаслик, шубҳали ҳаволаларга кирмаслик ва интернетдан фойдаланишда эҳтиёткорлик чораларини кўриш — киберхужумлардан ҳимояланишнинг биринчи ва энг самарали босқичидир.

Хулоса қилиб айтганда, кибермаконда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимли ва комплекс ёндашувни талаб этади. Бунда қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг технологик салоҳиятини ошириш ва аҳолининг рақамли маданиятини юксалтириш уйғун ҳолда амалга оширилиши лозим. Фақатгина биргаликдаги сазй-ҳаракатлар орқали рақамли муҳитни хавфсиз, барқарор ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган маконга айлантириш мумкин.

Шухрат РУЗИНАЗАРОВ,

юридик фанлари доктори, профессор.

МУРОЖААТНОМА: МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Ҳар бир миллатнинг юксалиши унинг маънавий пойдеворига боғлиқ. Шу боис, Президентимизнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўлаган Мурожаатномаларида миллий ғоя ва маънавий тараққиёт масалалари давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида эътироф этилади. Жамиятнинг барқарор ривожланиши, фуқароларнинг миллий ўзлигини англаши ва маънавий баркамоллигини таъминлаш — Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг бош мезонидир.

Миллий ғоя — бу муайян миллатнинг шонли тарихи, бой маданияти ва азалий қадриятларини ўзида мужассам этган мафкуравий тизимдир. Президент таъкидлаганидек, миллий ғоя жамиятни умумий мақсадлар сари йўналтирувчи энг қудратли куч ҳисобланади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида миллий ғоянинг аҳамияти куйдагиларда намоён бўлмоқда:

Маънавий иммунитетни шакллантириш: ёш авлодни турли мафкуравий хуружлар ва "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш.

Ижтимоий жиқлик: миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларни "Янги Ўзбекистон" ғояси атрофида бирлаштириш.

Тарихий хотира: аждодлар меросини ўрганиш орқали миллий ғурур ва ифтихор туйғусини юксалтириш.

Маънавий тараққиёт эса жамият аъзоларининг ахлоқий покланиши, маърифий савиясининг ўсиши ва умуминсоний қадриятларга ҳурмати билан белгиланади. Президент мурожаатларида маънавиятсиз ҳеч қачон адолатга эришиб бўлмаслиги қатъий таъкидланиб келмоқда. Янги Ўзбекистон стратегиясининг марказида инсон ва унинг манфаатлари туради. Президент Мурожаатномаларида илгари сурилган;

"Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" — бу тамойил бюрократик тўсиқларни парчалаб, давлат ва фуқаро ўртасидаги ишонч кўпригини мустаҳкамлади.

"Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг" — ҳар бир ислохот, ҳар бир қонун аввало оддий инсоннинг ҳаётини яхшилашга хизмат қилиши шарт.

"Адолат — қонун устуворлигида" — маънавият ва ҳуқуқий онг уйғунлашган жойдагина ҳақиқий адолат қарор топади каби концептуал ғоялар бугунги кунда ҳаётий тамойилларга айланди.

Ушбу тамойиллар миллий ғоянинг амалий ифодаси бўлиб, халқнинг давлатга ва келажакка бўлган ишончини оширишга хизмат қилмоқда. Шахснинг ўзлигини англаши эса жамият барқарорлигининг кафолатидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда халқ вакиллиги тизими сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Президент ташаббуси билан Олий Мажлиснинг ваколатлари кенгайтирилди. Эндиликда давлат бюджетининг шаклланиши ва ташқи қарз миқдори парламент томонидан белгиланмоқда. Ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назорати кучайтирилди.

Бу ўзгаришлар янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган. Президентнинг Олий Мажлис ва халққа Мурожаатнома тақдим этиши конституциявий норма сифатида мустаҳкамланди, бу эса давлат раҳбарининг халқ олдидаги масъулияти ва очиқлигини кўрсатади.

Президент томонидан 2026 йилнинг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб номланиши ҳам бежиз эмас. Маҳалла — миллий маънавият ва қадриятлар бешигидир. Ислохотларнинг самараси ҳар бир хонадонда, ҳар бир маҳаллада сезилиши керак. Бу йўналишда:

Маҳаллабай ишлаш тизими орқали ижтимоий муаммоларни жойида ҳал этиш:

Инновацион бошқарув технологияларини жорий қилиш:

Маҳалла фаолларининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш кўзда тутилган.

Бу жараёнлар Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маҳалла обод бўлса — юрт обод бўлади, маҳалла маънавиятли бўлса — миллат кучли бўлади.

Мафкуравий ва инфорацион курашлар кучайган даврда Мурожаатномада ахборот маданиятини юксалтириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бугунги кунда шахс:

ахборотни тўғри идрок этиши ва саралай олиши;
фойдали ва зарарли маълумотни ажрата олиш кўникмасига эга бўлиши;

миллий манфаатларга зид бўлган ташқи таъсирларга қарши туриши зарур.

Бу борада таълим ва тарбия тизимини маънавият билан суғориш, ёшлар онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини шакллантириш — энг самарали воситадир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаатномалари — бу мамлакатнинг нафақат иқтисодий, балки маънавий тикланишини таъминловчи стратегик ҳужжатдир. Бугун Ўзбекистон 38 миллиондан зиёд аҳолиси билан дунёда ҳурмат топаётган, эртанги кунга ишонч билан боқаётган қудратли давлатга айланмоқда.

Миллий ғоя ва маънавий юксалиш йўлидаги ислохотлар фақат давлатнинг вазифаси эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Президентимиз таъкидлаганидек: "Биз ўзгаришларни кутиб яшамаймиз, аксинча, уларни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратамиз". Бу — Янги Ўзбекистоннинг миллий юксалиш йўлидаги бош шиоридир.

Абдумухтор РАХМАНОВ,

ТДЮУ Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси профессори, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йилги Мурожаатномаси, устувор йўналишлари. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/8834>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.
4. Отамуродов С., Юсупов Э. Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт асослари. – Тошкент: "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти", 2017.
5. Юнусов А. Ўзбекистонда маънавий ислохотлар ва жамият тараққиёти. – Тошкент: "Фан", 2020.

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, ТАВСИЯ

АННОТАЦИЯ: мақолада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги функциялари, уларнинг таснифи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тизимини такомиллаштириш ва бу жараёнда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдаги муаммолар ва хорижий давлатларнинг тажрибалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: маҳалла, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, муниципал мулк, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахс.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги функцияларининг мазмуни ва характери уларнинг мақсадли фаолиятида, яъни ўзига хос ҳажм ва чегараларга эга ҳуқуқ лаёқатида намоён бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тўғридан-тўғри демократия шаклларида бири сифатида таърифлаш мумкин. Шунингдек, улар муниципал муносабатларда иштирокчилар ҳисобланиб, юридик шахс мақомига, яъни ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатига эгадир, бу эса муниципал ҳуқуқ нормалари билан белгиланади¹.

Мазкур органларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги функцияларини ўрганишда хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиш тизимни такомиллаштириш ва фаолият жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш имкониятини беради. Шунингдек, хусусий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўрганиш илмий асосларни кенгайтиришга ёрдам беради.

Ушбу соҳани ўрганишга эътибор қаратган олимлардан О.Банчукнинг фикрича, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш субъектлари – муниципал муносабатлар иштирокчилари бўлиб, улар ҳуқуқ субъектлигига, яъни ҳуқуқий лаёқатга эга ва бу муниципал ҳуқуқ нормалари билан белгиланади. Муаллиф, шунингдек, унинг фуқаролик-ҳуқуқий функцияларига тўхталиб, мулк муносабатларни ўз ичига олишини таъкидлайди².

Бундан ташқари, Арановский ва Кузьменко АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Францияда шаклланган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими оид назарияларни таҳлил қилган. Жумладан, уларнинг фикрича, 1974 йилда қабул қилинган “Local Government Act” Буюк Британияда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий мазмуни белгилаб берган. Францияда эса бу соҳадаги асосий ҳужжат — 1982 йил 2 мартда қабул қилинган 82-213-сонли Қонундир³.

П.В.Ворона Францияда маҳаллий бошқарувнинг асосий бирлиги сифатида коммуни тадқиқ этди. Хусусан, ушбу иш доирасида коммунининг ваколатлари бўйича қуйидагиларни аниқлаган: молиявий ваколатлар, жамоат хизматлари соҳасидаги ваколат-

лар, коммунининг мулк билан боғлиқ ваколатлар, ҳудудни ободонлаштириш соҳасидаги ваколатлар ва бошқалар. Шунингдек, ҳудудий кенгашларнинг асосий ваколатлари сифатида ҳудудий бюджетни тасдиқлаш, ҳудудий ривожланиш режасини амалга оширишни назорат қилиш, ҳудудий органлар ва тузилмалар фаолияти устидан назорат олиб бориш кўрсатилди⁴.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги функциялари билан боғлиқ амалиёт халқаро ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Европа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Хартияси⁵нинг 9-моддаси маҳаллий органлар мулкка эгалик қилиш ва ундан мустақил фойдаланиш, шу жумладан, молиявий ресурсларни эркин бошқариш ҳуқуқини кафолатлайди. Шунингдек, БМТнинг 2016–2030 йиллар учун барқарор ривожланиш мақсадларида давлат, хусусий сектор ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида шериклик шартномалари тузиш зарурлиги айtilган.

Халқаро даражада маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Бирлашган шаҳарлар ва маҳаллий ҳокимиятлар (UCLG)⁶ ташкилоти орқали намоён бўлади. Унинг асосий вазифалари – маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни жаҳон миқёсида ҳимоя қилиш, унинг қийматлари ва манфаатларини ҳамкорлик орқали тарғиб қилишдан иборат.

Европа мамлакатлари маҳаллий ҳокимиятлари манфаатларини 40 дан ортиқ давлатда ифода этувчи энг йирик ташкилот – Европа шаҳарлари ва минтақалар кенгаши (CEMR)⁷ ҳисобланади. Унинг аъзолари маҳаллий ва минтақавий ҳокимиятларнинг миллий уюшмаларидир.

АҚШда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг функциялари иқтисодий соҳани қамраб олади. Муниципалитетлар ўз корхоналарини бошқаради, мулкни тасарруф этади, уй-жой қуриш билан шугулланади ва ижара ставкаларини белгилайди. Мулкни бошқариш фуқаролик қонунчилиги асосида тартибга солинигани учун хусусий ҳуқуқ соҳасига кирувчи ваколат сифатида кўрилади⁸.

Францияда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фаолияти 1982 йил 2 мартда қабул қилинган 82-213-сонли Қонун билан тартибга солинади. Муниципал кенгаш

ўз мулкидаги ер майдонини ижарага бериш тўғрисида шартнома тузиш орқали фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киради ва юридик шахс сифатида ҳаракат қилади⁹.

Японияда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаси икки босқичли (префектура ва муниципалитет) ҳисобланади. Япония Конституциясининг 94-моддасида (1947) маҳаллий ҳокимият органлари ўз мулкни бошқариш, тадбиркорлик билан шуғулланиш ва маъмурий бошқарувни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган¹⁰.

Таҳлиллар натижасида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг фуқаролик ҳуқуқидаги роли аниқланди: хусусий ҳуқуқ субъекти сифатида улар ўз мулкни тасарруф этиш ва уюшмаларга қўшилиш ҳуқуқига эга.

ФўўБО фаолиятининг мақсадлари муниципал тузилма ҳаётининг фаолиятини бошқариш билан боғлиқ бўлиши керак. Фуқаролик кодексининг 78-моддаси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ўз номидан, лекин муниципал тузилма манфаатларида ҳаракат қилишни тақиқламайди. Бу ҳолларда органнинг моддий базасини мустаҳкамлаш унинг асосий функцияларини бажаришга хизмат қилиши лозим.

Кондрашов Ю.В. таҳлилига кўра, юридик шахсининг ҳуқуқ лаёқати характери ва унинг бажараётган функциялари унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилайди¹¹. Бироқ, унинг ёндашуви маълум назарий чекловларга эга. ФўўБО функциялари биринчи навбатда аҳоли мандати ва маҳаллий эҳтиёжлар билан белгиланади. Ташкилий-ҳуқуқий шакл функцияларни белгиловчи эмас, балки уларни амалга ошириш воситасидир.

Замонавий моделларда ФўўБОнинг гибрид табиати тан олинади:

1. *“Дуал табиат” (Dual Nature) концепцияси: Бир вақтнинг ўзида ҳам оммавий, ҳам хусусий ҳуқуқ субъекти. Бу Германия ва Европа Хартиясида кенг қўлланади.*

2. *“Корпоратив субъект” модели: француз ва италиялик ҳуқуқшунослар ФўўБОни корпоратив юридик шахс сифатида талқин қилади. Улар ижара, сотиб олиш, муниципал корхоналар ташкил этиш каби функцияларни бажаради¹².*

ФўўБОнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки объектив зарурат бўлиб, асосий функцияларни шартли равишда куйидагиларга ажратилиши мумкин:

1. *хўжалик юритувчи субъект сифатидаги функция: янги корхоналар ташкил этиш, коммунал хизматлар ва транспорт соҳасида тадбиркорлик қилиш¹³.*

2. *Мулк эгаси сифатидаги функция: муниципал мулкни (бино, ер, маблағ) тасарруф этиш, ижара ва ипотека операцияларини ўтказиш¹⁴.*

3. *Хизмат кўрсатувчи субъект сифатидаги функция: аҳолига ижтимоий, маданий ва коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш.*

4. *Тартибга солувчи субъект сифатидаги функция: маҳаллий солиқлар, лицензиялаш ва бозор қоидаларини белгилаш¹⁵.*

5. *Инвестицион фаолият субъекти сифатидаги функция: инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат-хусусий шериклик ва концессия шартномаларини тузиш¹⁶.*

ФўўБОнинг фуқаролик-ҳуқуқий соҳадаги барча функциялари муниципал ҳокимиятнинг оммавий-ҳуқуқий табиати билан хусусий-ҳуқуқий муомала механизмларининг синтезини ташкил этади. Бу замонавий ҳуқуқ тизимида “муниципал гибрид субъектлик” феноменини вужудга келтиради. Келажакда рақамли технологиялар ва халқаро интеграция ушбу функционал доирани янада кенгайтиради.

Хайрулла ҚИЛИЧЕВ,

ИИВ Академияси Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Baltsey, Yu.Yu. (2020). On the definition of local self-government of Ukraine. Odessa: Helvetica. <https://hdl.handle.net/11300/12930>.
2. Banchuk O. (2011). Grounds for distinguishing between public and private law in Ukraine. Public law, 2, 118-120.
3. Aranovsky K.V. (2000). State law of foreign countries. Moscow: Forum-Info. ISBN 5-8199-0009-X.
4. Vorona, P.V. (2009). Commune as a basic link of local government in France. Academic papers collection, 3, 1-8. Recovered from http://lvivacademy.com/vidavnitstvo_1/visnik3/fail/Vorona.pdf
5. Council of Europe. (1985). European Charter of Local Self-Government. Recovered from <https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/122>
6. United Cities and Local Governments (UCLG). (2021). The official website. Recovered from <https://www.uclg.org/en/organisation/about>
7. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. И.Б.Зокиров; Маъсул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. –Т: ТДҶОИ нашриёти, 2009. Б.112.
8. The Council of European Municipalities and Regions (CEMR). (2021). The official website. Recovered from <http://www.ccre.org>
9. Chirkov, A., & Kushnir, V. (2020). Features of local self-government in France. Entrepreneurship, Economy and Law, 5, 176-180
10. Chaplya, O.V. (2014). Municipal administration in the USA: an overview. Legal Scientific Electronic Journal, 4, 12-18. Recovered from http://www.lsej.org.ua/4_2016/9.pdf.
11. Кондрашов Ю.В. Статус органов местного самоуправления при участии в гражданских правоотношениях диссертаци кандидата юридических наук Научный руководитель: доктор юридических наук, профессор Е.Г. Комиссарова Тюмень 2004. С.36
12. G Grossi 2008 Municipal corporatization in Germany and Italy. <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/14719030802264275>
13. Колмакова Н.Н. Муниципальное образование как субъект гражданских правоотношений. Дисс.кандидат юридических наук, Волгоград, 2007. С.36.
14. Колмакова Н.Н. Муниципальное образование как субъект гражданских правоотношений. Дисс.кандидат юридических наук, Волгоград, 2007. – С.36.
15. Боярова О.Ю. Муниципальное образование: особенности правосубъектности в гражданских правоотношениях Диссертация. кандидата юридических. Самара – 2002. – С.61.
16. Боярова О.Ю. Муниципальное образование: особенности правосубъектности в гражданских правоотношениях Диссертация. кандидата юридических. Самара – 2002. – С.61. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации (часть первая) / Под ред. Абовой Т.Е., Кабапкина А.Ю. М.: Юрайт. 2002. С. 78.

ЯПОНИЯ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада хорижий давлатларда жумладан, Японияда давлат харидларини амалга ошириш механизмлари, ўзига хос жиҳатлари, алоҳида элементлари, келгусидаги истиқболли, Ўзбекистонда давлат харидларига оид фуқаролик - ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришда Япония тажрибасини қўллашнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган.*

Калит сўзлар: *харид қилиш тартиб - таомилларини амалга ошириш турлари, давлат буюртмачилари, давлат шартномаси, давлат шартномасининг ижрочиси, шартнома баҳоси*

Давлат харидлари давлат органлари ва муассасаларининг рақобат асосида харид фаолиятида бевосита иштирок этиши орқали амалга ошириладиган давлат - ҳуқуқий субъектларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришнинг институционал шаклдан ажралиб турадиган шаклидир.

Мамлакатда иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий асосларнинг натижалари кўп жиҳатдан давлат буюртмаларини амалга оширишнинг муваффақиятига ва амалдаги харид тизимининг самарадорлигига боғлиқ.

Бундай тизим моҳиятан давлат даражасида қонунчилик билан мустаҳкамланган ва харид иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшиши керак, бу мамлакатлар бўйлаб кўп жиҳатдан фарқ қилиши мумкин.

Давлат буюртмаларини амалга оширишда уларнинг энг юқори самарадорлигига эришиш учун жаҳон амалиётида давлат харидларини ташкил этиш тажрибасини ва ички амалиётда энг яхши воситалардан фойдаланиш имкониятларини ўзаро ўрганиш зарур.

Шу мақсадда биз бозор иқтисодиётида қўлланиладиган дунёдаги энг етук ва самарали ташкил этилган харид тизимларидан бири бўлган Япония харид тизимини ўргандик.

Японияда давлат харидлари тизими, иккинчи жаҳон урушидан кейин 20 - асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошлади.

Ушбу жараён “Япония иқтисодий мўъжизаси” билан биргаликда, бир қатор жиҳатлар билан иштирокчилар ўртасида молиявий ва иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланишини олдиндан белгилаб қўйди.

Бугунги кунда, Японияда давлат харидлари йилига тахминан 550 - 600 миллиард еврога баҳоланади ҳамда Европа компаниялари учун асосан фойдаланилмаган бозор бўлиб қолмоқда.

Японияда харид иштирокчилари ўртасидаги ўзаро таъсир механизмининг ташкил қилиш муаммолари ва усулларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, уларнинг харид фаолиятини рақобатбардошлик, адолатлилик ва самарадорликнинг зарур даражаларига эришишни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш ва мақсадли параметрларга эришиш учун илмий ва амалий тавсиялар тайёрлаш мантиқий, статистик ва эксперт таҳлил усулларидан фойдаланишга асосланган.

Кўриб чиқилаётган мавзу доирасида шубҳасиз қизиқиш уйғотадиган нарса Япониянинг давлат харидлари

тизимиде ушбу муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Японияда давлат харидларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар учта асосий гуруҳга бўлинган.

Биринчи гуруҳга Япония Миллий ҳукуматининг харидларни амалга оширишнинг асосий тартибларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлари киради.

Хусусан, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. 1947 йилдаги “Миллий ҳисоблар тўғрисида”ги Қонун, тегишли бюджет харажатларининг элементи сифатида харидларни амалга оширишнинг асосий қоидаларини белгилайди;

2. 1948 йилдаги “Миллий мулк тўғрисида”ги Қонун, давлат шартномалари тизими доирасида мулкни сотиб олиш битимлари билан боғлиқ муносабатларнинг тартиби ва тамойилларини тартибга солади;

3. 1947 йилдаги “Бюджет, аудит ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори, унда давлат харидларини назорат қилувчи органларнинг мазмуни, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари белгилаб берилган;

4. Молия вазирлигининг 1962 йилдаги “Шартномаларни бошқариш қоидалари”, унда Марказий ҳукуматнинг харид жараёнларини бошқариш тартиблари белгиланган.

Иккинчи гуруҳга биринчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг айрим давлат харидлари ваколатларини амалга ошириш ваколатларини белгиловчи 1967 йилдаги “Маҳаллий автономия тўғрисида” ги Қонун ва иккинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг илгари белгиланган харидлари ваколатлари учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилувчи “Маҳаллий автономия тўғрисидаги қонунни амалга ошириш тўғрисида”ги ҳукумат қарори киради.

Учинчи гуруҳга ҳукумат даражаси ва харидларни амалга оширувчи агентликларнинг бюджети (молиявий таъминоти)дан қатъи назар, харидлар тартиб - қоидаларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Ушбу гуруҳда қуйидаги қонунларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- хизматлар ва ишларни сотиб олишнинг айрим турлари бўйича тендерларни ўтказиш тартибини белгиловчи 2000 йилдаги 127-сонли “Тендерларни тўғри бажариш ва жамоат ишлари учун шартномалар тузишни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонун,

- харидлар рўйхатига киритилган товарлар, ишлар ва хизматлар нархларини монополияга қарши тартибга

солишни белгиловчи 1947 йилдаги 54-сонли “Монополияга қарши” Қонун;

- бажарилган шартномалар бўйича бюджет мажбуриятларини бажармаслик хавфига қарши курашишга қаратилган “Давлат шартномалари бўйича тўловларнинг кечикишини олдини олиш тўғрисида” 1949 йилги 256-сонли Қонун;

- давлат харидлари тизими иштирокчилари ўртасида ахборот алмашиш тартиби тўғрисидаги асосий қоидаларни ўз ичига олган 1999 йилги 42-сонли “Маъмурий органлар томонидан сақланадиган маълумотларга кириш тўғрисида”ги Қонун.

- Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар гуруҳида Японияда давлат харидлари тизими ишлашининг асосий тамойилларини, шунингдек, шартнома тизимидаги барча иштирокчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи “Японияда давлат харидлари тўғрисида”ги Низом алоҳида ўрин тутди.

Яхши ривожланган ҳужжатлар базаси мамлакатга халқаро миқёсда иқтисодий барқарорликни сақлашга имкон беради ва пандемия тугаганидан кейин ҳам муваффақиятли бўлишга имкон беради.

Шуни таъкидлаш керакки, 2000 йилдан бери Япония экологик тоза товарларни давлат томонидан сотиб олишни рағбатлантирувчи “яшил харидлар” қонунини қабул қилди ва амалга оширди.

Унинг мақсади атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришга ва салоҳиятли хавфларни камайтиришга ёрдам берадиган харидларни рағбатлантиришдир.

Японияда давлат харидларини давлатлараро тартибга солиш тизими одатда учта элементдан иборат:

- *давлат харидлари бўйича кўп томонлама келишув;*
- *хизматлар савдоси бўйича умумий келишув;*
- *ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган харид қилиш тартиб-қоидаларини методологик қўллаб-қувватлаш, давлат харидларининг шаффофлигини таъминлаш.*

Давлат харидлари бўйича кўп томонлама келишув жаҳон савдо ташкилоти доирасидаги харидлар бўйича мавжуд маъмурий қоидаларга қўшимча ҳисобланади.

Ушбу келишув харидлар пайтида рақобатбардош тартиб-қоидаларда шаффофлик ва камситмаслик тамойилларининг устунлигини эълон қилади.

Шартнома барча турдаги товарлар ва ишларга, шунингдек, қурилиш хизматларига нисбатан қўлланилади.

Японияда давлат харидлари тизими икки поғонали.

Биринчи поғона, Япония Марказий ҳукумати, шунингдек, ҳукумат таркибидаги вазирликлар ва идоралар томонидан амалга ошириладиган давлат харидларини ўз ичига олади.

Харид қилиш тизимининг иккинчи поғонасида ҳаракатлар бевосита маъмурий-ҳудудий бўлинмалар ва муниципалитетлар ҳукуматлари томонидан амалга оширилади.

Харид қилиш фаолиятининг асосий жараёнлари ва босқичлари Япониядаги давлат харидларининг ҳар бир поғонаси учун умумийдир.

Харид қилиш жараёни давлат идоралари томонидан миллий оммавий ахборот воситаси - “Канпо” газетасининг расмий веб-сайтида эълон қилинган бўлажак харидлар ҳақидаги маълумотлардан бошланади.

Кейинги босқич хорижий етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг Япония Ташқи ишлар вазирлиги ва Япония Ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти веб-сайтларида жойлаштирилган бўлажак харидлар ҳақидаги маълумотларни уларга тарқатиш орқали харид қилиш фаолиятида иштирок этишини таъминлайди.

Бўлажак харидлар ҳақидаги маълумотлар эълон қилинганидан бир ҳафта ўтгач, жараёнлар бошланади: таклифларни қабул қилиш ва танлаш, савдоларни ўтказиш ва голибларни аниқлаш.

Бу жараён давлат харидларини ташкил этиш агентлиги томонидан диққат билан кузатиб борилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Марказий ҳукумат ва вазирликлар учун харид шартномалари давлат харидларини ташкил этиш кенгаши томонидан қўшимча назоратга олинади.

Японияда рақобатбардош харид тартиб-қоидалари учта харид усулидан фойдаланади: очиқ, танланган ва чекланган (якка тартибдаги харид).

Очиқ харидларни амалга оширишда давлат ташкилоти талаб қилинадиган харидни ўтказиш ниятини оммавий равишда эълон қилиши шарт. Малакали мувофиқлик сертификатига эга бўлган барча етказиб берувчилар ва пудратчилар очиқ харидларда иштирок этишга таклиф этилади.

Шартнома таъминоти, олдиндан тўлов ва якуний тўлов маълум бир валютада - махсус қарз олиш ҳуқуқларида тўланади. Очиқ харид голиби энг паст шартнома нархини таклиф қилган етказиб берувчи ёки пудратчи ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, Япониядаги барча давлат харидларининг 70% дан ортиги очиқ харид усуллари орқали амалга оширилади.

Танланган харид усулини ўтказишда давлат ташкилоти харидни ўтказиш ниятини эмас, балки иштирокчиларнинг харид тартиб-қоидаларига кириш учун аризаларини қабул қилишга тайёрлигини очиқчасига эълон қилади. Муайян мезонлар асосида тақдим этилган аризалар асосида давлат буюртмачиси етказиб берувчиларни танлайди ва уларнинг рақобат тартиб-қоидаларида кейинги иштирок этиш учун аризаларини тасдиқлайди.

Танланган харид усули бўйича олдиндан тўлов таъминоти ва давлат шартномаси учун якуний тўлов миллий валютада – япон иенасида амалга оширилади. Очиқ харидда бўлгани каби, энг паст шартнома нархини таклиф қилган етказиб берувчи ёки пудратчи голиб ҳисобланади.

Чекланган ёки якка тартибдаги харид усули давлат органининг харидни ўтказиш ниятини ёки етказиб берувчилар ва пудратчилардан аризаларни қабул қилишни бошлашга тайёрлигини эълон қилишни талаб қилмайди.



Ушбу харид усули бўйича шартнома, қоида тариқасида, устав капиталида давлат улушига эга бўлган ягона етказиб берувчи билан тузилади.

Чекланган харид усули бўйича ғолибни аниқлаш тартиби рақобатбардош эмас: у ғолиб компания давлат буюртмачисининг тақдим этиладиган товарлар, ишлар ва хизматларга қўйиладиган талабларига риоя қилишига қараб аниқланади.

Чекланган харид усулидан фойдаланган ҳолда шартнома тузиш бўйича барча пул операциялари Япония миллий валютасида амалга оширилади. Ушбу усул давлат сирларини ҳимоя қилишни талаб қиладиган харидлар учун кенг қўлланилади.

Япония ҳукумати томонидан харажатларни кўпайтириш бўйича кўрилган чоралар давлат харидлари фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам берди, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги ва бюджет харажатларидаги улушининг ошишини таъминлади.

Шунга кўра, ҳукумат иқтисодий ривожланишнинг янада барқарор даражасига эришди.

Бу ҳолда, давлат харидлари давлат ва корпоратив секторлар ўртасидаги кенгайтирилган ўзаро таъсир орқали иқтисодий фаолликни ошириш воситаси сифатида ишлатилган.

Таҳлилларга кўра, 2019 йилда товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб бериш бўйича барча давлат шартномаларининг тахминан 73% очиқ харид усуллари орқали тузилган.

Давлат шартномалари сони бўйича пудратчи томонни аниқлашнинг иккинчи энг катта усули чекланган (бир марталик) харид усули ҳисобланади: Япония Марказий ҳукумати маълумотларига кўра, 2019 йилда давлат шартномаларининг 26 фоизи чекланган харид усуллари орқали берилган.

Етказиб берувчиларни танлашнинг ушбу усули очиқ харид усулига нисбатан пастроқ машҳурлиги, биринчи навбатда, иштирокчилар ва уларнинг рақобатбардош таклифлари давлат сирларини сақлаш шарт билан харидларда иштирок этувчи субъектлар билан ўзаро алоқада бўлиш учун қўшимча талаблар ва шартларга дучор бўлиши мумкинлиги билан боғлиқ.

Ва ниҳоят, 2019 йилда давлат шартномаларининг 1 фоизидан сал камроғи танланган харид усули орқали берилган, бу эса ушбу турдаги харидларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бу қўшимча сертификатлаш талабларини қўйиш ва тендер жараёнида иштирок этишни истаган компанияларнинг молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ҳисобга олиш зарурати билан изоҳланади.

2015 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Японияда харид қилиш тартиби тури бўйича давлат шартномаларининг тузилиши бироз бўлсада, ўзгарди.

2015 йил бошида очиқ харидлар орқали тузилган давлат шартномаларининг улуши 70,20% ни ташкил этган бўлса, 2019 йил охирига келиб у 73,10% га кўтарилди.

Статистик ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, танланган харидлар орқали тузилган шартномаларнинг улу-

ши 2015 йилдан 2019 йилгача ўртача 45,14 фоизини ташкил этди, бу очиқ харидлар усуллари орқали тузилган давлат шартномаларининг ўсиш суръатидан сезиларли даражада ошиб кетди.

Давлат шартномаси учун пудратчини аниқлаш мақсадида танланган харид усули турига қараб, умумий рақобат жараёни икки шаклга эга: очиқ ва танланган олинган усул ва чекланган (битта иштирокчи) усул.

Очиқ ёки танланган усул жараёни давлат буюртмачиси тендерда иштирок этиш учун зарур маълумотларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда таклифларни қабул қилишни бошлаш тўғрисида оммавий хабар бериш билан бошланади.

Японияда давлат харидларидаги асосий рақамли восита “JETRO” (Япония Ташқи савдо ташкилоти) деб номланувчи рақамли платформадир.

У каталоглардан фойдаланган ҳолда товарлар, ишлар ва хизматларнинг ягона таснифини ўз ичига олади ва бу ерда ҳар бир тоифага мос рақамлар берилади:

0001 - қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, 0002 - минерал маҳсулотлар ва бошқалар.

Ушбу электрон платформанинг энг муҳим афзалликларининг тез янгиланиши, кириш қулайлиги ва фойдаланишнинг соддалигидир.

Японияда давлат харидлари бизнес жараёнининг катта қисмини рақамли муҳитга интеграциялашуви билан яратилган икки босқичли тизим харидлар бўйича ходимлар таркибини кенгайтиришни талаб қилмайди, бу эса аниқ афзалликдир.

Бундан ташқари, давлат харидлари тизими марказлаштирилмаган.

Бу, шубҳасиз, яна бир афзаллик, чунки у муҳим давлат эҳтиёжларини тез ва ҳар томонлама қондиришга имкон беради.

Ва ниҳоят, харид соҳасини зарур даражада рақамлаштириш ва давлат ахборот тизимига аукцион платформасини интеграция қилиниши натижасида соҳада муҳим ўзгаришларга эришилган.

Сухроб КУШШАЕВ,

Бухоро туманлараро иқтисодий суди раиси,

Умид ЖУМАЕВ,

Бухоро туманлараро иқтисодий суди раиси ўринбосари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О.В.Орусова, Современная модель экономики Японии: особенности развития // Самоуправление.
2. Я.А.Суходолов Современная специфика внешнеторгового сотрудничества России с Японией // Baikal Research Journal. 2019. № 10(3).
3. Т.О.Кузнецова, Л.О.Гордейченко Конституционные основы бюджетного процесса и бюджетной политики в Японии // Право и управление. XXI век. 2019. Т. 15. № 4(53). С. 110–117.
4. Макаева К.И., Егоринова Е.С., Сангаджиева А.С., Да ваева Б.Б., Шанкчиева Э.Ц., Бакаева А.З., Бадминов М.Б. Зарубежный опыт поддержки и развития региональной экономики // Экономика и предпринимательство. 2020. № 10(123).
5. Ohkawara H., Fukushima N., Kitagawa T., It o T., Masutani Y., Sawa Y. Tissue Procurement System in Japan: The Role of a Tissue Bank in Medical Center for Translational Research, Osaka University Hospital // Transplantation Proceedings. 2020.
6. Федорова, И., Пипия Ю Организация системы государственных закупок в Японии и возможность применения опыта в России, МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2021. Т. 12. № 1

РАҚАМЛИ СУД ВА ТЕРГОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада рақамли трансформация жараёнида рақамли суд ва терговни ташкил этишининг ахлоқий (этикет) тамойилларига доир назарий ва амалий масалалар муҳокама қилинади. Хусусан, тадқиқотда суд жараёнларини рақамлаштириш ва рақамли терговни олиб боришда тергов амалиётининг услубий таъминотларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли суд, рақамли тергов, рақамли ахлоқий (этикет) қоидалари, қонунийлик, адолат, шаффофлик, эркинлик, жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикасида рақамли трансформация жараёнларини фаол реализация қилиниши "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаши билан белгилаб берилди¹. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатда Интернетдан фойдаланувчилар сони 2016 йилда 12,1 млн. бўлган бўлса, 2022 йилга келиб икки баробарга, яъни 24 млн.дан ошган. Ушбу ҳолат мамлакат фуқароларнинг қарийиб 66 фоизига тўғри келмоқда². Шу билан бирга, мамлакатдаги аҳоли яшаш масканлари ҳудудининг интернет тармоғи билан таъминланганлик даражаси ҳам 2016 йилда 28%ни ташкил қилган бўлса, 2023 йилда 98% га етган. Мазкур ҳолатлар мамлакатда фаол рақамли трансформация жараёнлари амалга оширилаётганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, рақамли трансформация жараёнлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Хусусан ушбу ҳолатлар тергов жараёнидаги рақамли муҳитдаги муносабатларни тартибга солишда яққол кўзга ташланмоқда. Бу борада қонун чиқарувчи ва уни қўлловчи назария олдига соҳага доир илмий тадқиқотларни ҳамда илғор хорижий амалиётлар ва халқаро стандартларни ўрганиш вазифасини қўймоқда.

Ижтимоий ҳаётга бир назар ташланса, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар нафақат қонун нормалари билан, балки муайян ахлоқий меъёрлар асосига қурилганига ҳам гувоҳи бўламиз. Ахлоқий меъёрлар ўзаро ҳурмат, эътибор, ишонч, хис-туйғулар, ахлоқий билим, тасаввур ва мушоҳадалар ёхуд бошқа ахлоқий қадриятлар устига қурилади. Одатда, ушбу нормалар қонун билан тартибга солиниши мажбурий бўлмаган ҳолатларга нисбатан татбиқ этилади. Демак, ушбу меъёрлар қонун нормаларини ишлаб чиқишда қайсидир маънода методологик асос вазифасини ҳам ўтайди³.

Табиики, ахлоқий нормалар оммавий фойдаланишда бўлган виртуал дунё меъёрларига ҳам бевосита алоқадордир. Сабаби, рақамли трансформация жараёнлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, хусусан, ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаёти, бизнеси, жамият ва давлат муносабатларига бевосита таъсир этмоқда. Мазкур ҳолатлар ҳаёт кечириш ва фаолият юритишнинг янгича шакллари ҳамда қадриятларини юзага келтирмоқда.

Рақамли трансформация жараёнида юзага келаётган ахлоқий муаммолар суд ва тергов жараёнида шахсга доир маълумотлар дахлсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунда, шахсга доир маълумотларнинг дахлсизлиги таъминлаш нафақат мамлакатда, балки бутун халқаро ҳамжамиятни жиддий ташвишга солаётган муаммолардан бири саналади. Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган бўлса-да, бироқ мазкур Қонун тезкор-қидирув, разведка ва контрразведка фаолияти, жинойтчиликка қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш жараёнида, шунингдек жинойт фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш доирасида

олинган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди⁴.

Амалдаги тергов фаолияти учун ишлаб чиқилган ахлоқий қоидалар моддий оламдаги муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланганлиги боис, уларни рақамли муҳитга нисбатан тўғридан-тўғри татбиқ этилиши кўзланган натижани бермайди. Боиси, ушбу қоидалар рақамли муҳитдаги муносабатларнинг специфик хусусиятини тўлақонли акс эттирмайди. Шу боис, қонунни қўлловчи ўз ички ишончи ва интеллектуал салоҳиятига таянишига мажбур бўлади.

Таъкидлаш жоизки, рақамли далиллар ўта таъсирчан хусусиятга эга. Шу сабабли, уларни тўплаш ва текширишда қонунни қўлловчи ҳолисликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келади. Боиси, катта ҳажмдаги рақамли маълумотларни текшириш ва таҳлил этиш, очик манбалар ва сунъий интелектдан фойдаланиш ҳамда рақамли манбалардан иш учун аҳамиятли рақамли далиллар ва маълумотларни чиқариб олиш, сақлаш ва текшириш қонунни қўлловчидан соҳа бўйича муайян тажриба ва маъсулиятни талаб этади. Хорижий давлатларда ушбу масалалар ахлоқий аспектлар доирасида ҳал этилган.

Халқаро амалиётда ҳам суд муҳокамаси жараёнида рақамли далилларнинг қандай усулда тўплангани ва текширилгани муҳим аҳамият касб этади. Судлар айбловни қўллаб-қувватлаётган томондан ушбу далиллар қандай усулда чиқариб олинганлигини изоҳлаб беришни ҳамда намойиш (презентация) қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга⁵. Ушбу институт одил судловни амалга оширишда ҳолислик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида жорий этилган. Шу боис, эксперт, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ҳар қандай турдаги рақамли далилларни судга тақдим этишда пухта тайёргарлик кўради. Шу билан бирга, ушбу субъектлар рақамли далиллар тадқиқотида доир ҳар қандай ноўрин ёки ишончлиги тасдиқланмаган фикрларни билдиришдан ўзларини назорат қиладилар.

Тергов жараёнида мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ахлоққа зид ҳаракатлар ёки қонун бузилишларининг олдини олиш ҳамда бартараф этиш учун ҳам аввало, рақамли муҳитдаги ахлоқий нормалар доирасини аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, рақамли терговни амалга ошириш ҳамда хавфларни минималлаштиришда процесс иштирокчиларининг ишончи жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, терговчи рақамли технологияларни қўллашда хавфсизлик ва ишончлиликни таъминлашга эътибор қаратиши зарур. Тадқиқот жараёнида мазкур ҳолат бўйича бир қатор хорижий илғор амалиётлар таҳлил этилди. Бу борада, АҚШ, Англия ҳамда Европа давлатларида дастлабки тергов (полиция) ва суд жараёнларида шахсий маълумотларнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор ҳужжатлар ўрганилди⁶.

Рақамли терговнинг бош таъмойиллари ҳақида сўз кетганда, Иэн Фергюсон (I.Ferguson), Карен Рено (K.Renaud), Сара Вилфорд (S. Wilford) ва Алестер Айронс (A. Irons) томонидан олиб борилган тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга (1-жадвал). Бу борада, илгари сурилган таъмойиллар мамлакатдаги тергов фаолиятини такомиллаштиришда самарали натижа бериши мумкин⁷. Ушбу таъмойиллар Терговнинг асосий доктринаси (the Core Investigative Doctrine – CENTREX, 2015), Жиноят процесси ва тергов тўғрисидаги Қонун (the Criminal Procedure and Investigations Act – CPIA) ва Полиция катта зобитлари Ассоциациясининг рақамли далиллар учун “Энг яхши амалий қўлланма”си (ACPO) асосига қурилган.

Тергов қилишнинг раҳбарий қоидалари		
№	Таъмойил номи	Манба
IG1	Терговнинг тўлиқлиги (Exhaustively investigate)	Ministry of Justice, Section 3.5, CENTREX, 2015
IG2	Барча маълумотларни қайд қилиш – Comprehensively record all information	CPIA, Part II
IG3	Ишга алоқадор барча томонларни тергов қилиш – Investigate all relevant related parties	Ministry of Justice, Section 3.6
IG4	Махфий маълумотларни ёзиб олиш ва улarga белги қўйиш – Sensitive material should be recorded but marked as such	Ministry of Justice, Section 6.7
IG5	Номоддий ахборотларни қайд қилиш – Record Intangible information	Ministry of Justice, Section 4.1, Principle 3, ACPO, 2012
IG6	Тўпланган ахборотлар баённомасини прокурорга тақдим этиш – Give prosecutor record of gathered information	CPIA, Part II, CPIA, Part I
IG7	Барча ахборотларни сақлаш – Retain all information	CENTREX, 2015; CPIA, Part II, Ministry of Justice, Sections 5.5 & 5.6
IG8	Айбланувчига ахборот билан танишишга рухсат бериш – Allow accused to inspect information	CPIA, Part II
IG9	Терговчи тергов ҳисоботини бериш учун лаёқатли бўлиши – Investigators must be competent to report on investigation	Principle 2, ACPO, 2012
IG10	Ахборотнинг яхлитлиги таъминланиши керак – Information Integrity should be maintained	Principle 1 and 4, ACPO, 2012
1-жадвал. Раҳбарий таъмойиллар рўйхати		

Ушбу таъмойиллар терговчилар учун мўлжалланган бўлиб, бунда рақамли муҳитда терговни олиб боришнинг умумий қоидалари кўрсатилган. Мисол учун, IG3-бандда белгиланган қоидалар ишга алоқадор

учинчи томонлар учун амал қилади. Унга кўра, агар терговчи бошқа шахслар (алоқа провайдери)да ишга алоқадор материаллар мавжудлиги ҳақида маълумотга эга бўлса, ушбу маълумотларни белгиланган тартибда (сўровнома юбориш орқали) сақланишини таъминлаш ҳамда бу юзасидан хабардор қилиш бўйича ишларни ташкил этиши лозим. Бундан ташқари, IG5-бандда ўрнатилган қоидалар ҳам тергов фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра: “иш учун аҳамиятли ахборотлар муайян шаклда қайд этилмаганлиги аниқланган тақдирда, терговчи ушбу материалларнинг сақланиши ва чиқариб олинишини таъминлаши зарур.

Рақамли далилларга нисбатан қўлланилаётган ҳар қандай жараёнларнинг назорат журнали ёхуд бошқа қайдларда сақланишини таъминлаш лозим. Мустақил учинчи шахс (айбланувчи, адвокат, суд) ушбу жараёнларни ўрганиши ва натижаларни тақдорлаш имкониятига эга бўлиши керак”⁸.

Таҳлиллар натижаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалдаги одоб-ахлоқ қоидаларида муайян бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ушбу таъмойиллар чегарасининг аниқ белгиланмаганлиги рақамли муҳитдаги муносабатларни тартибга солиш муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ўрнатилган одоб-ахлоқ таъмойиллари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Мисол учун, одил судловни амалга оширишда судлар томонидан қуйидаги одоб-ахлоқ таъмойилларига⁹ амал қилинади:

Ахлоқий таъмойиллар номи					
Мустақиллик	Холислик ва баварзлик	Тенглик	Адолатлик	Ҳалоллик	Лаёқатлик

Ахлоқий таъмойилларни белгилашдаги мазкур тафовутлар одил судловни амалга оширишда рақамли далиллар тадқиқоти билан боғлиқ турли муаммоларни юзага келтиради. Хусусан, ушбу муаммолар доирасига тенглик, лаёқатлик, аниқлик, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ёхуд шу каби бошқа масалаларни киритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, рақамли терговни ташкил этишнинг ахлоқий асослари мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида белгиланмаган. Бироқ, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қабул қилиниши истиқболда рақамли муҳитдаги муносабатларни ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатдан тартибга солиш механизмларини жорий этиш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, рақамли технологияларни тергов фаолиятига жорий этиш билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар жуда мураккаб бўлиб, ушбу ҳолат мутахассис ёндашувини талаб этади. Бунда, муаммонинг ҳуқуқий, ташкилий, техник масалалари билан бирга, ахлоқий жиҳатлари ҳам тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ҳар қандай қонунни қўллаш амалиёти ахлоқий таъмойиллар асосига қурилади;

иккинчидан, рақамли далиллар билан ишлашнинг услубий ва ахлоқий қоидалари бўйича анъанавий тергов ва суд амалиёти етарлича малака ва тажрибага эга эмас. Шу боис, амалиётда юзага келаётган муносабатларни тартибга солишда қонунни қўлловчи ўз интеллектуал ва ҳуқуқий онгига таянишга мажбур бўлмоқда. Бу ўз навбатида, тергов фаолиятида турли амалиётларни шаклланишига ҳамда рақамли далилларни баҳолашда тўлиқ илмий асосга эга бўлмаган метод ва воситаларнинг қўлланилишига сабаб бўлмоқда;

учинчидан, рақамли муҳитдаги ахлоқий қоидаларнинг белгиланмаганлиги қонуни қўловчининг рақамли далиллар тадқиқотида доир фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлашга салбий таъсир этади. Бу ўз навбатида, рақамли далиллар тадқиқотида доир натижаларни учинчи шахслар томонидан тасдиқланишига¹⁰ тўсқинлик қилади;

тўртинчидан, тадқиқотлар мамлакатдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларини хорижий илғор амалиётларга мослаштириш зарурлигини кўрсатади. Бу борада қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

а) тергов фаолиятида рақамли технологияларни қўллаш ҳамда рақамли муҳитдаги муносабатларнинг тўғри тартибга солинишини таъминлаш мақсадида рақамли ахлоқ (этикет) қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Бунда, юқорида кўрсатилган тамойилларга эътибор қаратиш яхши натижа бериши мумкин;

б) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалдаги одоб-ахлоқ қоидаларига лаёқатлилиги, очиклик ва шаффофлик каби тамойилларни киритиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, ҳар бир тамойил доирасидаги вазифаларни аниқ белгилаш ҳамда тизимлаштириш қонунини қўллаш соҳасидаги хатоликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

бешинчидан, рақамли терговни ташкил этишда қуйидаги ахлоқий қоидаларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

рақамли терговни ташкил этиш ва рақамли далиллар билан ишлаш тамойилларига амал қилиш;

рақамли далилларни ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда фактларни тўғри баён этиш;

ишга алоқадор бўлмаган шахсга доир маълумотларни чиқариб ташлаш; исботлаш мумкин бўлган фактларга асосан хулоса чиқариш^{11,12};

маълумотларнинг яхлитлиги ва махфийлигини таъминлаш; рақамли далиллар тадқиқотида доир аниқлик, очиклик ва шаффофликни таъминлаш.

олтинчидан, судларда рақамли далиллар билан ишлашнинг аниқлик (ассигасу) тамойилига оид қоидаларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Технология спецификацияларининг суд эҳтиёжларига мослиги.

Суд амалиётида электрон иш юритиш тизими, рақамли далилларни таҳлил қилиш дастурлари ёки прогноزلаш алгоритмлари амалий эҳтиёжларга тўлиқ мос бўлиши лозим.

Илмий жиҳатдан бу шуни англатадики, технология суд томонидан ҳал қилинадиган масалаларга жавоб бериши керак. Акс ҳолда, алгоритмик хатоликлар қарорларнинг қонунийлиги ва адолатига салбий таъсир қилади.

2. Тизимли ва мунтазам аудитлар.

Суд тизимларида ишлатилаётган алгоритмлар ва маълумотлар базалари мунтазам аудитдан ўтиши керак.

Аудитлар алгоритмларнинг эскириши, тарафқашлиги ёки нотўғри ишлаш эҳтимоллини аниқлаш имконини беради. Шу билан суд қарорларининг мустақамлиги ва ишончилиги ошади.

3. Алгоритмларни тушунтира оладиган эксперт мавжудлиги.

Судларда ишлатилаётган рақамли тизимларнинг ишлаш механизми му- тахассис томонидан тушунтирилиши зарур.

Бу "қора қути" муаммосини бартараф этади: судьялар ва адвокатлар электрон далилларни тушуниб, хулосаларининг қонунийлигини баҳолай олади.

4. Ходимларнинг алгоритмик воситалар бўйича тайёргарлиги.

Суд ходимлари, прокурорлар ва адвокатлар рақамли далилларни тўғри талқин қилиш ва қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиши зарур.

Алгоритмик воситалар инсон касбий экспертизаси билан уйғун ишлаши лозим. Бу хатоликлар ва адолатсизликларни камайтиради.

5. Хатолик ва оқибатларни баҳолаш.

Судларда рақамли далиллар нотўғри ишлатилганда юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий, ижтимоий ва ахлоқий оқибатлар аниқланиши лозим.

Хатоликларнинг олдини олиш учун хавфларни баҳолаш ва минималлаштириш механизмлари ишлаб чиқилиши зарур, бу эса адолат тамойилини мустақамлайди.

6. Маълумотлар базасини шакллантириш учун аниқ мезонлар.

Электрон ишлар, гувоҳ ва айбланувчи маълумотларини базага кири- тишда аниқ, тушунарли ва қонуний мезонлар асосида ишлаш лозим.

Шу билан субъектив қарорлар камаяди ва маълумотлар базаси асосида қабул қилинадиган қарорлар қонуний ва адолатли бўлади.

7. Маълумотлар сифати.

Суд тизимларида ишлатиладиган маълумотлар тўлиқ, аниқлик ва ишончлилик талабларига жавоб бериши зарур.

Нотўғри ёки етарлича текширилмаган маълумотлар қарорлар сифатини пасайтиради ва ҳуқуқий хатоларга сабаб бўлади.

8. Учинчи шахс маълумотларини текшириш.

Бошқа ташкилотлардан олинган маълумотлар ҳуқуқий жиҳатдан текши- рилган ва мақсадга мос бўлиши лозим.

Масалан, полиция ёки молия органларининг маълумотлари судда нотўғри ишлатилса, адолатсизлик ва қарорларнинг қонунийлиги бузилиши мумкин.

9. Долзарб маълумотлар ва сақлаш сиёсати.

Суд тизимида ишлатиладиган электрон далиллар мунтазам янгилашиб бориши ва сақлаш муддатларига риоя қилиниши лозим.

Эскирган маълумотлар асосида қарорлар қабул қилинса, хатоликлар юз беради, шунингдек, шахс ҳуқуқларининг бузилиши хавфи ортади.

10. Кадрларни комплекс тайёрлаш тизими.

Суд ходимлари, прокурорлар ва адвокатлар рақамли далилларни тўғри тушуниш ва талқин қилиш бўйича тизимли ўқув дастурларига эга бўлиши лозим.

Бу қарорлар сифатини оширади ва технологиянинг нотўғри ишлашидан келиб чиқадиган адолатсизликларни камайтиради.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,

Одил судлов академияси Касбий кўникмалар кафедраси мудири, доцент, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сон Фармони.
2. <https://yuz.uz/news/uzbekiston-aholisi-36-million-kishidan-oshdi>
3. Khamidov, B., & Askerov, B. (2023). Ethical principles for organizing digital investigation in the process of digital transformation: Uzbekistan and foreign experience. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(4), 917-920.
4. ГОСТ ISO/IEC 29100-2021 Информационные технологии (ИТ). Методы и средства обеспечения безопасности. Основы защиты персональных данных. 4.2.2
5. Ferguson, R.I., Renaud, K., Wilford, S. and Irons, A. (2020), "PRECEPT: a framework for ethical digital forensics investigations", *Journal of Intellectual Capital*, Vol. 21 No. 2, pp. 257-290. <https://doi.org/10.1108/JIC-05-2019-0097>
6. Астанов, И., & Хамидов, Б. (2021). Общетеоретические вопросы, связанные с электронными или цифровыми доказательствами: проблема и решение. *Общество и инновации*, 2(7/5), 259-278. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss7/S-pp259-278>
7. Бахтиёржон Хамидов (2021). Проверка и оценка результатов цифровой экспертизы. *Общество и инновации*, 2(3), 91-97. doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss3-pp91-97
8. https://strathprints.strath.ac.uk/75129/1/Ferguson_et_al_JIC_2020_Precept_framework_ethical_digital_forensics_investigations.pdf
9. Deloitte survey, responses from chief officer representatives from 9 UK police forces (excludes respondents from national bodies and those not speaking for their force/unable to complete technology questions) <https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/ie/Documents/PublicSector/deloitte-uk-policing-4.0.pdf>
10. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОҚ-490-III-сон Қарори билан тасдиқланган Судьялар одоб-ахлоқ кодекси, 5-10-моддалар.
11. ISO/IEC 27043: Information technology — Security techniques — Incident investigation principles and processes — 10.1.
12. Международная ассоциация специалистов по компьютерным расследованиям.

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Судланганлик тушунчаси ва ҳуқуқий аҳамияти турли мамлакатларда сезиларли даражада фарқланади. Европанинг кўплаб давлатлари ва АҚШда судланганлик шахснинг жиноий ўтмишини англатиб, янги содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатадики, барча мамлакатларда судланганлик ва содир этилган жиноятлар ҳақидаги жиноий тарих ҳукм чиқарилган шахснинг ҳуқуқий мақоми сифатида тушунилади. Канада, Испания, Хитой каби айрим давлатларда эса судланганлик ҳолати тугатилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Япония, Швейцария, Белгия каби бошқа мамлакатлар қонунчилиги жиноят такроран содир этилмаган тақдирда судланганлик ҳолатини тугатиш муддатларини назарда тутади. Трансмиллий жиноятчилик хавфи туфайли деярли барча мамлакатларда судланган шахслар рўйхати юритилади, уларнинг ҳисобини махсус органлар олиб боради, Европа Иттифоқи мамлакатларида эса суд ҳукми чиқарилган шахслар тўғрисида давлатлараро ахборот алмашинуви амалга оширилади.

Марказий Осиё мамлакатларида судланганлик институти жиноят қонунчилигининг умумий тарихий ривожланиши ва жиноий-ҳуқуқий оқибатларни белгилашда ягона ёндашувга асосланади.

Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 84-моддаси биринчи қисмига кўра, "судланганлик шахснинг у ёки бу жиноят учун бирон-бир жазога ҳукм этилганлигининг расман тасдиқланган фактини англатади. Шахс жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб то судланганлик ҳолати тугагунга ёки бекор қилингунга қадар судланган деб ҳисобланади"¹.

Қозғоғистон Жиноят кодексига жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахс суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб судланганлик ҳолати тугагунга ёки бекор қилингунга қадар судланган ҳисобланади. Судланганлик ҳолати рецидив жиноятларни, хавфли рецидив жиноятларни аниқлашда ва жазо тайинлашда эътиборга олинади².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм қилинганлиги фактидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат сифатида белгиланган (77-модда). Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланган деб ҳисобланмайди³.

Қирғизистон Республикаси жиноят қонунчилиги бошқа қўшни мамлакатлар қонунчилигидан фарқли равишда, содир этилган жиноятнинг оғирлигига қараб судланганлик масаласига табақалаштирилган ёндашувни белгилайди. Хусусан, Жиноят кодексининг 95-моддасига мувофиқ, "унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахс суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб судланганлик ҳолати тугагунга қадар судланган деб ҳисобланади. Унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахс ҳукм ижро этилган пайтдан бошлаб судланмаган, деб топилади."⁴

Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг жиноят қонунчилиги бир-бирига таққосланганда судланганликни белгилашда ҳам, жиноий-ҳуқуқий ва ижтимоий оқибатлар рўйхатида ҳам ўхшашликлар мавжудлигини кўриш мумкин. Жумладан, юқорида кўрсатилган барча мамлакатларда судланган шахснинг янги жиноят содир этиши жиноятни квалификация қилишга, жазони ўташ муассасасини танлашга, шартли ҳукм қилиш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш каби инсонпарварлик чораларини қўллашда амалда ўталган жазо муддатини ҳисоблашга таъсир кўрсатади. Жазо оғирлаштирувчи ҳолат деб топилиши мумкин ва рецидив жиноят-

ларда жазо тайинлашда ҳисобга олинади. Шунингдек, ҳар бир жиноят учун қонунда белгиланган муайян вақт ўтганидан сўнг судланганлик ҳолатининг тугаши ва бекор қилиниши каби жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг қонунчиликда мустаҳкамланишида ҳам ўхшашлик кузатилади.

Ушбу босқичда шундай хулоса қилиш мумкинки, жиноий доктринада судланганлик институти узок шаклланиш йўлини босиб ўтган ва кўплаб мамлакатларда амал қилмоқда. Барча босқичларда у жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга чек қўйишда муҳим аҳамият касб этиб, илгари содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий оқибатларини белгилаб келган. Кўпгина мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари судланганлик ҳисобини юритади, чунки унинг мавжудлиги мазкур шахслар томонидан янги жиноятлар такроран содир этилганда квалификация ва жазога таъсир кўрсатади. Ушбу институт бир марта жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қаттиқроқ жазони назарда тутади ва ҳар бир кейинги қонунбузарлик билан жазо янада оғирлашиб боради.

Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқий оқибатлардан ташқари, судланганлик ижтимоий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Масалан, илгари судланган шахс муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бу эса судланганликнинг нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий ҳодиса эканлигини ва унинг оқибатлари инсоннинг кейинги ҳулқ-атвори ҳамда ҳаётига таъсир кўрсатишини тахмин қилишга асос бўлади.

Шу нуқтаи назардан, судланганлик институтининг моҳиятини юридик психология нуқтаи назаридан кўриб чиқишни қизиқарли, деб ҳисоблаймиз.

Барчамизга маълумки, юридик психология - шахс ва унинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш шароитидаги турли психологик жиҳатларини ўрганувчи фандир⁵. Юридик психологиянинг предмети "руҳиятнинг турли ҳодисалари, ҳуқуқни қўллаш фаолияти соҳасига жалб қилинган турли ҳуқуқий муносабатлар субъектлари шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, унда иштирок этаётган одамларнинг руҳияти, онги ва ҳулқ-атвори таъсир кўрсатадиган ушбу фаолиятнинг ижтимоий-психологик қонуниятлари" дан иборат⁶.

Юридик психологиянинг мустақил бўлими "криминал психология"⁷ бўлиб, олимлар уни бошқача қилиб жиноятчи психологияси, унинг ғайриқонуний ҳулқ-атвори психологияси деб атайдилар. Айтиш мумкинки, бир томондан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ва бошқа томондан ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этган шахс ўртасидаги муносабатлар жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан ҳам, юридик, аниқроғи, криминал психология билан ҳам тартибга солинади. Чунки жиноятчининг шахсини, унинг жиноят содир этишдан олдинги ва жиноий ҳаракатлар пайтидаги ҳулқ-атворини аниқламасдан, ўрганмасдан туриб, содир бўлган ҳодисага тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ва жиноят қонунини қўллаш мумкин эмас.

Шу жиҳатдан жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятларини жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда юридик психология туташган нуқтада олиб борадилар, деб тахмин қилиш мумкин.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, айбдорларни фош этиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўл-

са, юридик психологиянинг вазифаси куйидагилардан иборат: ҳуқуққа хилоф (жиноий) хулқ-атворнинг психологик механизмларини ўрганиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуққа хилоф хулқ-атвориға таъсир қилувчи омилларни тадқиқ этиш; фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши энг хавфли жиноятлар, мулкий жиноятлар, шунингдек техноген хусусиятли жиноятларни содир этишнинг психологик хусусиятлари ва сабабларини аниқлаш; ҳуқуқбузарларнинг шахсиятини, ижтимоий фаолиятида турли хил оғишларга эга бўлган шахсларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш; жиноятлар профилактикасининг ижтимоий-психологик асосларини ишлаб чиқиш; жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни фош этиш мақсадида бундай шахсларга нисбатан профилактика ва оғохлантириш дастурларини тайёрлаш⁸.

Бу вазифаларни бажариш учун ҳуқуқ вакиллари адолат, ҳалоллик ва қонунийлик тамойилларига амал қилишлари, шу билан бирга ўз хизмат бурчларини сидқидилдан бажаришлари лозим. Жиноятчи шахсини ўрганиш нафақат жиноят содир этишнинг маънавий-руҳий шарт-шароитларини тушуниш, балки унинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шароитларни аниқлаш учун ҳам муҳимдир. Ҳуқуқбузар шахсининг психологик тавсифи ишнинг судгача бўлган босқичида ҳам, суд жараёнида ҳам процессуал қарорлар қабул қилишда ҳам инобатга олинади.

Бизнингча, жиноятчининг психологик портретини у содир этган ижтимоий хавфли тажовуз билан тизимли равишда баҳолаш лозим. Бу жазони ўташ давомида унинг тарбиялаш жараёнини тўғри ташкил этишга ёрдам беради. Бунда жиноятчининг шахси, хулқ-атвори, жиноятдан олдинги вазиятлар таҳлили, кейинчалик ҳукм ва судланганликка олиб келган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш психологик ва юридик билимлар уйғунлиғида амалга оширилади. Аммо жиноят ишини юритишга масъул шахслар бундай шахсга қандай муносабатда бўлмоқда?

Кўпчилик жиноятчи деганда маълум ёшга етган, ақли расо инсонни тушунади. Одатда "жиноят содир этган шахс", "жиноят субъекти", "айбдорнинг шахси" каби ибораларни ишлатамиз.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этилгунча инсонни унинг ижтимоий ҳаётида шаклланган ўзига хос хусусиятларга эга шахс сифатида қабул қиламиз. Жиноят инсоннинг бирон-бир эҳтиёжлари мувозанати бузилгани ёки илгари яширин бўлган феъл-атвори намоён бўлгани туфайли содир этилади.

Лекин инсон эҳтиёжлари мувозанатининг бир марталик бузилиши тергов ва суд қарорлари асосида унинг доимий хусусиятига айлинишини қандай изохлаш мумкин? Бундай ҳолат нафақат тергов ва суд органлари, балки атрофдагилар томонидан ҳам салбий муносабат уйғотади. Устига-устак, бундай одам руҳан азобланади, ўзини жиноятчи, "жамият чиқиндиси" деб ҳис қилади, ўзига паст баҳо беради. Қандай жазо ўтаганидан қатъи назар, унинг онгида судланган шахс ижтимоий мавқеи шаклланади, натижада эҳтиёжлар мувозанати яна бузилади. Чунки "уларни ижтимоий позиция ва қадрият йўналиши акс этган манфаатлар ҳамда ахлоқий тажрибалар билан ўзаро боғлиқликда кўриб чиқиш лозим"⁹.

Шахснинг психологик хусусияти шундаки, инсон ижтимоий мавжудот бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам унинг манфаатлари ва эҳтиёжлари жамият билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, у ўз шахсини атрофидаги ижтимоий муносабатлар орқали идрок этади. Демак, судланган шахс мақомини олиш инсонда янги руҳий ҳолатни шакллантиради, бу эса кўпинча такроран жиноят содир этишга туртки бўлади.

Инсонда бундай руҳий ҳолат шаклланишида жамиятдаги хулқ-атвор қоидалари, қонунлар ва жиноят ишини юритишдаги суд-тергов органлари фаолияти муҳим рол уйнайди. Натижада ёпик доира ҳосил бўлади: ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш жиноий жавобгарлик ва

судланганликка олиб келади, бу эса ўз навбатида шахснинг руҳий ҳолатида оғишлар келтириб чиқаради, такрорий жиноятлар учун янги замин яратади. Шундай экан, ижтимоий муҳит, жамиятда ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ўзига хос хулқ-атвор қоидалари мавжудлиги, судланган шахсларга нисбатан шаклланган ижтимоий муносабат рецидив жиноятларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда, дейиш мумкин. Бунда давлатлар: а) судланган шахсларнинг фуқаролик, ижтимоий, меҳнат ҳуқуқларини чеклайдиган; б) такроран жиноят содир этганда жазони кучайтириш орқали уларнинг аҳолини оғирлаштирадиган қонунлар кўринишида янада кучлироқ психологик таъсир кўрсатади.

Фикримизча, кўплаб мамлакатларда бўлгани каби, судланган шахслар ҳисобини юритиш содир этилган жиноятлар сони, сабаб бўлган омиллар ва шароитларни қиёсий таҳлил қилишга ёрдам бериши билан асосланади. Бундан ташқари, судланган шахслар сони ҳақидаги маълумотлар энг кўп жиноят содир этилган ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларни аниқлашга имкон беради. Бирок, бизнингча, бундай маълумотлар ошкор қилинмаслиги ва кўрсатилган ҳисобда турган шахсга руҳий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Бундай позициянинг қонунчиликда мустаҳкамлаши инсон ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланганини англайди.

Шахснинг жамият билан ҳуқуқий зиддиятлари, унинг жиноят содир этиши жиноят қонунчилиги ва криминалогик психология нуқтаи назардан кўриб чиқилиши керак. Жамият инсонни ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этгани учун четлатмаслиги лозим. Жиноят қонунчилигини шахснинг психологик хусусиятлари ва жиноят содир этганидан сўнг у тушган руҳий вазиятни инобатга олган ҳолда шакллантириш зарур. Инсонни ўраб турган ва унинг шахси шаклланишига таъсир қиладиган ижтимоий меъёрлар ҳамда хулқ-атвор қоидаларини қайта кўриб чиқиш лозим. Фикримизча, ижтимоий ва фуқаролик институтлари вазифаларига жиноят содир этган шахснинг ақлий фаолиятини психологик жиҳатдан энгиллаштириш, шунингдек, судланган шахсларни мослаштириш ва реабилитация қилиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни белгилаш киритилиши керак. Марказлар ва судланган шахсларни ҳисобга олиш тизимлари фаолиятини фақат содир этилган жиноятларни рўйхатга олиш мақсадида, жиноятларнинг алоҳида тоифалари бўйича ва муайян ҳудудда ўсиш ҳамда камайиш динамикасини қиёсий таҳлил қилиш учун, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайдиган қатъий махфийлик шартларида амалга ошириш лозим. Судланган шахснинг ижтимоий, фуқаролик, меҳнат ҳуқуқларини чекламайдиган қоидаларни мустаҳкамлаб, судланганлик институтининг асосий тамойилларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Дилбар СУЮНОВА,

Тошкент давлат юридик университети "Жиноят-процессуал ҳуқуқ" кафедраси профессори, юридик фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21.05.98. Ахбори Маджлиси оли Республики Таджикистан, 1998 год, №9, с.68-70
2. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&doc_id2=31575252#pos=90;66&pos2=1461;-62 (мурожаат куни 25.04.2018)
3. Уголовный кодекс Республики Узбекистан. Тошкент "Yuridik adabiyotlar publish". 2024. С.335.
4. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112309> (мурожаат куни 25.04.23)
5. Ю.Ф.Чуфаровский. Юридическая психология. Вопросы и ответы. Eksmo Education. Москва. 2005
6. А.В.Ипатов. Юридическая психология. Учебное пособие. Санкт-Петербург. РГГМУ. 2022 С.5
7. Уша жойда. С.6
8. А.В.Ипатов. Юридическая психология. Учебное пособие. Санкт-Петербург. РГГМУ. 2022 С.8
9. А.В.Ипатов. Юридическая психология. Учебное пособие. Санкт-Петербург. РГГМУ. 2022 С.25

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТ

Судьялар мустақиллиги фундаментал принципи билан уларнинг қонун олдидаги жавобгарлиги ўртасидаги мувоозанатни (балансни) топшиш — суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий муаммоли масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур масаланинг долзарблиги шундаки, бир томондан судьянинг мустақиллиги тамойили унинг қабул қилган қарори учун таъқиб қилинмаслигини тақозо этса, иккинчи томондан адолат принципи судьянинг қонунни қўпол тарзда бузганлиги ёки юклатилган мажбуриятларни виждонан бажармаганлиги учун жавобгарлигини талаб этади.

Суд ҳокимияти нафақат холис фикр юритиш имтиёзи, балки юксак бурч ва масъулият юкидир. Бунда мақбул ҳуқуқий ечим ва интизомий жавобгарлик ўртасидаги чегара жамиятнинг судга бўлган ишончини белгилайди. Судьянинг мустақиллиги унинг йўл қўйган ҳар қандай хато ва камчиликларини оқламадлиги, айни вақтда судьянинг жавобгарлиги унинг ички ишончига босим ва таъсир ўтказиш воситасига айланмаслиги керак.

Судьяларнинг интизомий жавобгарлигини белгилайдиган асосий ҳужжат — бу Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни ва у билан тасдиқланган “Судьялар малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низомдир. Хусусан, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 11-боби (74-77-моддалар) судьяларнинг интизомий жавобгарлиги масаласига бағишланган бўлиб, унда интизомий жавобгарлик асослари, интизомий иш қўзғатиш, қўлланиладиган интизомий жазо чоралари, жазо чорасини қўллаш ҳақидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби белгиланган.

Бироқ, миллий қонунчилигимизда интизомий қилмиш тушунчаси ва интизомий жавобгарликка тортишнинг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги интизомий жазо чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган малака ҳайъатлари фаолиятида турли хил амалиёт шаклланишига ҳамда судьялар ва уларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят келтирган тарафларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам “судьянинг интизомий қилмиши”, “суд хатоси” тушунчаларига таъриф, яъни дефиниция бериш мазкур тушунчалар мезонини белгилашга, уларни бир-биридан ажратишга ва айни вақтда қайси ҳолатларда суд хатоси интизомий жавобгарликни истисно этишини, қачон эса жавобгарликка асос бўлишини аниқлашга, судья томонидан содир этилган қилмишга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш учун хизмат қилган бўлар эди.

Судьянинг интизомий жавобгарлигига сабаб бўладиган қилмиш тушунчасини қонунда аниқ белгилаш зарурияти суд мустақиллиги принципини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Суд хатоси ва интизомий қилмиш ўртасидаги чегарани қонун даражасида мустаҳкамлаш судьяга нисбатан интизомий жазодан босим воситаси сифатида фойдаланишининг олдини олади. Судья айнан қайси хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) интизомий жазони келтириб чиқаришини аниқ билиши лозим. Ҳуқуқий аниқликнинг мавжуд эмаслиги эса ишни кўришда йўл қўйилган ҳар қандай хато ва камчиликнинг кенг талқин қилинишига олиб келиши мумкин.

Судьянинг фаолияти қонунни шарҳлаш ва талқин қилиш билан бевосита боғлиқ. Қилмиш тушунчасига аниқ ҳуқуқий таъриф берилмаслиги судьяларнинг суд ҳужжати бекор бўлиши ва жавобгарликка тортилишидан кўрқиб, ўзларининг мустақил ҳуқуқий позициясини ёқламастан, маълум гуруҳ ёки кўпчилик учун “маъқул” бўлган, амалиётда шаклланган “шаблон” қарорлар чиқаришига, яъни суд тизимида конформизмга олиб келиши мумкин.

Интизомий қилмишнинг субъектив томони, оқибатларнинг жиддийлиги ва тизимлилиги каби аниқ мезонларни белгилаш Судьялар малака

ҳайъатлари томонидан интизомий ишларни кўришда холисликни таъминлашга хизмат қилади. Бу эса интизомий жазо судьянинг мустақил, “ўзгача” позицияси учун эмас, балки фақат амалда одоб бузилиши ёки қўпол қонун бузилиши содир этилганда қўлланилиши кафолатлайди. Интизомий қилмишнинг аниқ мезонлари қонунчиликда белгиланиши суд тизимини одил судлов асосларини бузмаган ҳолда номуносиб кадрлардан “тозалаш” имконини беради ва жамиятни судья нима учун жавобгарликка тортилганлигидан хабардор қилади.

Судьянинг интизомий қилмишига қонунчиликда аниқ таъриф бермасдан туриб, унинг дахлсизлиги ва жамият олдида жавобгарлиги ўртасидаги мувоозанатни белгилаш имкони мавжуд эмас. Шу сабабли қонунчиликда мавжуд бўлган суд хатоси ва интизомий қилмиш белгиларини таҳлил қилишга ва уларни бир-биридан ажратишга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 300-моддасида ходимнинг интизомий жавобгарлиги (умумий ва махсус), 301-моддасининг иккинчи қисмида эса интизомий қилмишга таъриф берилган. Унга кўра, интизомий қилмиш деганда ходим томонидан ўз меҳнат мажбуриятларини айбли тарзда, ғайриқонуний равишда бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги (меҳнат (лавозим) мажбуриятларининг бузилиши) тушунилади. Қонунда берилган бу таърифда интизомий қилмишнинг айблилик, қонунга хилофлик ва объектив томон каби белгилари кўрсатилган.

Меҳнат кодексининг 300-моддасида махсус интизомий жавобгарлик ҳам назарда тутилган бўлиб, унга кўра, ходимларнинг айрим тоифалари учун қонунда, шунингдек интизом тўғрисидаги устав ва низомларда алоҳида жавобгарлик ва тегишли интизомий чоралар белгиланиши мумкин.

Судьяларнинг “Судлар тўғрисида”ги Қонун ва “Судьялар одоби кодекси” талабларини бузганликлари учун жавобгарликка тортилиши ҳамда уларга нисбатан мазкур Қонунда белгиланган муайян жазо чоралари қўлланилиши, уларнинг махсус интизомий жавобгарлик субъекти эканлигини англатади.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 74-моддасига мувофиқ, судья қуйидаги ҳолатларда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин:

одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун; суд ишини ташкил этишдаги бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйилган камчиликлар учун;

судьялик шартини ва кадр-қимматида доғ туширадиган ҳамда суднинг обрўсини туширадиган ноҳўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун;

“Судьялар одоби кодекси” талабларини бузганлиги учун.

Бироқ, қонунчиликдаги ушбу тушунчаларнинг етарлича аниқлаштирилмагани уларни кенг талқин қилишга йўл очиб бермоқда. Бу эса интизомий жазо чораларини қўллашда турли хил ёндашувларни ва ҳуқуқий ноаниқликни келтириб чиқариб, судьялар ҳамда интизомий иш юритувчи тарафларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш натижалари интизомий қилмишга таъриф беришда турлича ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди.

Масалан, Германия қонунчилигига назар солсак, “Судьялар тўғрисида”ги Немис қонунида (Deutsches Richtergesetz, DRiG) судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш асослари бевосита ва батафсил кўрсатилмаган¹. Мазкур масалалар “Интизомий жазолар тўғрисида”ги Федерал қонун (Bundesdisziplinargesetz, BDG) билан тартибга солинади ва судьяларга нисбатан оммавий хизмат тизими доирасида қўлланилади. Хусусан, Федерал қонуннинг 13-параграфида содир этилган қилмиш оқибатида хизматга бўлган ишонч ва обрўга путур етказилиш даражасига мутаносиб равишда интизомий чора қўллаш мезонлари назарда тутилган².

Франция тажрибасида судья томонидан хизмат вазифаларининг ҳар қандай бузилиши (faute disciplinaire) интизомий жавобгарликка асос бўлиши белгиланган. 2023 йил 20 ноябрдаги 2023-1058-сонли Қонуннинг 9-моддаси билан ўзгартириш киритилган “Органик қонун”нинг 43-моддасида интизомий ҳуқуқбузарлик тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, судья томонидан мустақиллик, холислик, ҳалоллик, виждон, шаън ва қадр-қиммат, вазминлик ҳамда эҳтиёткорлик талабларининг ҳар қандай бузилиши интизомий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади³.

АҚШ қонунчилигида, хусусан, 1980 йилдаги “Суд этикаси ва муомалага лаёқатсизлик тўғрисида”ги Қонунда (Judicial Conduct and Disability Act, 28 U.S.C. §§ 351–364) интизомий қилмишга “судлар томонидан одил судловнинг самарали ва тезкор амалга оширилишига путур етказадиган ҳаракат” деб таъриф берилган⁴.

Корея Республикасининг “Судьяларга нисбатан интизомий чоралар тўғрисида”ги Қонунини 2-моддасида судьянинг интизомий қилмиши бевосита жавобгарликка тортиш асослари орқали ифодаланган. Унга кўра, қуйидаги ҳолатлар интизомий жавобгарликка асос бўлади: 1) судья хизмат вазифаларини бузган ёки уларни ижро этишни инкор этган ҳолларда; 2) судья ўз шаъни ва қадр-қимматига ёки суд нуфузига путур етказган ҳолатларда⁵.

“Япония судлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, агар судья хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаса, уларга бепарво муносабатда бўлса ёки ўзини номуносив тарзда тутса, унга нисбатан қонунчилик талабларига мувофиқ суд тартибидида интизомий чоралар қўрилади⁶.

Арманистон, Беларусь ва Украина қонунчиликларида ҳам интизомий қилмишга бевосита таъриф берилмасдан, интизомий жавобгарлик асосларини белгилаш йўлидан борилган. Бироқ, ёндашувларда фарқ мавжуд: Арманистон ва Беларусь қонунчилигида одил судловни амалга оширишда қонун бузилиши, меҳнат интизоми ва этика қоидаларининг бузилиши каби умумий (кенг талқин қилиниши мумкин бўлган) асослар келтирилган бўлса, Украина қонунчилиги йигирмадан ортиқ аниқ қилмишлар рўйхатини белгилаш орқали ҳуқуқий аниқлик киритишга ҳаракат қилган.

Россия, Қозоғистон ва Грузия қонунчиликларида эса интизомий қилмишга бевосита таъриф берилганлигини кўриш мумкин. Россия Федерациясининг “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонуни 12.1-моддасида судья томонидан хизмат вазифаларини бажариш чоғида ёки хизматдан ташқари вақтда суд ҳокимияти нуфузи ва судьянинг обрўсига путур етказилишига, шу жумладан процесс иштирокчилари ҳуқуқларининг қўпол бузилишига олиб келган айбли ҳаракат (ҳаракатсизлик) интизомий қилмиш сифатида эътироф этилади⁷.

Қозоғистон Республикасининг “Суд тизими ва судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонунида ҳам шунга ўхшаш таъриф берилган бўлиб, унда

интизомий қилмишнинг аниқ асослари сифатида: 1) қонунийликни қўпол бузганлик; 2) судьялик этикасига зид номуносив қилмиш содир этганлик; 3) суд раислари томонидан хизмат вазифаларининг лозим даражада бажарилмаслиги кўрсатилган⁸. Шунингдек, мазкур қонунда “қонунийликнинг қўпол бузилиши” ва “суд хатоси” тушунчаларига ҳам таъриф берилган.

Бироқ, Қозоғистон қонунчилигидаги “қонунийликнинг қўпол бузилиши” факти фақат юқори инстанция суди томонидан аниқланиши ҳақидаги норма мунозаралидир. Бундай ёндашув судьяларга билвосита босим ўтказиш воситасига айланиши ёки аксинча, яққол қонун бузилиши ҳолатларида судьянинг жавобгарликдан четда қолишига замин яратиши мумкин.

Масалан, судья тарафларни суд мажлисига чақирмасдан шахнинг мулкий ҳуқуқларига дахлдор қарор қабул қилса-ю, шикоят қилиш муддатлари ўтгани сабабли юқори суд ишни кўришни рад этса, “юқори инстанция аниқламаган” деган ваз билан судья жавобгарликдан озод этилади. Бу эса адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқининг бузилиши ва фуқаролар манфаатларининг ҳимоясиз қолишига олиб келади.

Шу сабабли, процессуал тартибнинг қўпол бузилиши, процесс иштирокчилари ҳуқуқларининг чекланиши, сансоларлик ва муддатларнинг мунтазам бузилиши каби ҳолатларга, юқори инстанция қароридан қатъи назар, мустақил баҳо берилиши лозим.

Бу ўринда “қонунийликни бузиш” ва “суд хатоси” тушунчаларини чегаралаш принципиал аҳамиятга эга. Халқаро тажриба ва миллий қонунчилигимиз (Судлар тўғрисидаги Қонун, 74-модда) шуни тасдиқлайдики, атайлаб қонун бузилиши ёки виждонсизликка йўл қўйилмаган бўлса, суд қарорининг бекор бўлиши судьянинг жавобгарлигига сабаб бўлмаслиги керак. Бу қоида судьянинг далилларни баҳолашдаги ички ишончи ва профессионал фикри дахлсизлигини таъминлайди.

Бироқ, амалдаги қонунчиликдаги “атайлаб қонун бузилиши” ёки “жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизлик” каби иборалар жуда мавҳум бўлиб, уларни турлича талқин қилиш имконини беради. Масалан, Қозоғистон қонунчилигида суд хатосига — судьянинг айби билан боғлиқ бўлмаган, моддий қонунни нотўғри талқин этиш ёки процессуал қонунни нотўғри қўллаш деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 301-моддасида ҳам ходимга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли юз берган камчиликлар учун интизомий жавобгарликни истисно этиш белгиланган. Ушбу мантқиқни “Судлар тўғрисида”ги Қонунга ҳам татбиқ этиб, “суд хатоси” тушунчасига аниқ таъриф бериш судьяларни асоссиз жавобгарликдан ҳимоя қилади.

Хулоса қилиб айтганда, “интизомий қилмиш”, “суд хатоси”, “одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузиш” ва “қонунни қўпол бузиш” тушунчаларига миллий қонунчиликда алоҳида ҳуқуқий дефиниция берилиши судьянинг мустақиллиги, холислиги ва одил судлов сифатини таъминлашда муҳим қадам бўлади.

Нодира БОБОХОНОВА,

Судьялар олий кенгаши судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. DRiG: https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_drig/englisch_drig.html
2. BDG: https://www.gesetze-im-internet.de/bdg/_13.html
3. Loi organique 1958: <https://www.legifrance.gouv.fr/loda/id/LEGIARTI000048434982>
4. Judicial Conduct and Disability Act: <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/28/351>
5. Korea Judiciary Act: <https://law.go.kr/LSW/lsInfoP.do?lsiSeq=112285>
6. Japan Court Act (No. 59, 1947)
7. Закон РФ N 3132-1 (ст.12.1)
8. Конституционный закон РК N 132-II (ст.39)



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА ЯНГИ МОДЕЛ: ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Замонавий демократик жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат барқарорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги ПФ-33-сонли Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Фармон билан аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва самарали бартараф этишга қаратилган профилактика механизмлари такомиллаштирилди, ваколатли органлар ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилди, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари аниқлаштирилди. Бу эса мазкур тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Хусусан, Фармон нафақат ҳимоя чораларини кучайтиришни, балки хотин-қизлар учун шахсий ва профессионал ривожланишга хизмат қилувчи “тўсиқсиз муҳит”ни шакллантиришни ҳам назарда тутди. Айниқса, ҳомиладор талаба-қизлар ҳамда 3 ёшгача фарзанди бор оналар учун олий таълим тизимида жорий этилаётган энгилликлар миллий қонунчилигимизда мутлақо янги ижтимоий қафолат сифатида намоён бўлмоқда.

Жумладан, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб жорий этилаётган тартибга кўра, оилавий шароити (ҳомиладорлик ёки фарзанд тарбияси) сабабли ўқишни вақтинча тўхтатган талабалар учун “иккинчи имконият” тамойили амал қилади. Унга кўра, илгари ўқишдан четлаштириш ёки курсда қолдириш билан яқунланган ҳолатларда, эндиликда талабага таълимни тўхтаган босқичидан давом эттириш ҳуқуқи берилади.

Шу билан бирга, таълим стандартлари ўзгарган тақдирда ҳам талабанинг ҳуқуқлари таъминланиб, фанлар фарқини ўзлаштириш шarti билан ўқишга тикланиш жараёни соддалаштирилди. Бу ёндашув таълим тизимининг талабага мослашувчанлигини оширишга хизмат қилади.

Фармоннинг тегишли нормаларига мувофиқ, мустақил ўзлаштириш учун қўшимча муддат берилиши академик эркинлик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш уйғунлигини таъминлайди. Бунда ёш оналар учун қатъий график эмас, балки индивидуал ёндашув асосида таълим олиш имконияти яратилади.

Шу мақсадда олий таълим муассасалари зиммасига бундай талабалар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, жумладан, масофавий таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва маслаҳат соатларини мослаштириш каби мажбуриятлар юкланади.

Ушбу нормалар аёлларнинг таълим олиш ҳуқуқини амалий жиҳатдан таъминлаш орқали уларнинг келгусида иқтисодий мустақилликка эришишига замин яратади. Бу эса, ўз навбатида, оилавий муносабатларда моддий қарамликни камайитириш ва иқтисодий зўравонликнинг олдини олишнинг муҳим профилактик механизми ҳисобланади.

ПФ-33-сонли Фармоннинг стратегик муҳимлиги шундаки, унда анъанавий ҳуқуқий ҳимоя механизмлари замонавий рақамли технологиялар билан уйғунлаштирилган. Бу ёндашув хотин-қизлар ва бо-

лалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини хавфни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратилган босқичга ўтказишга хизмат қилади.

Хусусан, ички ишлар органларининг жинойят ва ҳодисаларни рўйхатга олиш электрон тизимида “O’smir-signal” модулининг жорий этилиши эрта никоҳ ва вояга етмаганлар ўртасидаги ҳомиладорлик ҳолатларини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган муҳим инструмент ҳисобланади. Мазкур модул ФХДЁ органлари, тиббиёт муассасалари ва таълим ташкилотлари ўртасида маълумот алмашинувини таъминловчи ягона интеграциялашган платформани шакллантиради.

Натижада маълумотларнинг тезкор алмашинуви таъминланиб, қарор қабул қилиш жараёнидаги ортиқча бюрократик кечикишлар қисқаради. Бу эса ҳар бир ҳолат бўйича тезкор ҳуқуқий баҳо бериш ва зарур ижтимоий чораларни кўриш имконини кенгайтиради.

Шу билан бирга, Фармонда назарда тутилган “SOS” чақирув тизими жабрланувчи аёлларни реал вақт режимида ҳимоя қилишнинг амалий механизми сифатида жорий этилмоқда. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб, ҳимоя ордери берилган шахсларнинг алоқа воситаларига уларнинг розилиги билан “my.inhna.uz” мобил иловасини ўрнатиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ушбу тизим орқали зўравонлик хавфи юзага келган ҳолатда жабрланувчи биргина тугма орқали тегишли хизматларга мурожаат қилиши мумкин. Бу давлатнинг ҳимоя функциясини индивидуаллаштириб, тезкор аралашув имкониятини оширади.

Мазкур рақамли ечимлар нафақат жавобгарликнинг муқаррарлиги ва тезкорлигини таъминлайди, балки потенциал ҳуқуқбузарлар учун ҳам кучли превентив омил бўлиб хизмат қилади. Бу эса рақамли технологияларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги амалий аҳамиятини янада оширади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини мазмунан янгиллаб, уни формал чоралардан амалий ва натижага йўналтирилган механизмлар босқичига олиб чиқади. Унда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълимда тенг имкониятлар ва рақамли технологиялар орқали тезкор ҳимоя бир бутун тизим сифатида уйғунлаштирилган.

Айниқса, “иккинчи имконият” тамойили, “O’smir-signal” каби мониторинг механизмлари ва “SOS” рақамли хизматлари орқали давлатнинг ҳимоя функцияси нафақат кучайтирилди, балки индивидуаллаштирилди. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хавфни эрта аниқлаш ва тезкор аралашувни таъминлаш имконини кенгайтирди ҳам. Натижада, мазкур Фармон аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг фақат ҳуқуқий мажбурият эмас, балки технологик ва ижтимоий жиҳатдан таъминланган комплекс тизимга айлантиришга хизмат қилмоқда.

Иброҳим АЛИМОВ,

*Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари –
иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси.*

XXI асрда Z авлод МУАММОСИ ВА УЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ЕЧИМЛАРИ

Ҳақиқатни гапирганда, XXI асрнинг биринчи чорагида дунё жадал рақамлаштириш, глобаллашув ва ижтимоий трансформация даврини бошдан кечирмоқда. Мазкур жараёнларнинг марказида 1997–2012 йиллар орасида туғилган Z авлод тургани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

БМТ маълумотларига кўра, 2025 йилга келиб дунё аҳолисининг қарийб 32 фоизини Z авлод ташкил этади, Ўзбекистонда эса уларнинг улуши 28-30 фоиздан иборат.

Z авлоднинг асосий фарқловчи хусусияти – улар рақамли муҳитда туғилгани ва улгайганлигидир. Улар интернет, ижтимоий тармоқлар ва сунъий онг (интеллект) билан бирга вояга етади. Бу эса уларнинг дунёқараши, қадриятлар тизими ва, албатта, ҳуқуқий онгига жиддий таъсир кўрсатади.

Z авлод ҳуқуқий онгининг шаклланиш омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Рақамли муҳит ва ахборот оқими

Бу авлод кунда ўртача 7–9 соатни интернет тармоғида ўтказади. Энг ачинарли томони, TikTok, Instagram, YouTube каби платформалар улар учун нафақат кўнгил очиш, балки маълумот олиш ва дунёқарашини шакллантириш манбаи ҳисобланади. Аммо – бу платформалар алгоритмлари кўпинча “ҳиссий контент”ни устун қўяди. Бунинг салбий жиҳатлари қуйидагилар: ҳуқуқий нормалар улар томонидан “эскирган”, “қаттиқ” деб қабул қилинади;

“онлайн адолат” давлат ҳуқуқидан устун қўрилади;

сир сақлаш ва шахсий маълумотлар ҳимояси заифлашади.

2. Оила ва таълим тизимининг ўзгариши

Шубҳасиз, кўпчилик Z авлод вакиллари фарзандининг ҳаёти устидан қаттиқ назорат қиладиган ота-она ёки аксинча, ота-онаси доим ишда бўлган болалар шароитида улгайган. Хавотирли томони, мактабда эса ҳуқуқий тарбия кўпинча Конституцияни ёд олиш даражасида қолади, амалий кўникмалар (мисол учун, киберҳуқуқ, ахборот ҳуқуқи, истеъмолчи ҳуқуқ ва ҳ.к.лар) эса етарлича ўргатилмайди.

3. Ижтимоий адолат ҳаракатлари таъсири

Маълумотларга қараганда, Z авлод турли хил ҳаракатлар ва глобал кампанияларда фаол иштирок этган. Бу уларда “ҳуқуқ” тушунчасини давлат эмас, балки жамоатчилик назорати билан боғлиқ қилиб қўйди. Ўзбекистонда ҳам ёшлар иштирокида ўтказилган акцияларда Z авлод фаол, лекин уларнинг аксариятида давлат институтига ишонч даражаси паст.

Мазкур авлод тарбиясида бир қатор асосий муаммолар кўзга ташланади. Хусусан, ҳуқуқий нигилизм ва “онлайн адолат” синдроми. Ташвишли томони шундаки, Z авлод вакиллари қарийб 57 фоизи “агар қонунлар адолатсиз бўлса, уларга риоя қилиш шарт эмас”, деган фикрга қўшилади. Бу эса дунёда кибержиноятлар ва “вирус челленж”ларнинг кенг тарқалишига олиб келади ёки, ёшлар ўртасида киберҳуқуқ билимининг етишмаслиги ҳам катта муаммолардан бири.

Ўзбекистонда 2024 йилда 18–25 ёшдаги ўн минг нафар ёшлар ўртасида ўтказилган сўровда қуйидагилар маълум бўлган: 72 фоиз ёшлар “фишинг” (фишинг (phishing) – бу интернетдаги фирибгарлик тури бўлиб, фирибгарлар сизнинг шахсий маълумотларингизни (пароллар, банк карта рақами, CVV код, паспорт маълумотлари ва ҳ.к.) ўғирлаш учун ҳақиқийга ўхшаш сохта хатлар, смс ёки сайтлар ясашади) тушунчасини билмайди, 81 фоиз ёшлар ижтимоий тармоқларда шахсий маълумотларини ҳимоя қилмайди; 64 фоизи “муаллифлик ҳуқуқи” нималигини тушунмайди, лекин контентни қайта юклайди.

Тан олиш керакки, Z авлод онлайн харидларда энг фаол гуруҳ. Лекин қайтариш, кафолат, шахсий маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқлари борасида билим даражаси жуда паст. Улар гендер ва экологик ҳуқуқлар бўйича икки хил стандартга эга. Бу авлод бутун дунё микросида (ёки жуда кенг халқаро доирада) муҳокама қилинаётган, кўпчиликнинг диққатини тортган муҳим мавзуда гендер тенглик ва экологик масъулиятни қўллаб-қувватлагани билан, амалий ҳаётда патриархал қолиплар ва истеъмолчилик кучли сақланиб қолмоқда. Бу эса ҳуқуқий онгда “икки стандарт”ни шакллантиради.

Ушбу авлод билан боғлиқ муаммоларнинг ижобий ва фойдали ечимлари сифатида қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

1. Таълим тизимини тубдан ўзгартириш ва такомиллаштириш.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга 7-синфдан бошлаб “Рақамли ҳуқуқ ва хавфсизлик” мавзусида алоҳида фан киритиш; TikTok, Instagram форматларида қисқа видео-дарслар тайёрлаш; Қонунчиликни оддий одам миёсига мослаштириш усулидан фойдаланиб, қонунларни инфографика, ўткир маъноли ва вақтинчалик пост (видео, расм) шаклида тушунтириш.

2. Давлат ва нодавлат сектор ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш.

Z авлод вакиллари ўзи TikTok ва Instagram орқали ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиши;

Ҳар бир туман (шаҳар)да офлайн ва онлайн шаклда “Йигит-қизлар ҳуқуқий клуби” ташкил этиш;

Z авлод блогерлари билан ҳамкорликда “Қонунни мукамал ва аниқ қилиб тушунтирамиз” рукнида қизиқарли видеоконтентлар тайёрлаш.

3. Қонунчиликни замонавийлаштириш.

Амалдаги киберҳуқуқбузарликка оид қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

биринчи марта киберҳуқуқбузарлик содир этган ёшларга “ҳуқуқий тарбия курси”ни ўташ имкониятини яратиш;

интернетдаги ижтимоий тармоқларда “ҳуқуқбузар контент”ни автоматик блоклаш эмас, балки “огоҳлантириш ва тушунтириш” тизимини жорий қилиш.

4. Оила ва жамоатчилик даражасидаги ишларни кучайтириш.

Хусусан, ота-оналар учун рақамли дунё ва бола ҳуқуқлари бўйича семинарлар ташкил этиш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинида “Ёшлар ва ҳуқуқ” кунларини ўтказиш.

Z авлод – бу фақат “муаммоли” авлод эмас, балки улкан имкониятларга эга авлоддир. Уларнинг рақамли саводхонлиги, тез ўзгаришларга мослашувчанлиги ва адолатга интилишлари тўғри йўналтирилса, Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни янги босқичга олиб чиқиши мумкин.

Асосий вазифа – улар билан “уларнинг тилида” гаплашиш, қонунни “эскирган қоида” эмас, балки “ўйин қоидалари” сифатида кўрсатишдир. Фақат шунда XXI асрнинг рақамли фуқаролари ҳуқуқий онг ва маданиятнинг фаол субъектларига айланади.

Луқмонбой АСАТОВ,

Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди раиси.

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР

Корпоратив низо – бу корпоратив муносабат иштирокчилари ўртасида келиб чиқадиган турли хил зиддиятлар ёки муросасизликлардир. Улар билан боғлиқ ишларнинг судлар томонидан кўриб чиқилиши юзасидан тарихга назар солсак, дастлаб бу тоифадаги низо-лар фуқаролик судлари томонидан ҳал қилинган. Кейинчалик, хўжалик судлари томонидан мазмунан кўриб чиқиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар киритилиб, корпоратив низолар билан боғлиқ ишларнинг асосий қисми, яъни иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, акциядорлар ўртасида, акциядорлар билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш хўжалик судлари ваколатига ўтказилди.

Мазкур ўзгартиришга асосан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига “Корпоратив низолар бўйича иш юритиш” деб номланган янги боб киритилиб, корпоратив низоларни хўжалик судлари томонидан кўришнинг процессуал жиҳатларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4966-сонли Фармони билан 2017 йил 1 июндан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан мазкур тоифадаги ишлар ҳал этиб келинмоқда.

Иқтисодий процессуал кодексининг 30-моддасида, корпоратив низолар бўйича ишлар рўйхати белгилаб берилган.

Бироқ, унда барча корпоратив низолар қамраб олинмаганлиги сабабли муайян ҳолларда у ёки бу низонинг корпоратив низо ҳисобланиши масаласини судьялар ишнинг мазмунига кўра ҳал этмоқдалар. Бунда даъво судга тааллуқлилиги қоидаларини бузган ҳолда иқтисодий судга тақдим этилган тақдирда, даъво аризаси (ариза) тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказилмоқда.

Агар суд томонидан даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин ундаги талаб ишни кўриш жараёнида корпоратив муносабатдан келиб чиқилмаган, деган хулосага келинган тақдирда, иқтисодий суд иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиб иқтисодий суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Корпоратив низолар фуқаролик-ҳуқуқий (масалан, таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги ишлар) ёки оммавий-ҳуқуқий (масалан, ваколатли давлат органининг юридик шахсни тугатиш ёки қайта ташкил этиш тўғрисидаги аризаси) муносабатлардан вужудга келиши мумкин.

Шунингдек, судларда кўриладиган корпоратив низолар мулк-ий (дивиденд ёки акциялар қийматини ундириш) ёхуд номулкий (таъсис шартномаси, умумий йиғилиш қарори ёки бошқа турдаги

ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш ва ҳ.к.) хусусиятга эга бўлиши мумкин¹.

Айрим хорижий давлатларнинг қонунчилигида корпоратив низоларнинг бир қатор турлари фарқланади. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг қонунчилигида корпоратив низоларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- бошқарув органларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги низолар: акциядорлар ёки акциядорлар гуруҳининг директорлар кенгаши ёки компаниянинг бошқа бошқарув органларининг қарорларига бўлган даъволари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Ушбу низолар, масалан, содиқлик бурчини бузиш, манфаатлар тўқнашув-и ёки қарор қабул қилишда шаффофликнинг йўқлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин;

- бирлашиш ва сотиб олиш бўйича низолар: компанияларни бирлаштириш, сотиб олиш ёки қайта куриш жараёнида пайдо бўлади. Бундай низолар акция нархи, компаниянинг баҳоси, битимдан кейинги мулк улуши ёки бирлашишнинг процессуал жиҳатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин;

- акциядорларнинг низолари: компания акциядорлари ўртасида юзага келади ва турли масалалар билан боғлиқ бўлиши мумкин, шу жумладан акциядорларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқлари, дивидендлар ҳуқуқлари, акциядорлар йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқлари ва компания бошқарувини назорат қилиш ёки таъсир қилиш ҳуқуқлари.

- корпоратив жавобгарлик тўғрисидаги низолар: акциядорлар ёки учинчи шахслар компанияга ёки унинг бошқарув органларига қарши даъво кўзғатганда, уларни ҳуқуқ ёки мажбуриятларни бузишда айблаганда пайдо бўлади. Ушбу низолар молиявий фирибгарлик, ваколатни суиистеъмол қилиш ёки нотўғри бошқарув билан боғлиқ бўлиши мумкин.

- шартномани бузиш бўйича низолар: корпоратив битимлар, шериклик ёки акциядорлар ёки компаниялар ўртасидаги битимлар билан боғлиқ шартнома мажбуриятлари бузилганда пайдо бўлади.

- интеллектуал мулкни бузиш бўйича низолар: муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, савдо белгилари ёки тижорат сирлари каби интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилганда пайдо бўлади. Бу низо-лар патент бузилиши бўйича даъволарни (нусха кўчириш, ёки интеллектуал мулк ҳуқуқидан ноқонуний фойдаланиш) ўз ичига оли-ши мумкинлиги белгиланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШдаги корпоратив низоларнинг фақат умумий турлари бўлиб, ҳар бир низонинг ўзига хос хусусиятлари, табиати ва ривожланишига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар ва ҳолатлар мавжуд².

Россия Федерацияси қонунчилигида ҳам корпоратив низоларнинг миллий қонунчилигимизда назарда тутилганидан фарқ қилувчи қуйидаги турлари мавжуд:

- хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав капиталидаги акцияларни (улушларни) сотиш шартномаларидан келиб чиқувчи



низолар, ундирувни мазкур улушларга (акцияларга) қаратиш билан боғлиқ низолар;

- юридик шахс муассислари, иштирокчилари, аъзоларининг юридик шахсга етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги талаблари бўйича низолар;

- юридик шахснинг бошқарув ва назорат органлари аъзоси бўлган шахсларни тайинлаш ёки сайлаш, уларнинг ваколатини тугатиш ёки тўхтатиб туриш билан боғлиқ низолар;

- масъулияти чекланган жамиятлар устав капиталдаги улушга доир битимларни нотариуслар томонидан тасдиқлашдан келиб чиқадиган низолар.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги корпоратив низоларни ҳал қилишнинг баъзи йўллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

Ҳуқуқшунос олим А.Беседин корпоратив низоларни мураккаб ишлар сифатида эътироф этиб, бирорта корпоратив низо доирасида келишмовчиликлар жараёнида нормал фаолиятига тўсқинлик бўлган юридик шахсни ўзининг манфаатлари, ҳуқуқлари бузилган ёки низолашилаётган иштирокчилари (акциядорлари) манфаатлари, шунингдек, одатда учинчи шахсларнинг манфаатларига таъсир қилишини таъкидлайди³.

Корпоратив юридик шахслар, корпорация иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, корпорация ишини бошқариш кабиларга оид асосий қоидаларни ҳам Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасига корпоратив ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг алоҳида усул сифатида киритилиши корпоратив муносабат субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг гарови бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, "Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддаси бешинчи қисмига кўра, жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Бунда жамият ундан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт эканлиги белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 262-сонли қарори 22.3-бандида, жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчининг улуши чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланишини инobatга олиб, ишдаги ҳужжатлардан улуш қийматини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки ушбу масала юзасидан низо вужудга келганда тарафларнинг илтимосига асосан улуш қиймати экспертиза тайинлаш йўли билан аниқланиши кераклиги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмунига кўра улуш қиймати экспертизани тайинлаш йўли билан аниқланганда, эксперт олдида иштирокчи улушининг бозор баҳосидаги қиймати эмас, балки улушнинг жамият бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотлар бўйича қийматини аниқлаш тўғрисида савол қўйилиши лозимлиги, чунки қонун ҳужжатларида иштирок-

чининг улуши бозор баҳосида тўланиши назарда тутилмаганлиги, бундан чет эллик инвестор бўлган иштирокчи мустасно эканлиги судлар томонидан алоҳида эътиборга олинаши лозимлиги тавсия этилган.

Мазкур Пленум қарорининг 22.4-бандида эса "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 56-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ чет эллик инвестор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонадан чиқиб кетган ёки бу корхона тугатилган тақдирда, корхона мол-мулкдаги ўз улуши пул ёки бозор баҳосига мувофиқ равишда товар шаклида қайтарилиши ҳуқуқини олиши, чет эллик инвестор улуши қийматининг бозор баҳосини ишдаги ҳужжатлардан аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки ушбу масала юзасидан низо вужудга келганда тарафларнинг илтимосномасига асосан улуш қийматининг бозор баҳоси экспертиза тайинлаш йўли билан аниқланиши кераклиги назарда тутилган.

Бундан келиб чиқадиги, масъулияти чекланган жамият иштирокчиси Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлганда унга жамиятдаги улушининг бозор баҳосидаги қиймати эмас, балки улушнинг жамият бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотлар бўйича қиймати тўланса, аксинча жамият иштирокчиси бўлган чет эллик инвестор ушбу масъулияти чекланган жамият шаклидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонадан чиқиб кетган ёки бу корхона тугатилган тақдирда, корхона мол-мулкдаги ўз улушини пул ёки бозор баҳосига мувофиқ равишда товар шаклида қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Бу ҳолатда айни бир жамият иштирокчиси бўлиши мумкин бўлган икки шахсга, яъни Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний ва юридик шахсга ҳамда норезидент инвесторга бир хил шартлар асосида жамиятдан чиқиб кетишида ёки уларнинг чиқарилиш вақтида икки хил имкониятлар берилиши, қолаверса резидент ҳисобланган иштирокчига тегишли мулкнинг жамият бухгалтерия ҳисоботларидаги қиймати унинг амалдаги (бозор) баҳосига ҳар доим ҳам мутаносиб бўлмаслиги (масалан, охириги ҳисобот давридаги қиймат билан таъсисчилар сафидан чиқиш пайтидаги қиймат орасида кескин тафовутлар бўлиши мумкинлигини) уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлишини ва бу орқали уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етиши мумкинлигини инobatга олиш керак.

Шу орқали келгусида корпоратив муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолати бўларди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, корпоратив низолар билан боғлиқ айрим ишларни иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқишда турли хил ёндашувларни келгусида бир-хиллаштириш корпоратив муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари янада ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Хабибулло МАДАТОВ,

Зомин туманлараро иқтисодий судининг раиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дорожинская Е.А. Корпоративное право: курс лекций. Е.А. Дорожинская: Изд-во Сиб АГС, 2016. – 264 с. (Dorojinskaya E.A. Corporate law: lecture course. E.A.Dorojinskaya: Izd-vo SibAGS, 2016. p. 264.
2. Principles of Corporate Governance and Effective Boards. In book: Enhancing Board Effectiveness (pp.15-29). DOI:10.4324/9781315169477-2
3. Беседин А.Н., Ефименко Е.Н., Козина Е.А., Лаптев В.А., Тягай Е.Д. Корпоративные отношения: комплексные проблемы теоретического изучения и нормативно-правового регулирования. – М.: Норма, 2014.

ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР: МУАММО ВА ТАКЛИФЛАР

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада процессуал муддатлар тушунчаси ва турлари, ушбу институтнинг назарий ва амалий масалалари илмий таҳлил қилинган. Шунингдек, иқтисодий суд ишларини юритишда процессуал муддатларнинг татбиқ этилиши, бу борада учраётган муаммолар ва уларнинг ечимига доир айрим таклиф-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: процессуал муддатлар, қонунда белгиланган ҳамда суд томонидан тайинланадиган муддатлар, муддатларнинг чўзилиши, оқилона муддат.

Процессуал муддатлар одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиб, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва уларни ташкиллаштиришни таъминлайди. Шунга кўра, муддатлар судга келиб тушган даъво аризаси (ариза), шикоят (протест)ларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишда муҳим мезонлардан бири сифатида баҳоланади.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 13-боби бевосита “Процессуал муддатлар” деб номланиб, 119-124-моддаларни ўз ичига олади. Аммо, мазкур институт бу билан чекланиб қолмасдан кодекснинг бошқа нормаларида, хусусан иқтисодий суд ишларини юритиш, суд ҳужжатларини қайта кўриш босқичларига оид махсус бобларида ҳам бундай мазмундаги нормалар мустаҳкамланган. Бундан ташқари, судга келиб тушган ёки кўрилатган иқтисодий ишлар билан боғлиқ бошқа қонун ҳамда қонуности ҳужжатларида процессуал муддатларга доир масалалар батафсил ёритилган.

Процессуал муддатлар ишларни асоссиз пайсалга солишнинг олдини олади. “Кечиккан адолат — рад этилган адолат” тамойили асосида, муддатлар низони оқилона вақт ичида ҳал этиш ва фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ёхуд қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари тезроқ ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Бундан ташқари, процессуал муддатларнинг мавжудлиги тарафларни (даъвогар, жавобгар ва бошқалар) ўз ҳуқуқларидан виждонан фойдаланишга ва мажбуриятларини вақтида бажаришга ундайди. Агар суд қарорлари устидан шикоят қилиш муддатлари бўлмаганида, ҳар қандай низо ўнлаб йиллар давомида қайта кўрилиши мумкин эди. Муддатлар қарорнинг қонуний кучга кириш вақтини белгилайди, бу эса ижтимоий муносабатларда барқарорликни таъминлайди.

Шунингдек, вақт ўтиши билан гувоҳлар воқеаларни унутиши ёки ашёвий далиллар ўз хусусиятини йўқотиши мумкин. Қисқа ва аниқ процессуал муддатлар ишни далиллар “янги” ва ишончли бўлган вақтда кўриб чиқишга ёрдам беради.

Судга мурожаат қилишда муддатларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этишини эътироф этиш албатта ўринли, аммо иқтисодий процессуал қонунчиликда белгиланган айрим муддатлар одил судловни амалга оширишга ёрдам бериш, ҳақиқатни аниқлаш ва адолатни тиклаш ўрнига унга ҳалакат бермоқда.

Бу, ўз навбатида, ишни кўришда ва низоларни ҳал қилишда номувофиқликларни келтириб чиқаради, пировардида эса суд хатоларининг кўпайишига олиб келади.

Процессуал муддатлардаги номувофиқликларни бар-тараф этиш ҳаракатлари хорижий давлатлар процессуал

қонунчилиги, уларнинг амалиёти ва тажрибасини ўрганишга, бунинг натижаларидан келиб чиқиб иқтисодий процессуал қонунчиликдаги процессуал муддатларга бағишланган нормаларни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Биринчидан, Иқтисодий процессуал кодексининг ўзида процессуал муддатларни ҳисоблашда коллизия нормалар мавжуд. Жумладан, Кодекснинг 164-моддасига кўра суд муҳокамаси ишни муҳокамага тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда тугалланиши керак. Алоҳида ҳолларда, суд муҳокамасининг муддати суд раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Иқтисодий процессуал кодекси 165-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эса иш бўйича биринчи суд мажлиси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши керак.

Кодекснинг 171-моддасида эса суд муҳокамасини кейинга қолдириш асослари билан бир қаторда бу бўйича процессуал муддатлар ҳам белгиланган. Мазкур модда талабига кўра суд муҳокамасини кейинга қолдириш муддати ўн кундан, кейинга қолдиришлар сони уч мартадан ошмаслиги белгиланган.

Юқоридаги қонун нормаларидан келиб чиқиб ҳисобласак, иқтисодий судда ишни кўришнинг умумий муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим. Лекин биринчи суд мажлиси суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан 20 кундан кечиктирмай ўтказилса, суд муҳокамасини кейинга қолдиришлар сони уч мартадан ошмаслиги лозимлигидан ва унинг максимал 10 кундан кўп бўлмаган муддатга қолдирилиши лозимлигидан келиб чиқилганда иқтисодий судда ишни кўриш умумий муддати 50 кун ($20+10+10+10=$) ни ташкил этади.

Мазкур ҳолатнинг ўхшаш процессуал қонунчиликда тартибга солиниши ўрганилганда, масалан, Жиноят-процессуал кодексининг 405-моддасига кўра, жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги кераклиги, Фуқаролик-процессуал кодексида эса биринчи суд мажлиси ўтказилиши лозим бўлган муддат белгиланмаганлигини кўриш мумкин.

Яна бир ҳолатга эътибор қаратсак, жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан бошлаб ҳисобланса, иқтисодий судларда ишни кўриш муддатига ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқи-

чи (20 кунлик) муддат ҳам қўшиб ҳисобланишини кўришимиз мумкин.

Иккинчидан, судларда процессуал муддатларни ҳисоблаш бўйича қонунчилигимизни ҳам бирхиллаштириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, турли судларда суд муҳокамасини кейинга қолдириш асослари ва муддатлари тегишли процессуал қонунчиликда, хусусан Жиноят-процессуал кодексининг 418-моддаси, Фуқаролик-процессуал кодексининг 223-моддаси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 149-моддасида келтирилган.

Бошқа бирор бир давлатларнинг қонунчилигида ва республикамиздаги бошқа бирор бир процессуал қонунчиликда Иқтисодий процессуал кодексдан фарқли ўлароқ, суд муҳокамасини кейинга қолдириш муддати ва қолдиришларнинг чекланган сони қатъий белгилаб қўйилмаган.

Иқтисодий процессуал кодексда суд муҳокамасини кейинга қолдириш билан боғлиқ процессуал муддатлар одил судловни амалга оширишда судьяларнинг мустақиллиги принципига зид ҳисобланади. Судья ишни кўриш жараёнида белгиланган умумий муддатдан самарали фойдаланишни ҳеч қандай чегараларсиз, кўрилаётган ишнинг туркумига ва мураккаблик даражасига қараб мустақил ҳал қилади. Бу судьянинг қонун бўйича бурчи ҳамдир.

Европа суд тизимларининг асосий тамойили – бу “ишни оқилона муддатда кўриб чиқиш” принципига риоя қилишидир, бу Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 6-моддаси талаби ҳисобланади.

“Оқилона муддат” (инглизча: reasonable time) деганда қонунчиликда аниқ бир кун ёки ой белгиланмаган бўлиб, балки ҳар бир ишнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиқадиган, ишнинг адолатли, тўлиқ ва холис кўриб чиқилиши учун зарур бўлган ва шу билан бирга уни асосиз равишда чўзиб юбормайдиган вақт оралиғи тушунилади.

Иқтисодий суд ишларни юритиш учун оқилона муддатни белгилашда, биринчи инстанция суди томонидан даъво аризаси ёки ариза олинган кундан бошлаб иш бўйича якуний суд қарори қабул қилинган кунгача бўлган даврни ўз ичига олган ҳолда, ишнинг ҳуқуқий ва фактик мураккаблиги, иқтисодий суд ишларини юритиш тарафларининг хулқ-атвори, ишни ўз вақтида кўриб чиқишни таъминлаш учун суд томонидан кўрилган ҳаракатларнинг етарлилиги ва самарадорлиги ҳамда иш юритишнинг умумий давомийлиги каби ҳолатлар ҳисобга олинади.

Учинчидан, Иқтисодий процессуал кодекси 262-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар қонунчиликда бошқача муддат белгиланмаган бўлса, апелляция шикоят (протести) биринчи инстанция суди томонидан шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин.

Иқтисодий процессуал кодекси талабларига кўра барча ишлар бўйича берилган апелляция шикоят (протест) лари бир ойлик муддатда (қўшимча бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш) кўриб чиқилмайди. Қонунчиликда айрим тоифадаги ишлар учун махсус процессуал муддатлар белгиланган. Жумладан, Иқтисодий процессуал кодекси 277-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ суднинг содда-лаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган, шунингдек ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш, ўзбошимчалик билан

эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) судга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 266-моддасига кўра эса апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги масала шикоят (протест) иш билан бирга судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай судья томонидан якка тартибда ҳал қилинади.

Мазкур норма талабидан келиб чиқиб, ушбу процессуал муддатни қайта кўриб чиқиш, ушбу иш туркумлари, яъни ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги иш бўйича бериладиган апелляция шикояти (протести)ни кўриб чиқиш муддатини апелляция шикояти (протести) судга келиб тушган кундан эътиборан эмас, балки шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилишининг белгиланишини назарда тутувчи қонун нормасини қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, процессуал муддатлар борасида юқорида кўрсатилган фикр-мулоҳазаларнинг амалга киритилиши – одил судловни амалга оширишда судьяларнинг мустақиллиги принципини кенг қўллаш, судьянинг адолатни ўрнатишдаги фаолиятига халақит берувчи омилларни бартараф этишга хизмат қилади. Ўз навбатида, судьяларни фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ёхуд қонун билан кўриқланидиган ҳуқуқ ва манфаатларини ишнинг ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида ва тезроқ ҳимоя қилинишини таъминлашга ундайди.

Салимжон АБДУРАСУЛОВ,

Бухоро вилоят суди раиси ўринбосари,

Фарида РАХИМОВА,

Бухоро вилоят суди судья катта ёрдамчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. – Т.: 2023 й. – 120 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси – Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. – Т.: 2025 й. – 512 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. – Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. – Т.: 2025 й. – 544 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс – Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. – Т.: 2025 й. – 368 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси – Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. – Т.: 2025 й. – 568 б.
6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси (https://www.google.fr/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&source=web&cd=&ved=2ahUKEwiJseHLhlf2AhU7k_0NHbDjBBkQFnoECAQQAQ&url=https%3A%2F%2Fwww.echr.coe.int%2Fdocuments%2Fconvention_rus.pdf&usq=A0vVaw2grr17H-8Md3R86fSG6f-Q)

УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар доирасида умумий юрисдикция судларида сунъий интеллект ва рақамли технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари, имкониятлари ва эҳтимолий хавфлари таҳлил қилинади. Сунъий интеллектнинг суд ишларини юритиш самарадорлигига таъсири, этик чекловлар ҳамда халқаро стандартлар билан уйғунлиги кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, суд тизими, электрон адолат, рақамли технологиялар, конституциявий ислохотлар, инсон ҳуқуқлари.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан модернизация қилиш ва рақамлаштириш жараёнлари янги конституциявий ислохотлар доирасида жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Сунъий интеллект технологияларини суд амалиётига жорий этиш инсон ҳуқуқларини таъминлаш, одил судлов шаффофлиги ва тезкорлигини оширишга хизмат қилади. Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва суд мустақиллигига оид кафолатлар белгиланди. Унда рақамли технологиялардан фойдаланиш, инсон ҳуқуқларига тажовуз қилмаслик, ахборот хавфсизлиги каби масалалар сунъий интеллектдан фойдаланишда асосий тамойиллардан бири ҳисобланади.

Умумий юрисдикция судларида сунъий интеллект ишларни автоматик тақсимлаш, процессуал муддатларни мониторинг қилиш, суд қарорларини таҳлил қилиш, ҳужжатлар лойиҳаларини автоматик тайёрлаш каби имкониятларни беради.

Шу билан бирга, ундан фойдаланиш жараёнида этик ва ҳуқуқий чекловлар белгиланиши бежизга эмас. Чунки, алгоритмлар инсон ҳуқуқларига зид бўлмаслиги, дискриминация қилмаслиги, шаффоф ва изоҳланадиган бўлиши шарт.

Дарҳақиқат, сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш ва уни суд-ҳуқуқ тизимида қўллаш масалалари жаҳон ҳамжамиятида асосий норматив-ҳуқуқий муҳокамалардан бирига айланган. Хусусан, Европа Кенгашининг САНАИ (Committee on Artificial Intelligence) ташаббуслари, UNESCOнинг 2021 йилда қабул қилинган “Сунъий интеллект этикаси тавсиялари”, шунингдек, OECDнинг “Responsible AI Principles” тамойиллари бу соҳадаги халқаро стандартларнинг асосий ғоявий платформасини шакллантиради. Улар суд жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий мақоми ва инсон ҳуқуқларига таъсирини баҳолаш, сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси ва уни бошқариш механизмлари каби йўналишларини қамраб олган.

Европа Кенгаши – САНАИ (Committee on Artificial Intelligence) Европада сунъий интеллектнинг ҳуқуқий мақоми ва инсон ҳуқуқларига таъсирини баҳолаш учун тузилган махсус орган бўлиб, унинг фаолияти сунъий интеллектнинг конституциявий, демократик ва инсон ҳуқуқлари билан уйғунлашган моделини яратишга қаратилган. Унга кўра мазкур тизимлар ҳар қандай ҳолатда ЕИнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенцияси (ECHR) нормаларига мос бўлиши шарт. Бу – судлар учун алгоритм инсон қадар қарор қабул қилишни алмаштирмаслиги, суд мустақиллигига дахл қилмаслиги ҳамда адолатли судлов ҳуқуқини чекламаслигини англатади. САНАИнинг сунъий интеллект бўйича ёндашуви суд тизимида алгоритмлар фойдаси катта бўлса ҳам, улар инсон назоратини алмаштирмаслиги кераклигини таъкидлайди. Ушбу стандартлар Ўзбекистонда ҳам сунъий интеллектни суд тизимида жорий этишда ҳуқуқий асос бўлиши мумкин.

Дарҳақиқат, Европа Кенгаши доирасида сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш масаласини тадқиқ қилган олима Ф.Хамдамова Европа Кенгаши сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида стандартлар ишлаб чиқиш учун етакчи майдонлардан бири эканлигини таъкидлаб ўтади ва унинг доирасида сунъий интеллектга оид қабул қилинган ҳужжатларни уч гуруҳга бўлади.

Биринчи гуруҳ - бу бевосита сунъий интеллект масалаларига ва у билан боғлиқ жиҳатларга тааллуқли “кўндаланг ҳужжатлар” деб аталади. Уларга Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлиги соҳасидаги стандартларига асосланган ҳамда инновацияларга кўмаклашувчи сунъий интеллект тизимларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва қўллаш тўғрисидаги доиравий конвенциянинг жорий ишлаб чиқиши киради.

Иккинчи гуруҳга махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳужжатлар киради. Хусусан, рақамли идентификациялаш миллий тизимлари бўйича йўриқнома лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, шунингдек, ушбу соҳада бир қатор бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.



Учинчи гуруҳга одил судловни амалга ошириш ва давлат бошқарувида оид ҳужжатлар киради. Камситишларга йўл қўймаслик ва гендер тенглик соҳасидаги ҳужжатлар алоҳида гуруҳ сифатида ажратиб кўрсатилган.

Европа кенгаши томонидан суд тизимида сунъий интеллектни жорий этиш қоидаларига оид ҳужжатлар қаторида Суд тизимларида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича Европа этик хартияси (2018) алоҳида аҳамиятга эга. Унда суд тизимларида ва тегишли соҳаларда сунъий интеллектни қўллашнинг бешта асосий тамойили ажратиб кўрсатилган. Фундаментал ҳуқуқларни ҳурмат қилиш, камситишга йўл қўймаслик тамойили, сифат ва хавфсизлик, шаффофлик, ҳолислик ҳамда адолат, “фойдаланувчи назорати остида” тамойиллари шулар жумласидан.

UNESCOнинг Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence (2021) ҳужжати сунъий интеллект этикаси бўйича глобал даражада энг комплекс ва универсал нормаларни қамраб олган тавсиявий стандарт ҳисобланади. У сунъий интеллектдан фойдаланишда инсон шаънига, шахсий дахлсизлиги ва инсон ҳуқуқларига зарар етмаслик кераклигини белгилайди. Суд тизими учун сунъий интеллект ҳеч қачон ҳукм чиқариши мумкин эмаслиги, инсон судья сифатида қарор қабул қилишда ҳамиша сўнги сўзга эга бўлиши ҳамда айбсизлик презумпцияси кафолатланиши шарт эканлигини англатади.

Мазкур ҳужжат доирасида маълумотлар хавфсизлиги ва махфийлик ҳамда ҳисобдорлик масаласига алоҳида урғу берилган. Тавсияларда суд жараёнларидаги маълумотлар энг юқори даражада ҳимояланган бўлиши шартлиги, маълумотлар базаси очиқлик ва махфийлик ўртасидаги мувозанатга эга бўлиши кераклиги белгиланган. Ҳисобдорлик масаласига келсак, бунда у қонуний ва этик ҳисобдорликни мажбурий деб белгилайди, яъни алгоритм хатоси учун жавобгарлик субъектлари (ишлаб чиқарувчи, судья, ёки давлат органи) аниқ бўлиши кераклигини кўрсатади.

OECD AI Principles (2019) тамойиллари амалиётда сунъий интеллектни бошқариш учун энг прагматик механизм сифатида тан олинган. У ўз ичига Инсон ҳуқуқлари ва фаровонликни ҳурмат қилиш, шаффофлик, таваккалчиликни баҳолаш, ҳисобдорлик ва адолатчилик каби беш асосий базавий қоидаларни қамраб олган.

Хуллас, Европа Кенгаши, UNESCO ва OECDнинг сунъий интеллект бўйича халқаро стандартлари умумий юрисдикция судларида қўллашнинг қуйидаги учта асосий қоида-сини белгилайди:

биринчидан, инсон назорати устуворлиги, яъни алгоритм судьяни алмаштирамаслиги, фақат ёрдамчи восита бўлиши шарт;

иккинчидан, алгоритмларнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлиги, яъни суд жараёни ёпиқ “қора қути” технологиясига асосланмаслиги керак;

учинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сунъий интеллект архитектурасининг марказида туриши, яъни халқаро стандартлар суд тизимида сунъий интеллектдан фойдаланишни адолат, холислик ва ҳуқуқий давлат принциплари билан уйғунлаштиради.

Миллий қонунчилигимизда сунъий интеллектнинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаган бўлса ҳам рақамлаштиришнинг элементлари Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳуқуқат тўғрисида”-ги, “Шахсий маълумотлар тўғрисида”-ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”-ги Қонунларида ўз аксини топган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ-140-сонли фармони билан судлар фаолиятига “Рақамли суд” концепциясини жорий этиш доирасида судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажатларни шакллантириш ҳамда суд мажлиси баённомаларини реал вақт режимда матн шаклида тайёрлаш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини доимий ошириб бориш масалалари белгиланган.

Бу ҳужжатлар мамлакатимизда тўғридан-тўғри сунъий интеллектни тартибга солишга, уни татбиқ этиш учун ҳуқуқий платформа вазифасини бажаради.

Ўзбекистон суд тизимида сунъий интеллектни жорий қилишда унинг ҳуқуқий мақомининг аниқ эмаслиги, алгоритмлар шаффофлигининг камлиги, маълумотлар хавфсизлиги муаммоларининг мавжудлиги, шунингдек сунъий интеллектни яратиш ва бошқаришда махсус билимларга эга мутахассисларнинг етишмаслиги “Сунъий интеллект тўғрисида” қонунни қабул қилиш, унинг стандартларини ишлаб чиқиш, махсус экспертизасини яратиш, судьяларда сунъий интеллектдан фойдаланиш саводхонлигини ошириш заруриятини тақозо қилади.

Айбек ГАНИБАЕВ,

Нурафшон туманлараро иқтисодий суди судьяси,

Зафар РАДЖАБОВ,

Нурафшон туманлараро иқтисодий суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.coe.int/en/web/artificial-intelligence/cahai>
2. Хамдамова Ф. Правовое регулирование искусственного интеллекта: европейский подход // Журнал Демократизация и права человека – 2/2024 – Б.154. (рақамли ресурс) <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/download/45305/45627>
3. Мазкур ҳужжат матни билан <https://rm.coe.int/ru-ethical-charter-en-version-17-12-2018-mdl-06092019-2-/16809860f4> электрон ресурси орқали танишиш мумкин
4. Мазкур ҳужжат матни билан <https://www.oecd.org/en/topics/ai-principles.html> электрон ресурси орқали танишиш мумкин.
5. OECD, “Principles on Artificial Intelligence”, 2019.
6. Мазкур ҳужжат матни билан <https://lex.uz/docs/7696567> электрон ресурси орқали танишиш мумкин.



АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ: ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Қадимдан халқимиз ўзининг давомчилари сифатида алоҳида эътибор ва гамхўрлик билан қарайдиган болалар ҳамда аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, уларни ҳар қандай тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда бундай ҳолатларга нисбатан кескин муросасизлик муҳитини шакллантириш вазифаси янги жамиятнинг бош мақсадларидан бири, деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги ПФ-33-сонли фармони шу соҳадаги ислохотлар занжирининг мантиқий давоми бўлиш билан бирга, қатор янги мақсад ва вазифаларни ҳам белгилаб берди.

Ва шубҳасиз, ожиза аёллар ва табиатан ҳимояга муҳтож бўлган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими, бунга масъул давлат органлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги бир босқичга кўтариш борасида тегишли талабларни қўйди.

Мазкур Фармон – аёллар ва болалар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришдаги аниқ механизмлар, хусусан эрта никоҳнинг тизимли равишда олдини олиш, ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ рақамли ҳимоя воситаларини жорий этиш, ёшларнинг мустақил ҳаёт қуришини рағбатлантириш, замонавий жиноят таркибларини миллий ҳуқуққа киритиш орқали Ўзбекистонда аёллар ва болаларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда тарихий аҳамиятга эга.

Фармонда бугунги ижтимоий ҳаётда баъзан учраб турган никоҳ ёшига етмаган (18 ёшдан кичик) шахслар билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришишни,

яъни расмийлаштирилмаган “эрта никоҳ”ни тўхта-тишга эришиш вазифаси белгиланган.

Фармоннинг ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим жиҳатларидан яна бири шунда намоён бўладиги, унда молиявий мустақилликка эришган ва оила қуришга ҳар томонлама тайёр бўлган ёшлар ўртасида никоҳ тузишни давлат томонидан рағбатлантириш орқали 21 ёшда биринчи маротаба никоҳ тузган жуфтликлар учун қўшимча имтиёзлар бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини кескин қисқартириш, жабрдийдаларни қўллаб-қувватлаш тизими жорий этиш, оила ва хотин-қизлар марказларида никоҳланувчилар учун “Маиший зўравонликсиз бахтли оилавий ҳаётга тайёрлаш” махсус курсларини бепул ўқитиш кабилар назарда тутилмоқда.

Фармонда 2026 йил якунига қадар Ички ишлар вазирлигининг электрон тизимида эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган ҳомиладорлик ҳолатлари тўғрисида хабар бериш учун “O'smir-signal” модулини ишлаб чиқиш ва бу борада самарали мониторинг ва тез муносабат кўрсатиш имконини бериш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг (маҳаллалар), ФХДЁ органлари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, диний идора ва бошқа идораларнинг ахборот тизимлари ИИВ тизимига “Электрон ҳуқумат” платформаси орқали интеграция қилиниши, эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган ҳомиладорлик ҳолатлари бўйича ички ишлар органлари ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларини хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашнинг белгиланганлиги ҳам алоҳида эътиборга молик.

Чунки, бу қўйилган вазифанинг ижроси бугунги глобаллашув ва чуқур трансформациялашув жараёнларининг энг муҳим талаби – тизимда рақамлаштириш жараёнларини янги бир босқичга олиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Фармон аҳамияти, мазмуни ва моҳияти нуқтаи назардан ўта муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, Янги Ўзбекистоннинг аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини янги босқичга кўтаради. Ва пировард натижада келажак ҳақида қайғурадиган ҳар бир соғлом жамиятнинг мақсади бўлган – аёллар ва болалар дахлсизлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини тўлақонли таъминлашга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Шавкат ШАМШИЕВ,

Сирдарё вилоят судининг судьяси.



АДОЛАТ – РАМЗЛАР, ТИМСОЛЛАР ВА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

Адолат – шундай бир юксак қадриятки, у бор жойда файзу-барака, тинчлик-хотиржамлик ва албатта тараққиёт бўлади.

Бутун инсоният тарихи давомида ушбу тушунча турли рамзлар, тимсоллар ва фалсафий қарашлар орқали ифодалаб келинган.

Бугун биз адолат, ҳақиқат деганда бирдан кўз олдимишга кўзи боғланган ҳолда қўлида тарозини тутган аёл – Фемида келтирамиз.

Қадим-қадимдан одамлар онгида одил судлов, қонун ва тартиб-интизом ҳимоячиси сифатида гавдаланган Фемида – қадимги юнон илоҳларидан бири, деб эътироф этилади. Адолатнинг тимсолини жуда юксак тушунча, ҳатто илоҳларгача боғлашади. Бундан англашиладики, АДОЛАТ инсоният учун нечоғли улуг, азиз ва муҳташам тушунча...

Фемиданинг ҳар бир атрибути одил судловнинг олтин қоидаларидир:

тарози – дунёдаги ишларни, савоб ва гуноҳ амалларни ўлчаш воситаси. Тарози ҳис-ҳаяжоннинг эмас, балки қуруқ факт ва инкор этиб бўлмас далилларнинг ўлчовидир;

қилич – адолат фақат насиҳатдан иборат эмаслигини, балки қонунни бузган кимса жазодан қочиб қутула олмаслигини англатади;

кўздаги боғич – энг муҳим белги бўлиб, судьянинг низолашувчи томонларни “кўрмаслигини” англатади. Судьянинг кўзи юмук бўлса-да, қалб кўзи очик бўлиши ва фақат ҳақиқатни кўриши лозим.

Адолат инсониятни ёруғликка етакловчи йўлчи юлдуздир. Фемида, юстиция ёки “правосудие” – буларнинг барчаси адолатга бўлган ташналикнинг турли ифодаларидир. Бизнинг мақсадимиз эса ушбу рамзларни шунчаки қадрлаш эмас, балки уларнинг моҳиятини ҳаётимизга татбиқ этишдир.

Фемидани одатда кўзлари боғланган, бир қўлида тарози ва иккинчисиди қилич тутган ҳолатда тасвирлашади. Бу ҳам бежиз эмас, бу рамзнинг замирида муайян моҳият ётади...

Адолат тимсоли асрлар давомида нафақат кўришни, балки ўз мантигини ҳам ўзгартириб келган. Дастлаб Фемиданинг қўлида қилич бўлмаган. Унинг ўрнига қўлида фаровонлик шохини (қадах) тутиб турган. Бу адолатнинг фаровонлик манбаи эканини ва инсон ўз амалига қараб ушбу қадахдан мукофот ёки жазо ичишини англатган.

Бироқ Рим империяси даврида давлатчилик ва қонун устуворлиги биринчи ўринга чиққач, шох ўрнини қилич эгаллайди. Қилич икки тигли бўлиб, у ҳам айбдорни жазолашни, ҳам адолатсизликка зарба беришни англатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган илохотлар судьялар олдида ҳалоллик, поклик ва тўғрилик билан қарор қабул қилиш талабини қўймоқда. Судья нафақат қонун нормаларини билиши, балки жамиятда адолатни қарор топтирувчи асосий куч эканлигини ҳис қилиши шарт.

Юқоридаги манбалардан келтириб ўтилганидек, адолат шунчаки оддий, бир тушунча эмас. Бу – мазлумнинг ҳақи тикланиши ва халқнинг қонунга бўлган ишончининг мустаҳкамланишидир.

Судья ҳар бир низони кўриб чиқаётганда тарафларнинг ижтимоий мавқеига, бойлигига ёки таълимлигига қараб эмас, балки ўз виждонига суяниши лозим. Шунинг учун судьялик шунчаки касб эмас, бу



жуда катта мартаба, яъни ҳуқуқий мақомдир. Агар судья адолатни ўз қалбига жойлаб олган бўлса, у бойликка эҳтироссиз ва фақат ҳақиқатга бўйсунувчи шахсга айланади.

Бир улуг ҳақиқатни доимо ёдда тутишимиз шарт: ҳақиқий адолат (Фемида)нинг судья қалбига, унинг маънавий эътиқоди ва виждонига кўчишидир. Агар адолат тимсоли ҳуқуқ посбонининг юрагидан жой олмас экан, у жонсиз бир ҳайкал бўлиб қолаверади. Қачонки судья ҳукм чиқаришда кўз олдидаги ҳайкалга эмас, балки қалбидаги “ички Фемида”га қулоқ тутса, ўшандагина ҳақиқий адолат қарор топади.

Бугунги Янги Ўзбекистон шароитида судьялар олдида турган энг устувор маънавий вазифа ҳам адолатни нафақат қонун китобларида, балки ўз виждонларида қарор топтиришдир.

Адолатнинг асл моҳияти шунчаки рамзларда эмас, балки инсоннинг ички дунёсида мужассам бўлиши лозим...

Шаҳриддин ЭШИМОВ,

*Қарши шаҳар суди тергов судьяси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ САРИ ИЗЧИЛ ВА ҚАТЪИЯТЛИ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йил 3 мартда “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташқилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Бу шунчаки янги қонуний ҳужжат эмас — бу мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилётган тизимли ислохотларнинг янада янги қиёфаси десак хато бўлмайди.

2019 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонуни қабул қилинди. Бу ҳужжат мамлакатимиз тарихида аёллар ҳимоясига оид махсус қонунчиликнинг биринчи ва энг асосий пойдевори бўлди. Қонунда жисмоний, жинсий, руҳий ва иқтисодий зўравонлик тушунчалари аниқ белгиланди, ҳимоя ордери институти жорий этилди, жабрланувчиларга бепул ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш кафолатланди.

Худди шу куни “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сонли қонуни ҳам қабул қилинди. Ушбу қонун гендер тенглигини таъминлаш, давлат бошқарувида аёлларнинг иштироки учун янада яхши шарт-шароитларни яратиш каби масалаларни қамраб олди.

Худудларда “Аёллар маслаҳат марказлари” очилиб, уларда психологик ёрдам, ҳуқуқий маслаҳат ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш хизматлари йўлга қўйилди. 1146 ишонч телефон линияси кечаю-кундуз фаолият юритмоқда. Бу — пойдевор. Кучли ҳамда мустаҳкам пойдевор.

Ўзбекистон бу қонунни қабул қилгунига қадар дунёнинг 120 дан ортиқ давлатларида хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилувчи махсус қонунчилик мавжуд эди. Энди биз ҳам шу сафда. Ва нафақат сафда — биз бу борада жадал илгариланган давлат қаторидамиз.

2019 йилги Қонун асосий тамойилларни белгиланган бўлса, 2026 йил 3 мартдаги Фармон ушбу тамойилларни амалиётга кучли механизмлар орқали татбиқ этишининг янги босқичини бошлаб берди. Мазмун жиҳатидан ушбу Фармон бир неча муҳим йўналишни қамраб олади.

Биринчидан, эрта никоҳнинг олдини олиш. 2027 йилдан бошлаб ҳар иккала томон камида 21 ёшга тўлганда биринчи марта никоҳ тузган ёш оилалар давлат имтиёзлари ва кенгайтирилган молиявий кўмакдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Субсидиялар, ссудалар ва грантлар 1,5 баробаргача оширилган ҳолда берилади. Бу чора ёшларни ҳаётга тўлиқ тайёрланиб никоҳ қуришга ундайди.

Иккинчидан, таълимда адолат. Ҳомиладор талаба-қизлар ва кичик ёшли фарзанд тарбияси билан банд бўлган талабалар энди таълимдан маҳрум қолмайди. 2026/2027-ўқув йилидан бошлаб уларга фанлар фарқини қайта ўзлаштириш орқали ўқишни давом эттириш имкони яратилади.

Учинчидан, зўравонликка қарши кучлироқ ҳимоя. Ҳимоя ордери берилган аёлларнинг алоқа қурилмаларига “my.ihma.uz” мобил иловаси ўрнатилади. Бу “SOS” чақирув имконини беради. Зўравонлик содир этган шахслар мажбурий психиатрик кўриқдан ўтказилади. 2027 йил 1 январдан бошлаб бундай ишлар махсус тайёргарликдан ўтган терговчи ва судьялар томонидан кўрилади.

Тўртинчидан, тизимли мувофиқлаштирув. Эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган ҳомиладорлик ҳолатлари ҳақида маҳалла органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, диний идора вакиллари ички ишлар органларини хабардор қилиши мажбурий

бўлади. Бунинг учун “Ўсмир-сигнал” номли махсус электрон модул ишлаб чиқилади.

Фармоннинг алоҳида эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, унда фемицид (аёлни айнан жинси сабабли ўлдириш), фамилицид (оила аъзосини ўлдириш), сталкинг (шахсни унинг эркига қарши таъқиб қилиш), киберзўравонлик ва онлайн груминг каби замонавий жиноят турлари учун қонунчиликда жавобгарлик белгилаш кўзда тутилган. Бу тушунчалар бугунги кунда дунё ҳуқуқшунослигининг муҳим қисмига айланган, аммо кўплаб давлатлар уларни ҳали тўлиқ тартибга сола олмаган. Ўзбекистон эса бу борада олдинга юрмоқда.

2019 йилги Қонун “тазйиқ” тушунчасини қонунчиликка киритган эди. Фармон эса уни янада кенгайтиради — рақамли дунёдаги зўравонликни ҳам қамраб олади. Бу замонга мос, ҳаётий ёндашув.

Ушбу Фармонни ўқиб, бир нарсани алоҳида ҳис қилдим: бу ислохотлар бир-бирдан узилган ҳолда эмас, балки изчил тизим сифатида шаклланимоқда. 2019 йилги Қонун — қонуний асос. 2020 йилги тенг ҳуқуқлар кафолатлари — гендер тенглик тамойили. 2026 йилги Фармон — бу иккаласининг амалий кенгайтмаси, янги шароитларга мослаштирилган давоми.

Албатта, қонун ва фармонлар ўз-ўзича ижтимоий ўзгаришни кафолатламайди. Ижро, назорат, жамоат онги — булар ҳам муҳим. Шу маънода Фармоннинг телеканаллар, блогерлар ва маҳалла фаоллари орқали кенг тарғиботини назарда тутиш ҳам эътиборга лойиқ. Қонунни билмаган жамият уни қўллаб олмайди.

Маиший зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини шакллантиришда давлат механизмлари билан бирга жамоат онги ҳам ўзгариши шарт. Ва бу Фармонда айнан шу иккинчи жиҳатга ҳам жиддий эътибор берилган.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, зўравонликни камайтириш учун битта қонун етарли эмас — бунинг учун қонунчилик, ижро, статистика ва жамоат назорати бир тизимда ишлаши зарур. Айнан шу тизимлилик мазкур Фармонда кўзга ташланади: идоралараро интеграция, “Ўсмир-сигнал” модули, махсус тайёрланган терговчилар, ярим йиллик умумлаштиришлар — буларнинг ҳар бири ушбу заңжирнинг бир ҳалқаси. Қонун қоғозда эмас, амалиётда ишлаши учун зарур бўлган шарт-шароитларни Фармон ўзи яратмоқда.

Шу боис, 2026 йил 3 март санаси Ўзбекистоннинг аёллар ва болалар ҳимояси соҳасидаги ҳуқуқий тарихида муҳим босқич сифатида қолади. Бу кун — ўтган етти йиллик ислохотларнинг муносиб давоми ва кейинги янада кучлироқ қадамлар учун пойдевордир.

Иброҳимжон ҒАФФОРОВ,

Одил судлов академиясининг Ёшлар билан ишлаш, маънавият-маърифат бўлими бош мутахассиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://president.uz/oz/lists/view/8982>
2. <https://gov.uz/oz/advice/589/document/2719>
3. <https://lex.uz/docs/-5466673>
4. <https://lex.uz/docs/-4494709>
5. <https://lex.uz/docs/4494849>

ҲУҚУҚИЙ МАТНЛАРНИНГ ИЛМИЙ ВА УСЛУБИЙ РАВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ҳуқуқий матнларда аниқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида масаланинг лингвистик жиҳатида алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ноўрин қўлланган сўз ва жумлалар ҳуқуқий матнларнинг расмий хусусиятига сезиларли равишда таъсир кўрсатади. Мақоладан ҳуқуқий контекстда матнларнинг илмий ва услубий равонлигини таъминлашнинг хусусиятлари борасида мулоҳазалар ўрин олган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий матн, аниқлик, расмий услуб, ошкоралик, услубий равонлик, суд ҳужжатлари, ҳужжат, терминологик аниқлик.

Ҳуқуқий ҳужжатлар кўпинча расмий, иш услубидаги нутққа киради. Қўлланилиш соҳасига қараб, тўртта функционал кичик услублар ажратилади: қонун чиқарувчи, дипломатик, клерикал-маъмурий ва юрисдикция. Бу кичик услублар ўзига хос стилистик хусусиятлар, ўзига хос терминология ва стандарт матнлар тўпламига эга. Ушбу бўлинишга қарамай, бу кичик услублар ўзига хос умумий хусусиятларга эга¹. Бу бизга Н.В. Тидикова-нини ҳуқуқий соҳада қўлланиладиган лингвистик услубни “ҳуқуқ тили”² деб аташ мумкинлиги ва тўрт турга бўлинмаслиги ҳақидаги фикрига қўшилиш имконини беради.

Бироқ, бундай тил расмий тақдимот услубига эга, бу аниқлик, равшанлик, қисқалик, ифодаликнинг йўқлиги ва атамалар ва ибораларнинг стандартлаштирилишини англатади³.

Бундан ташқари, Т.В. Кашанина томонидан таклиф қилинган ҳуқуқий ҳужжатнинг (LD) хусусиятлари қуйидагича белгиланади:

- 1) ҳуқуқий тартибга солиш доирасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиши;
- 2) ҳуқуқий нормаларга асосланади;
- 3) ваколат ёки ҳуқуқий лаёқат доирасида берилади (тузилади);
- 4) ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди;
- 5) ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради;
- 6) лойиҳани тайёрлашда профессионал билим талаб қилади;
- 7) реквизитларга эга бўлади⁴.

Бизнинг фикримизча, юридик матнда барча хусусиятлар ҳам мавжуд эмас ва у ҳар доим ҳам профессионал адвокат томонидан ёзилмайди. Бироқ, айнан шу лингвистик хусусиятлар бизга юридик матнларни турли ҳужжатлардан ажратиш имконини беради.

Т.В. Варлакованинг фикрига кўра, юридик матн яратиш жараёнидаги қийинчиликлар кўпинча “юридик матнларнинг лингвистик хусусиятларини бутун ҳолда белгиладиган, сўз шакллари, ибораларни танлашда, мураккаб гапларни тузишда ва тиниш белгиларини жойлаштиришда кўзга ташланади”⁵.

Юридик матнларда қўлланиладиган лингвистик воситаларни тахминан бир нечта тоифаларга бўлиш мумкин: умумий лингвистик (аниқлик, ихчамлик, саводхонлик ва бошқалар); лексик; синтактик; стилистик.

Ҳуқуқий тил (“қонун тили”)ни тушуниш жуда мураккаб деб ҳисобланади ва ҳар қандай ўқувчи учун тушунарли бўлишини таъминлаш керак бўлган нарса тақдимот услуби ва луғат танловидир.

Ҳуқуқий матнларда ишлатиладиган лексик бирликларни оддий матн нуктаи назаридан кўриб чиқиш мумкин эмас. Бу, масалан, “шикоят”/ “апелляция”/ “даъво” ёки “жараён”/ “процедура” каби умумий синонимларнинг ҳуқуқий соҳада турли маъноларга эга эканлигида акс этади. Турли тадқиқотчилар

аниқ ва қатъий белгиланган маъноларга эга атамалардан бир хилда фойдаланиш муҳимлигини таъкидлайдилар.⁶ Бироқ масаланинг амалий ечим жиҳати эътибордан четда қолган. Юридик тил ўз моҳиятига кўра бир неча турларга, яъни қонун тили, илмий юриспруденция тили, суд тили, ҳуқуқшунос педагог тили, ҳуқуқшунос-публицист тили, прокурор тили, адвокат тили каби гуруҳларга бўлинади. Юриспруденция тармоқларига оид лексик-грамматик хусусиятлар умумийлиги билан бир-бирига яқин турса-да, лекин ўзига хос хусусийликларга ҳам эга бўлади. Масалан, фуқаролик суди фаолиятида қўлланиладиган (тараф, тарафларнинг тортишуви, даъво кўзғатиш, ҳал қилув қарори, даъвони таъминлаш) терминлар жиноят суди фаолиятида қўлланилувчи терминлар (фирибгарлик, геноцид, номусга тегиш, терроризм)дан тубдан фарқ қилади.⁷ Қонун тили юридик тилнинг ўзаги, туб “мағзи” ҳисобланади. Қонун тилининг асосий белгилари аниқлик; қисқалик; шахсизлик; расмий бўёқдорлик; холислик; мантқиқий изчиллик; барқарорликдан иборатдир.

Қонун тилининг энг муҳим меъёрларидан бири аниқлик бўлиб, тушунчанинг моҳияти қонун моддаларида тўлақонли ифодаланиши ва мамлакатнинг ҳар бир фуқароси кимлигидан, қайси касб эгаси бўлишидан, маълумотидан қатъий назар тезда англаб етиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замонавий суд-ҳуқуқ тизимида ҳуқуқий матнларнинг илмий, аниқ ва услубий жиҳатдан равон бўлиши одил судловни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунининг тушунарли, мантқан изчил ва терминологик жиҳатдан аниқ ифодаланиши суд органлари фаолиятининг очиқлиги ва самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Нилуфар НАЖМИДИНОВА,

Одил судлов академияси Касбий кўникмалар кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rastamkhanova, S. N. (2018). Genre diversity and substyles of official business style. Forum of young scientists, 1(17), 927-932 (in Russian)
2. Tydykova, N. V. (2023). On the Technique of Constructing Criminal Law. Legal Linguistics, 30, 43-49 (in Russian)
3. Sitnikova, A. I. (2017). Legislative textual criticism of criminal law. Lex Russica, 3 (124), 106-122 (in Russian).
4. Khashanina, T. V. (2024). Juristic documents. What they don't teach students. How to understand and prepare correctly: a textbook. Moscow (in Russian)
5. Varlakova, T. V. (2014). Linguistic features of scientific legal texts. Scientific Bulletin of the Omsk Academy of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 3(54), 58-62 (in Russian)
6. Губаева Т. В., Пиголкин А. С. Лингвистические правила законодательной техники / Проблемы юридической техники: сб. статей / под ред. В.М. Баранова. Н. Новгород, 2000
7. Saidov A., Sarkisyans G. Yuridik til va huquqshunos nutqi. T.: Adolat, 1994, 5-bet.

АКЦИЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёни тарихий-ҳуқуқий таҳлил асосида ёритилган. Муаллиф томонидан акциядорлик жамиятлари тушунчасининг миллий қонунчиликда пайдо бўлиши, уларга берилган ҳуқуқий таърифларнинг турли қонун ҳужжатларидаги фарқли ифодалари, хусусан, Фуқаролик кодекси ва соҳавий махсус қонунлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: акциядорлик жамияти, корпоратив бошқарув, акциядорлар ҳуқуқлари ҳимояси, тижорат ташкилотли.

Ҳуқуқшунос олимлар мамлакатимиз ҳудудида акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчиликнинг пайдо бўлишини собиқ совет давридаги фуқаролик қонун ҳужжатларининг вужудга келиши билан боғлайдилар.

Ҳ.Р.Рахмонқулов ва С.С. Гулямовлар Ўзбекистонда корпорацияларнинг ривожланишини Совет давридаги ва ундан кейинги корпорациялар ривожланиши босқичига бўладилар. Уларга кўра, Совет даври босқичи 1924 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) ташкил этилган вақтдан бошланиб, 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан яқунланади. Ундан кейинги давр эса 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунига асос бўлган 1990 йил 20 июнда “Мустақиллик Декларацияси” эълон қилинган вақтдан бошланади¹.

Мазкур фикрга қўшилган ҳолда, Совет даврида асосан, бозор муносабатлари асосланмаган тузум ҳукм сурганлиги, бу давр олимларимиз томонидан ўрганилганлиги сабабли, мавзу доирасидаги ўрганишлар Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларацияси қабул қилинган вақтдан бошлаб, то ҳозирги вақтга қадар ривожланиш тарихини илмий-амалий таҳлил натижалари бўйича олиб борилади.

Акциядорлик жамиятлари ёки акциялар каби тушунчалар миллий қонунчилигимизга бундан аввалроқ 1990 йил 31 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан кириб келади.

Мазкур Қонуннинг 7-моддасида акциядорлик жамиятларидаги акцияларга эгаллик – мулкчиликнинг бир шакли сифатидаги таъриф берилган. Ундаги эътиборни тартадиган жиҳатлардан бири бу қонун чиқарувчи акциянинг ўзини эмас, балки ундан олинмаган даромадларни (дивидентларни) хусусий мулк сифатида баҳолайди. Бундан ташқари, акция эгалари сифатида махсус субъект – фуқаролар назарда тутилади.

Қонуннинг 15-моддасида миллий қонунчилигимизда акциядорлик жамиятига нисбатан берилган биринчи таърифни кузатиш мумкин. Унда, акциядорлик жамияти акциялар сотиш ҳисобига ҳосил бўлган, шунингдек ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган ва қонунда йўл қўйиладиган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкнинг эгасидир деган таъриф берилган. Шунингдек, Қонуннинг 9-моддасида акцияли жамият (акциядорлик жамияти)нинг мулки коллектив (ширкат) мулки сифатида баҳоланган.

Ҳ.Р. Рахмонқулов ва С.С. Гулямовлар 1990 йил 31 октябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонунга Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва бозор муносабатлари асосидаги ўтирилиши таъминлаган биринчи муҳим меъёрий ҳуқуқий ҳужжат сифатида баҳо берадилар.

Мазкур қонунда белгиланган қоидалар кейинчалик 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияда белгиланган асосий қоидаларда ўз ифодасини топганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги 229-ХII-сон Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шакллари эга бўлган корхоналар иш олиб бориши мумкинлиги белгиланган:

“жамоа (ширкат) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари; кооперативларга қарашли корхоналар, акцияли жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, ўзга хўжалик жамиятлари ёки ширкатларига қарашли корхоналар; жамоат ташкилотларининг корхоналари, диний ташкилотларнинг корхоналари ва жамоа мулкчилигининг бошқа шакллари асосланган корхоналар;

давлат мулкига асосланган давлат иттифоқ корхонаси, республика давлат корхонаси, республикалараро давлат вилоятлараро, вилоят, ноҳиялараро, ноҳия, шаҳар давлат корхонаси ва корхоналарнинг бошқа турлари;

тўла ёки улуш қўшиб иштирок этишга асосланган (қўшма корхоналар) Иттифоқ, республика мулки, мухтор республикалар, ажнабий ҳуқуқий шахслар, фирмалар ва давлатлар мулки бўлган корхоналар; мулкчиликнинг аралаш шакллари асосланган корхоналар”.

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиб борилишида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”ги 732-ХII-сон Қонун муҳим ўрин тутди.

Мазкур Қонуннинг II бўлим 8-15-моддалари акцияли жамият, уни тузиш тартиби, муассисларга нисбатан қўйилган талаблар, жамият устав фонди, акцияларга берилган умумий таърифлар ва уларни тарқатиш (чиқариш) тартиби, жамиятнинг таъсис йиғилиши, бошқарув органларининг турлари, ваколатлари доираси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари чегараси, акцияли жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан амалга ошириладиган назорат қоидаларини тартибга солишга бағишланган.

Қонун бугунги кунда ўз кучини йўқотган бўлсада, у қабул қилинган вақтда акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий манбаси бўлиб хизмат қилган. Ж.И. Юлдашев мазкур қонунда биринчи бўлиб акциядорлик жамиятлари ҳақида номинал қийматга тенг акциялар муайян миқдорига бўлинган устав фондига эга бўлган ҳамда мажбуриятлар бўйича фақат ўз мол-мулки билан жавобгар бўладиган жамият деб таъриф берилганлиги ҳақида ёзади².

Кейинчалик, 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида”ги 163-И-сон Қонуни билан жами 385 та моддадан иборат Фуқаролик кодексининг биринчи қисми қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда акциядорлик жамияти ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги юридик шахсга хўжалик ширкати ва жамиятларига мансуб, очик ва ёпиқ турларга бўлинмаган ҳамда улар (хўжалик ширкатлари) орасида акциялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлган ягона юридик шахс сифатида таъриф берилди³.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Фуқаролик кодексидан 65 ва 66-моддалар чиқариб ташланган ва акциядорлик жамиятлари очик ва ёпиқ турдаги жамиятларга бўлиниши яқунланган.

Фуқаролик кодексининг 64-моддасига берилган шарҳда акциядорлик жамиятининг туб негизларини ташкил этувчи белгиларини, унинг

юримдик шахс сифатида ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шу жумладан акциядорлик жамиятларининг фуқаролик муомаласида индивидуаллашуви билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаши, акциядорлик жамиятлари уни тузган акциядорларнинг ҳуқуқий мақомидан фарқли мустақил ҳуқуқий мақоми бўлган ташкилот ҳисобланиши, акциядорлик жамиятининг мол-мулки акциядорларнинг мол-мулкидан алоҳида бўлиб, жамиятнинг балансида ҳисобга олиниши, жамият ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, яъни фуқаролик муомаласининг мустақил субъекти бўлиб чиқиши ва демак судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкинлиги ҳақида ёзилган⁵.

В.Топилдиев Кодекснинг 64-моддасида акциядорлик жамиятларига берилган тушунчага таъриф берар экан, унда акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга алоҳида тўхталади. Бунда, акциядорлик жамияти ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлиши, акциядорлар унинг (акциядорлик жамиятининг) мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмаслиги ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлашлари ҳақида ёзади⁶.

Кейинчалик мазкур қонун нормаси Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 223-сон Қонуни ҳамда 2014 йил 6 майда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-370-сон қонунлари янада такомиллаштирилган.

Биринчи қабул қилинган қонуннинг 2-моддаси биринчи қисмида акциядорлик жамиятларига – устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган ҳўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти ҳисобланади деб таъриф берилган бўлса, кейинчалик иккинчи қонуннинг қабул қилиниши билан унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг 3-моддаси биринчи қисмига асосан устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти (бундан буён матнда жамият дея юритилди) деб эътироф этилади деб талқин қилинган.

Биринчи таърифта эътибор асосан жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларига қаратилган бўлса, иккинчи норма акциядорларнинг жамиятга нисбатан ҳуқуқларини белгилайдиган тижорат ташкилоти сифатида таърифлайди.

Бироқ, амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатлари (Фуқаролик кодексининг 64-моддаси) ва акциядорлик жамиятлари ҳамда акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари (2014 йил 6 майда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси)да акциядорлик жамиятларига нисбатан берилган таърифлар бир-биридан фарқ қилади.

Тадқиқотчи олимлар фикрлари ва акциядорлик жамиятларига қонун ҳужжатларида берилган таърифларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатлари ва акциядорлик жамиятлари ҳамда акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида берилган таърифларни бирхиллаштирилган ҳолда, уларда берилган таърифларни қуйидаги янги таҳрирда баён қилиш тақлиф этилади:

"Акциядорлик жамиятлари – устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган Ўзбекистон Республи-

каси резиденти бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тижорат ташкилотидир.

Акциядорлик жамиятининг акциядорлари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар".

Мазкур қонун нормаларини бир хил мазмунда баён қилиш келгусида акциядорлик жамиятлари тушунчасини талқин қилиш ёки шарҳлаш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай муаммоларнинг олдини олади.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида хулоса қилиш мумкинки, акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги миллий қонунчилик тизими Ўзбекистон Республикасида босқичма-босқич ва эволюцион тарзда шаклланган. Ушбу жараённинг ҳуқуқий асослари дастлаб собиқ Совет Иттифоқи давридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган бўлса-да, амалдаги миллий ҳуқуқий тизими доирасида акциядорлик жамиятларининг мукамал ҳуқуқий мақоми мамлакат мустақиллиги эълон қилинганидан сўнгги даврда шаклланган. Жумладан, 1990 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонуни орқали акциядорлик муносабатларига оид илк ҳуқуқий тушунчалар миллий қонунчиликка киритилган. Кейинчалик, "Корхоналар тўғрисида", "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги Қонунлар, шунингдек, Фуқаролик кодекси ва махсус соҳавий қонунлар акциядорлик жамиятларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолият соҳалари ва ҳуқуқий мақомини белгилаб берди.

Шу билан бирга, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 1996 ва 2014 йилларда қабул қилинган Қонунлар акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва жамиятлар фаолиятини шаффоф ва самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этди. Бунда қонун ҳужжатларида акциядорлик жамиятига нисбатан берилган таърифлар ўзаро бир-биридан фарқ қилгани қайд этилган бўлиб, уларни бирхиллаштириш, яъни тизимли ва аниқ ифода этиш, келгусида ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Шу асосда, акциядорлик жамияти тушунчасининг аниқ ва уйғун таърифи эга бўлиши, фуқаролик қонун ҳужжатлари ва соҳавий махсус қонунлардаги таърифлар ўртасидаги ҳуқуқий бирликни – қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шухрат МИРЖАМОЛОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
таянч докторанти.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳ.Р. Раҳмонқулов, С.С. Гулямов. Корпоратив ҳуқуқ. Ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлири учун дарслик. – Т.: ТДҲИ, 2007. 67 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида"ги 229-ХII-сон Қонуни (Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 175-II-сонли "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонунига асосан ўз кучини йўқотган), Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон.
3. Ж.И. Юлдашев, ТДҲИ. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. Юридик фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2008. УДҚ 347.725 (575.1) 22-23 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (58-модданин иккинчи, ўн биринчи қисмлари), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сон.
5. Ҳ.Р. Раҳмонқулов, О.О. Оқюлов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: "Vektor-Press", 2010. – 816 б. – (Профессинал (малакали) шарҳлар).
6. В. Топилдиев. "Фуқаролик ҳуқуқи". I қисм. "Университет". – Т.: 2014. – 141б.

ШАХСНИНГ ЖИСМОНИЙ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ЧЕКЛОВЧИ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада шахснинг жисмоний дахлсизлик ҳуқуқини чеклаш тизими тушунчаси таҳлил қилинади ва унинг жиноят протсессуал фаолиятидаги аҳамияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги контекстида ёритилади. Тадқиқотда миллий қонунчиликдаги (Конституция, Жиноят-протсессуал кодекси) нормалар ва халқаро ҳуқуқ стандартлари ўртасидаги уйғунликка эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Шахснинг жисмоний дахлсизлиги, чеклаш тизими, инсон ҳуқуқлари, халқаро пакт, ҳуқуқ ва мажбурият, мансабдор шахс, тергов ҳаракатлари, мажбурлов чоралари, қамоққа олиш, уй қамови, прокурор назорати.

Жиноят ишлари юритувида шахснинг жисмоний дахлсизлиги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва тергов ҳаракатлари орқали чекланиши мумкин. Буларга: ушлаб туриш (ЖПК 27 боби), муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат (ЖПК 250 моддаси), эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ва уй қамови (ЖПК 242 моддаси), мажбурий келтириш (ЖПК 30-боб) киради.

Жиноят-протсессуал мажбурлов чоралари – жиноят-протсесси олдида қўйилган вазифаларни тўлиқ, ҳар томонлама амалга ошириш учун исботлаш вазифаси юклатилган протсесси иштирокчилари томонидан қўлланиладиган жиноят-протсессининг бошқа иштирокчилари учун мажбурий ва айрим ҳолда чеклаш характеридаги процессуал ҳаракатлар мажмуидир. Барча процессуал мажбурлов чораларининг умумий хусусияти, уларни чора қўлланилаётган шахснинг иродаси ва ихтиёридан қатъий назар қўлланилиши билан боғлиқ.

Агар жиноят-протсессуал мажбурловга кенг маънода қаралса, биз қандайдир махсус институтни ажрата олмаймиз, фақат жиноят-протсессуал фаолиятни тўлиқ (ёки деярли тўлиқ) мажбурий характери ҳақида хулосага келишимиз мумкин.

Шахснинг жисмоний дахлсизлигини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллаш жараёнида процессуал кафолатлар қуйидагилардан иборат бўлади:

процессуал мажбурлов чораларини қўллашга фақатгина қўзғатилган жиноят иши доирасида йўл қўйилиши (ушлаб туришдан ташқари);

ЖПКда ҳар бир процессуал мажбурлов чорасини қўллашга ваколатли мансабдор шахслар ва ушбу чоралар қўлланиши мумкин бўлган шахслар рўйхати аниқ белгиланганлиги;

процессуал мажбурлов чоралари фақат асослар мавжуд бўлганда ва қонунда белгиланган тартибда қўлланилиши мумкинлиги;

бундай чораларнинг муддатлари қатъий белгиланганлиги ёки суриштирув (тергов муддати) билан чекланганлиги;

процессуал мажбурлов чоралари қўлланилганлиги устидан шикоят қилиш ҳуқуқи;

уларнинг қонуний қўлланилиши устидан идоравий, прокурор ва суд назорати амал қилиши ва мазкур чоралар қўлланилган шахсларга ғайриинсоний муносабатда бўлиш тақиқланиши.

Жиноят протсессининг ҳар бир институти хусусан, инсоннинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларининг мақсади қонунда аниқ белгиланиши, мажбурлов чораларининг асоссиз ва ўзбошимчалик билан қўлланилишининг олдини оловчи механизм вазифасини бажаради. Бироқ, ЖПКнинг 213-моддасида кўзда тутилган процессуал мажбурлов чораларини қўллаш асослари, янги тахрирдаги Конституциянинг инсонпарварлик руҳига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келмаслигини таъкидлаш ўринли. Демак, процессуал

мажбурлов чорасини қўллашнинг иккита асоси, яъни жиноят протсесси иштирокчисининг тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаслик, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилингунга қадар юзага келган аниқ ва текшириш мумкин бўлган ҳолатларни назарда тутди.

Бироқ, процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг кейинги “қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш” каби асослари ҳаддан ташқари мавҳум ва қонуннинг субъектив талқин қилинишига йўл очиб бериши мумкин.

Мавҳум асослар амалга татбиқ этилганда шахс ҳуқуқларини чеклашнинг объектив эмас, субъектив асослари устун бўлади, “ҳақиқий хавф” билан “эҳтимолий хавф” ўртасида чегара йўқолади.

Европа инсон ҳуқуқлари суди, 1991 йил, 26 июндаги *Letellier v. France* иши бўйича қарорида ҳақиқий, аниқ ва индивидуал хавф (масалан, гувоҳларга таъсир қилиш, далилларни йўқ қилиш, қочиш эҳтимоли) исботланиши шартлигини қайд қилиб, “автоматик” ёки “умумий” асосларда эркинликни чеклашни Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 5-моддасига зид деб топилган.

Европа инсон ҳуқуқлари судининг 1999 йил, 25 мартдаги *Nikolova v. Bulgaria* иши бўйича қарорида давлат органлари қамоқни асослаш учун индивидуал фактлар ва хавф далилларини келтириши шартлиги қайд қилинган.

Европа инсон ҳуқуқлари судининг *Ilijkov v. Bulgaria* иши ЕИХС амалиётида процессуал мажбурлов чоралари (айниқса қамок) бўйича энг муҳим прецедентлардан бири ҳисобланади. У жиноятда гумон қилинган Илийковнинг озод қилинмаслигига асос сифатида жиноят оғирлиги, қочиб кетиши мумкинлиги, жамоат хавфсизлигига таҳдид каби умумий ва стандарт ифодаларни келтирилганлигига баҳо берар экан, суд ҳеч қандай аниқ далил ёки индивидуал таҳлил келтирилмаганлигини эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини бузиш сифатида баҳолаган.

Бундан ташқари ЖПКнинг 213-моддасида “зарур бўлганда” деган умумий ифода бор, аммо “зарурлик” ва “пропорционаллик”нинг аниқ мезонлари берилмаган.

Халқаро стандартлар ҳар бир шахсга нисбатан мажбурлов чорасини қўллашдан олдин индивидуал хавф баҳосини (individual risk assessment) ўтказишни талаб қилади.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактининг 9-моддасига мувофиқ ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан хибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонунда белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Бу ерда “асоссиз маҳрум қилиш” тушунчаси БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси томонидан

индивидуал баҳолаш мажбурияти сифатида талқин қилинган (General Comment №35, 2014).

Индивидуал баҳолаш мажбурияти фақатгина ЖПКнинг 238-моддасида эҳтиёт чоралари танлашда кўзда тутилган, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиги, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши кўзда тутилган.

Жиноят ишлари юритувида мажбурлов жиноят процесси иштирокчиларининг ўз мажбуриятларини (гарчи ўзининг иродасига зид бўлсада) бажаришларини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу нафақат процессуал жавобгарлик, балки жиноий, фуқаровий, интизомий жавобгарлик орқали таъминланади.

Ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш каби жисмоний мажбурлов чоралари шахсни жамиятдан ажратган ҳолда унинг эркинлигини чеклайди.

Мажбурий келтириш, шахсни жамиятдан ажратмасида унинг эркинлигини чеклайди.

Ушлаб туришда шахс дахлсизлигини чеклаш чегаралари аввало ушлаб туриш мақсади ва асослари доирасидан четга чиқмаслик, ушлаб туриш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси, иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар, ушлаб туришнинг процессуал тартиби ва муддати, ушланган шахснинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш, ушлаб турилганни озод қилиш асослари ва тартибига амал қилиш билан белгиланади.

Бундан ташқари, гарчи ЖПКда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлишига қарамасдан айнан бир асос бўйича такроран ушлашга йўл қўйилмаслиги (non bis in idem принципи) қўлланилиши зарур.

Яна бир муҳим жиҳати, ЖПКда жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган жиноятда гумон қилиниб ушлаб туришга йўл қўйилмаслиги белгиланмаган.

Ушланган шахснинг ҳуқуқларини тушунтирмаслик, адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтирмаслик, ушлаб туриш баённомасида унинг амалда ушланган вақти эмас, балки баённома тузилган вақт қайд қилиниши, ушлаб келтирилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирилмай сўроқ қилиниши ҳақида талабга амал қилмаслик, адвокат билан холи учрашишга бўлган ҳуқуқлари бузилиши, унинг ушлаб турилган жойи тўғрисида дарҳол оила аъзоларидан бирига, бошқа қариндошларига хабар берилмаслиги, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари қўллаш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаш- буларнинг барчаси ушлаш вақтида шахснинг дахлсизлигини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобланади.

Шу билан бирга, ЖПКда фақатгина озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноят юзасидан ушлаб туришга йўл қўйилиши кўзда тутилмаган.

Ушлаб туриш амалиётининг ўз ечимини топмаган муаммоларидан яна бири, ушлаб туриш муддатлари билан боғлиқ.

Маълумки, жиноят иши кўзғатилгунга қадар ушлаб туриш, баъзи ҳолларда маъмурий-ҳуқуқий амалиёт билан боғлиқ. Айнан шу сабабдан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 284-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш тушунчасидан, ЖПКнинг

224-моддасида қўлланилган. Бироқ шахс, маъмурий йўл билан ушлаб турилган вақт ва жиноят-процессуал тартибда ушланган вақт ўртасида муайян вақт ўтиши мумкин. Айни вақтда ЖПКда шахс маъмурий йўл билан ушлаб турилган муддат, жиноят-процессуал ушлаб туриш муддатига кириши ёки кирмаслиги аниқ белгиланмаган.

Мазкур муаммо бўйича айрим тадқиқотларимиз натижаси ушлаб туришни жиноят-процессуал тартибга солиш соҳасига киритишга қаратилган барча уринишларга қарамай, у гумон қилинувчининг ҳулқ атворига процессуал шакл доираси ташқарисидан таъсир қилувчи превентив "полиция чораси" бўлиб қолаётганлигига ишончга олиб келди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг ҳуқуқий позициясига кўра, "жисмоний эркинликни чеклаш" тушунчаси, нафақат классик қамоққа олиш, балки чекланган ҳудудда бўлиш, жамиятдан, оиладан ажратиш, хизмат вазибаларини бажаришни тўхтатиш, чекланмаган доирадаги шахслар билан мулоқот қилиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқни чекловчи механизмларни англатади. Умуман суд жисмоний эркинликни чеклашни формал эмас, мазмунига кўра белгиларидан келиб баҳолаш, қамоққа олиш билан боғлиқ чораларни табиати ёки мазмунига кўра эмас, даражаси ёки интенсивлигидан келиб чиқиб баҳолашни тўғри деб ҳисоблайди.

Фикримизча, Конституциянинг 27-моддасида белгиланган шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ЖПКнинг 226-моддаси 1-қисмида ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайтдан (эркин ҳаракатлинишга бўлган ҳуқуқларнинг ҳақиқий чекланган пайти) эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этиши ҳақида қоидадан келиб чиқиш, яъни маъмурий қамоқ муддати жиноят-процессуал ушлаб туриш муддатига қўшилиши зарур.

Сардор ОДИЛОВ,

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (2023-йил 30-апрелдаги тахрири). Тошкент: Адолат.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (2025 йил 1 январдаги ҳолатига кўра). Тошкент: Адолат.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. (2025 йил 1 январдаги ҳолатига кўра). Тошкент: Адолат.
4. Малеина М. Н. Личные неимущественные права граждан (понятие, осуществление, защита): автореф. дис. ... докт. юрид. наук. М., 1997. 20-б.
5. Б.Қобилов. Судга қадар иш юритувида шахс ҳуқуқларини чеклаш механизмларини такомиллаштириш. юрид. фан. фалс. докт. дисс.(PhD). Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети, 2024. 17-б.
6. Курс уголовного процесса. Под ред. Л.В. Головки. Изд. 3-е, испр. и доп. М.: Статут. 2021. 522-б.
7. Letellier v. France, no. 12369/86, judgment of 26 June 1991, European Court of Human Rights, Series A no. 207 (Reports 1991).
8. Nikolova v. Bulgaria, no. 31195/96, judgment of 25 March 1999, European Court of Human Rights, Reports of Judgments and Decisions 1999-II.
9. Ilijkov v. Bulgaria, no. 33977/96, judgment of 26 July 2001, European Court of Human Rights, Reports of Judgments and Decisions 2001-II.
10. Российский С.Б. Основания задержания подозреваемого: для следователя или для "полиции"? // "Юридическое образование и наука" 2019. №2. 22-б
11. Постановление Европейского суда по правам человека от 6 ноября 1980 г. по делу "Гуццарди против Италии" (жалоба № 7367/76) ; Постановление Европейского суда по правам человека от 28 октября 1994 г. по делу "Мюррей против Соединенного Королевства" (жалоба № 14310/88) ; Постановление Европейского суда по правам человека от 24 ноября 1994 г. по делу "Кеммаш против Франции" (жалобы № 12325/86, № 14992/89) // URL: <http://european-court.ru/resheniya-evropejskogo-suda-na-russkom-yazyke>.

ПАРАЛЛЕЛ ИМПОРТ СИЁСАТИНИ ҚЎЛЛАШДА ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ ТРИПС БИТИМИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган ва божхона назорати остида турган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун божхона органлари масъул ҳисобланади.

Хусусан, ТРИПС битимининг 51-моддасида божхона органлари томонидан маҳсулотларни муомалага киритишда (олиб киришда) тўхтатиш ваколати ҳақида айтиб ўтилган. Мутлақ ёки муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолда тайёрланган товарлар юзасидан ҳуқуқ эгасида шубҳа пайдо бўлганда, товар белгиси мутлақ ҳуқуқлари эгаси ваколатли органга ёки суд органларига товарларни муомалага киритишда божхона органлари томонидан уларни тўхтатиб туришга доир мурожаат қилиш ҳуқуқини беришни назарда тутган. Шунингдек, ушбу модда нафақат импорт қилинаётган, балки экспорт қилинаётган товарларга нисбатан ҳам худди шундай ҳаракатни амалга оширишни ЖСТга аъзо давлатларга тавсия этган¹.

Ўзбекистонда бугунги кунга қадар ҳуқуқ эгалари томонидан божхона органларига интеллектуал мулк объектларига нисбатан чора кўриш бўйича тақдим этилаётган аризалар асосан учинчи шахслар томонидан ҳуқуқ эгасининг рухсатсиз асл товарларни олиб келишини тўхтатиш билан боғлиқ мурожаатларни ташкил этмоқда, яъни товарларда “контрафакт” ёки “сохталаштириш” аломатлари мавжуд эмас (божхона органларига чора кўриш бўйича тақдим этилаётган аризалар асосан мутлақ ҳуқуқ бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни ташкил этади, амалиётда бу каби ҳаракатлар “параллел импорт” деб номланади ва бугунги кунга қадар “параллел импорт” тушунчасига миллий қонунчиликда аниқ таърифлар берилмаган).

Фуқаролик кодексининг 1107¹-моддасида бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмаслиги белгиланган. Бундан келиб чиқиб, амалиётда суд органлари томонидан ушбу товарларни чиқариб юборишга рухсат берилмоқда, бунда импорт қилувчи томонидан кўрилган зарар (божхона омборида сақлаш, шартномани ўз вақтида бажармаслик, харидорни йўқотиш, маънавий зарар) ҳуқуқ эгаси томонидан қоплаб берилмаяпти. Чунки импорт қилувчи кўрилган зарарни қоплатиш учун суд органларига алоҳида мурожаат этиши лозим бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги ПҚ-221-сон қарори билан 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, божхона органлари томонидан Реестрга киритилган интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини қуйидагича ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилди:

- божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнида интеллектуал мулк ҳуқуқлари бузилганлиги аломати аниқланганда, ҳуқуқ эгасини хабардор қилиш;

- Реестрга киритиш тўғрисидаги аризаларни электрон тарзда юбориш ва қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш босқичларини онлайн равишда кузатиб бориш.

Ўзбекистон божхона реестрини юритса-да, “ex-officio” принципи тўлиқ қўлланилмайди. Товар белгилари божхона реестрида рўйхатга олинган дейлик. Бундай ҳолда, товар белгиси эгалари ўзларининг эксклюзив ҳуқуқларини параллел равишда олиб киришдан, яъни эксклюзив ҳуқуқларни бузадиган рухсатсиз олиб киришни таъқиқлаш учун божхона органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 386-моддасига мувофиқ, Божхона кўмитаси интеллектуал мулк объектларини божхона реестрига киритиш учун ёзма ариза талаб қилади. Шунинг учун ҳуқуқ эгасининг интеллектуал мулк ҳуқуқини бузувчи товарларни Ўзбекистон ҳудудига олиб киришнинг олдини олишнинг ягона йўли Божхона кўмитасига олдиндан мурожаат қилишдир. Бироқ, бугунги кунда мамлакатда божхона ҳисобини юритиш институти мавжуд эмаслиги сабабли, божхона органлари ҳар қандай товар эгасининг ҳуқуқларини бузадиган товарларнинг мониторингини бошлаш мажбуриятини олмайди. Демак, божхона органлари ҳар қандай айбдан ёки жавобгарликдан бутунлай озод қилинади, агар баъзи ҳуқуқбузарлар товар эгасининг интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузган ҳар қандай юкни мамлакатнинг божхона ҳудудига олиб кирса. Бошқача қилиб айтганда, божхона кодексига ўзгартириш киритиш божхона органларига “ex-officio” ваколатини мустақил равишда топиш ва бузилган товарларни тортиб олиш ҳуқуқини бериш, шунингдек божхона органларига хабарномани юбориш орқали товарларни олиб кириш учун дистрибьюторнинг ваколатини текширишни мажбур қилиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда айрим турдаги товарларни олиб киришда товарларнинг сифатини, иқтисодий хавфсизлигини, кафолат ва сервис хизматларини тартибга солиш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 январдаги “Электротехника саноатининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-15-қарорини 17-бандида “2024 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда уларнинг сифати, хавфсизлиги ҳамда сервис кафолатини таъминлайдиган ишлаб чиқарувчининг ваколат-

ли вакили ёки расмий дилерлари мавжуд бўлиши талаб қилинадиган маҳсулотлар рўйхати тасдиқланиб, бунда, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили ва (ёки) расмий дилерларнинг сервис хизмати мавжуд бўлиши керак” эканлиги белгилаб берилди. Ушбу қарор қабул қилиниши оқибатида Ўзбекистонда ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга кафолатланган товарларни таклиф қилиш учун ЖСТга аъзо бўлишни тезлаштириш ҳамда параллел импортига қарши курашувчи қонунларимизни такомиллаштириб, ишлаб чиқарувчи механизмларини шакллантиришимиз мақсадга мувофиқ.

Маълумки, 2024 йил 27 февраль куни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Мазкур қонун интеллектуал мулкка доир тартибларни янада такомиллаштиришга қаратилган. Зеро, божхона органларининг интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлашдаги асосий роли “параллел импорт”, “интеллектуал мулк объектларининг божхона реестри”, “биринчи сотув доктринаси” каби қоида ва механизмлар билан белгиланади. Шунингдек, ТРИПС битимининг 4-қисми бевосита чегарага доир муносабатларнинг муҳим талабларига бағишланган. Айнан мазкур қисмда товарларни божхона органлари томонидан тўхтатиш, “ex officio” тизими, товар эгаси ва импорт қилувчига етказилган зарарни қоплаш ва бошқа шу каби божхона фаолияти билан боғлиқ қоидалар мавжуд.

Товар белгисидан трансчегаравий фойдаланиш, ўз навбатида, ҳуқуқни ўтказиш ва ҳуқуқдан фойдаланишни тақдим этишдан иборат. Ҳуқуқни трансчегаравий ўтказиш ҳуқуқни қабул қилувчи давлат қонунчилигига кўра муҳофаза остига олинади. Ҳуқуқдан фойдаланиш эса тақдим этувчи давлат қонунчилиги билан тартибга солинади. Фойдаланиш ҳуқуқини тақдим қилиш ҳуқуқ эгаси ва ҳуқуқдан фойдаланувчи ўртасида параллел импорт юзага келтиради. Ҳуқуқ эгаси ҳуқуқни қабул қилувчининг товарни ҳуқуқ эгасининг мамлакатига экспорт қилиш ваколатини чеклаши мумкин. Лекин учинчи шахсларнинг товарни импорт қилишга нисбатан талаби ҳуқуқ эгасининг талаби доирасига тушмайди. Таъкидлаш лозим, товар белгиларига бўлган трансчегаравий муносабатларнинг фаол ривожланиши, шунингдек бундай муносабатларни тартибга солишнинг ягона бирлаштирувчи тизимининг йўқлиги трансчегаравий тижорат муомаласида товар белгиси мақоми белгилаш заруриятини шакллантирди. Трансчегаравий савдо муомаласида товар белгиси мақоми – ҳуқуқий ҳимоя сўраладиган давлат қонунига (lex loci protectis) асосланади. Ҳуқуқий ҳимоя сўралаётган давлат қонунчилигига кўра, нафақат миллий нормалар, балки тегишли давлатнинг халқаро шартномалари ҳам тушунилади лозим. “Lex loci protectis” тамойилига кўра, ҳам миллий қонун ҳужжатлари, ҳам унификация қилинган халқаро шартнома қоидалари трансчегаравий тижорат муомаласида товар белгилари-

га нисбатан бир хилда қўлланилади. Товар белгиларига оид низоларни трансчегаравий тижорат муомаласида кўриб чиқишда чет эл ҳуқуқини қўллашга фақат тегишли давлатнинг халқаро шартномасидан бевосита келиб чиқадиган ҳоллардагина йўл қўйилади. Трансчегаравий савдоларда параллел импорт қоидаларини қўллаш давлатнинг иқтисодий потенциални оширувчи иқтисодий муносабатдир. Барчамизга маълумки, РФ ва Украина ўртасидаги муносабатлар сабаб АҚШ ва Европа давлатлари томонидан иқтисодий санкциялар қўлланилмоқда. Россия эса мазкур санкцияларнинг салбий оқибатларини параллел импорт орқали юмшатиб бормоқда ва таъбир жоиз бўлса бунинг уддасидан чиқмоқда. Бошқача айтганда, параллел импорт ҳуқуқ эгасининг мутлақ зўравонлигидан ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади. Бироқ, ривожланган етакчи мамлакатлар параллел импортни тан олмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Параллел импортни муайян соҳаларда, жумладан чакана савдода, бир марталик дистрибьютерлик битимларида қўллаш мамлакатимизда миллий субъектлар айниқса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга².

Ўзбекистонда шиддат билан давом этаётган ислохотлар самарасини ҳозирда жамиятнинг ҳар бир жабҳасида, шунингдек ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва халқаро муносабатларда, энг асосийси халқимизнинг осойишта ҳаётида кўришимиз мумкин. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”нинг 3-йўналиши “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” деб номланиб, ушбу йўналишда бир сўз билан айтганда давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада кучайтиришга қаратилган мақсадлар белгиланган³.

Мамлакатимиз аҳолисининг турмуш тарзини янада яхшилаш ҳамда уларга сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, бундан ташқари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар “бренд”ини яратиш ва уларнинг жаҳон бозорларида ўз мавқеига эга бўлишида кўмаклашишда хорижий тажрибаларни ўрганишимиз ва қонунчилигимизга татбиқ этишимиз мақсадга мувофиқ.

Фурқат УТАПОВ,

Ўзбекистон Республикаси

*Жамоат ҳаётидаги университет мустақил
изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. https://wipolex-res.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt_wto01_001ru.pdf
2. Бабакулов З.К. Товар белгисининг трансчегаравий савдо муомаласидаги фуқаролик-ҳуқуқий мақоми масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2023) Б. 41-48.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида тергов ҳаракатларининг умумий шартлари билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилган. Шунингдек, уларни унификация қилиш масалалари муҳокама этилган.

Калит сўзлар: суд, ишни судга қадар юритиш босқичи, суд назорати, тергов ҳаракати, қонунийлик, умумий шартлар.

Тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг энг асосий назарий муаммоси унинг ҳуқуқий табиати, аниқроғи одил судловни амалга ошириш шакли ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги билан боғлиқ.

Илмий адабиётлар таҳлили тергов ҳаракатлари устидан суд назорати айнан постсовет давлатлари учун янги ҳуқуқий воқелик эканлигидан келиб чиқиб, унинг самарадорлиги ва кейинги ривожланиш вектори масаласида илмий қарашлар 3 гуруҳга бўлинишини кўрсатади:

Биринчи гуруҳ вакиллари¹ суд назорати доирасини турар-жой дахлсизлигини чекловчи барча тергов ҳаракатларига татбиқ қилиш ғоясини илгари сурганлар.

Жумладан, Б.Саидов шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш мақсадида суд назоратини принцип даражасига кўтариш, яъни жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий чеклайдиган процессуал ҳаракатлар суд қарори асосида амалга оширилишини белгилаш, шахсий, турар жой ва мол-мулк дахлсизлигини жиноят процесси принциплари сифатида белгилаш²ни таклиф қилган.

Р.А.Зинец турар жойдаги ҳар қандай тергов ҳаракати шу жумладан сўроқ суднинг рухсати билан амалга оширилиши зарурлиги ҳақида фикрни илгари сурган³.

Тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг салбий жиҳатлари:

терговчининг процессуал мустақиллигини чеклаши ва тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибини мураккаблаштириши (В.М. Быков);

дастлабки суд назорати халқаро стандартларда мажбурий шарт сифатида белгиланмаганлигидан келиб чиқиб суд назоратининг шаклини белгилаш давлатнинг ички иши эканлиги (С.Б. Россинский);

самарадорлиги пастлиги (В.В.Кальницкий) киритилади.

Ҳар бир далил улар (тергов судьялари) томонидан алоҳида ва бошқа материаллар билан боғланмаган ҳолда кўриб чиқилади. Бошқача айтганда тергов судьяси ўзига хос “нотариусга” айланиб, вазифаси фақатгина баённома тўғри тузилганлиги, унда зарур бандлар мавжудлиги, қандай тикилгани, рақамлангани ва бошқа нарсаларнигина текширишдан иборат бўлиб қолади⁴.

Қонун чиқарувчининг тергов ҳаракатлари ўтказилишида шахс ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳақида ҳуқуқий иллюзияси, гап либерал принципларнинг ўзи эмас, балки уни амалга ошириш механизмлари ҳақида борганида тарқаб кетади. Асосан моддий қадриятларни таъминлашга қаратилган дастлабки суд назорати ташкилий ва процессуал характердаги жиддий нуқсонлардан холи эмаслиги маълум бўлди⁵.

Мазкур икки ёндашув ўртасидаги оралик позицияда бўлган олимлар, шу жумладан Г.П.Химичева суд назоратининг шартсиз афзалликларини эътироф этгани ҳолда, ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратининг чекланмаган тарзда кенгайиши, суднинг ишни мазмунан кўришда ҳолислигига таъсир қилиши ҳақида фикр билдирган.

Д.Исроиловнинг фикрига асосан, суд контроли – бу суднинг инсон ва фуқароларнинг конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ҳамда эркинликларини чекловчи жиноий таъқиб органларининг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги ҳамда асослигини таъминлаш мақсадида текшириш чораларида ифодаланган фаолиятдир⁶.

Бироқ, мазкур фикрни тўлиқ асосли деб бўлмайди, сабаби суд назорати нафақат текшириш, балки бузилган ҳуқуқларни тиклашни ҳам ўз ичига олади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тергов ҳаракатлари устидан суд назоратини амалга оширишда ҳуқуқий низо ҳал қилинмаслиги, тарафлар мавжуд эмаслиги, суд муҳокамаси ва суд ҳужжатининг алоҳида шакли мавжудлигидан келиб чиқиб, суд назоратининг мазкур шакли одил судловни амалга ошириш ҳисобланмаслиги ҳақида хулосани асосли деб ҳисоблаймиз.

Албатта превентив суд назорати одил судлов шакли эмас, балки шахснинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган мустақил жиноят-процессуал институт ва суднинг фаолиятини амалга ошириш шакли ҳисобланади.

Суд назорати одил судловни амалга ошириш шакли ҳисобланмаса унда суднинг ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал фаолияти қандай функцияни бажариши ҳақида савол туғилади.

Жиноят процессуал фаолиятнинг субъекти сифатида жиноят ишлари бўйича суднинг процессуал функциялари ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ва суднинг ваколатлари билан боғлиқ жиноят процессуал қонун ҳужжатлари билан белгиланган вазифалар суд жиноят процессуал фаолиятининг алоҳида йўналиши ҳисобланади. Ҳозирда замонавий жиноят процессида суд ишни ҳал қилиш, назорат, қонун муҳофазаси, ҳуқуқни тиклаш, ҳуқуқни таъминлаш ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш каби функцияларни бажаради⁷.

ЖПКнинг 25-моддасида иш судда кўрилаётганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш функциялари ажратилади.

Бироқ ишни судга қадар юритиш босқичида айблаш ва ишни ҳал қилиш функцияси ажратилмаганлиги, ҳимоя тарафининг далилларни тўплаш юзасидан ҳуқуқлари ва тарафларнинг тортишуви принципи чекланганлиги сабабли процессуал функцияларнинг классик бўлиниши ўзига хос хусусиятларга эга.

Шу сабабли биз мазкур уч функция фақатгина асосий функциялар бўлиб, уларга нисбатан ёрдамчи ёки субсидиар бўлган бошқа функцияларнинг характери ва моҳиятини белгилаб бериши ҳақидаги нуқтаи-назарни асосли деб ҳисоблаймиз.

Жиноят-процессида ҳар қандай вазифа процессуал фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида жиноят ишлари юритувининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади. Жумладан, суд назорати қонуннинг тўғри татбиқ этилишини ва жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибини таъминлаш орқали қонунийликни мустаҳкамлаш вазифаларини бажаради.

Суднинг ҳар бир ваколати уни амалга ошириш воситалари ва механизми билан таъминланиш талаб қилади. Тергов ҳаракатларини амалга ошириш юзасидан суднинг процессуал ваколатларини амалга ошириш механизми эса процессуал ваколатлари, амалга ошириш тартиби ва кетма-кетлиги, унинг натижаларига қўйиладиган талабларни тартибга солувчи жиноят-процессуал нормалардан иборат.

ЖПКда суднинг рухсати билан ўтказиладиган барча тергов ҳаракатларига нисбатан судга материаллар тақдим қилиниши ва суд тақдим қилинган материалларни текшириши кўзда тутилган. Бироқ, суд томони-

дан текшириладиган материаллар шакли ва мазмуни, иш ҳолатларини аниқлаш юзасидан суднинг фаолияти мазмуни очиб берилмаган.

Ушбу ҳолат ўз навбатида тергов ҳаракатлари устидан суд назоратини амалга ошириш юзасидан суднинг фаолиятида ноаниқликни юзга келтиради, суд қарорининг бекор бўлиш хавфини оширади, сабаби биринчи инстанция суди иш ҳолатлари юзасидан муайян ҳуқуқий мезонларга таяна олмайди. Ушбу масалада ҳуқуқий барқарорлик мавжуд эмаслиги эса процессуал қафолатларга салбий таъсир ўтказиши.

Илмий адабиётларда тергов ҳаракатлари устидан суд назорати терговчининг процессуал мустақиллигини чеклаши ҳақида фикрлар билдирилади. Бироқ, тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақида тактик қарорни терговчининг ўзи қабул қилади, суд тергов ҳаракатини ўтказиш учун қонунда белгиланган асослар мавжудлигини текширади.

Бундан ташқари терговчининг процессуал мустақиллиги унинг устидан назорат мавжуд эмаслигини эмас, балки терговчиға нопроцессуал таъсир ўтказишга йўл қўйилмаслиги, далилларни ички ишончига кўра баҳолаши, процессуал қарорларни мустақил қабул қилиши ва улар учун жавобгарликни ўз зиммасига олишини англатади.

Тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг мақсади умумий бўлсада, тергов ҳаракатлари, уларнинг юридик ва фактик асосларининг ўзига хос хусусиятлари уларни дифференциация қилиш заруратини юзга келтиради.

Жумладан, П.О.Герцен хусусий манфаатлар устувор бўлган шикоятларни кўриб чиқиш, оммавий манфаатлар устувор бўлган тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида илтимосномаларни кўриб чиқиш, ҳар иккала манфаатлар нисбатан тенг бўлган эҳтиёт чораси қўллаш ҳақида илтимосномаларни кўриб чиқиш тартибини ажратади⁸.

Суд назорати суд ҳокимиятининг функцияси сифатида унинг мазмунини белгилувчи умумий табиатга эга бўлишига қарамасдан, ЖПКда суд назоратининг умумий концепцияси ва мақсади белгиланмаганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Суд назорати предмети деганда тергов органининг текширилиши лозим бўлган (суд томонидан) ҳаракатлари ва қарорлари доираси, чегараси деганда – суд назорат функцияларини амалга оширишда чиқишга ҳақли бўлмаган иш ҳолатларини (тарафларнинг низоси) билиш чегараси тушунилади⁹.

Ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати предмети, яъни айнан қандай тергов ҳаракатлари суднинг рухсати билан амалга оширилишини белгилаш;

Биринчидан, муайян тергов ҳаракати натижасида айнан қандай ҳуқуқлар чекланишига (конституциявий ёки қонун ҳужжатларида белгиланган);

иккинчидан, тергов ҳаракатида мажбурлов элементлари даражасига;

учинчидан, ҳуқуқларни чеклаш даражаси каби бир қатор мезонларга боғлиқ.

Бугунги кунда тергов ҳаракатига суд назоратини жорий қилишнинг умумэтироф этилган мезони унинг Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқларни чеклаши билан боғлиқ.

Бинобарин, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқи, уй-жой дахлсизлиги, банк операцияларининг, омонатларнинг ва ҳисобварақларнинг сир тугилиши ҳуқуқини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг ўрнатилиши зарурати умумэтироф этилган. Бироқ, ишни судга қадар юритиш босқичида конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати предметини белгилашда уч хил илмий ёндашув мавжудлигини таъкидлаш ўринли.

1. Расмий ёндашув суд назорати фақатгина ЖПКда белгиланган тергов ҳаракатларига нисбатан қўлланилишини назарда туттади. Бироқ, мазкур ёндашув жиноят ишлари юритувида айнан қандай ҳуқуқлар суд орқали ҳимоя қилиниши юзасидан қонун чиқарувчининг нуқтаи-назарини ифодалайди, яъни суд назорати доирасининг торайишига олиб келиши мумкинлигидан келиб чиқиб танқид қилинади.

2. Моддий ёндашув суд назорати қонунда кўзда тутилган-тутилмаганлигидан қатъий назар, конституциявий ҳуқуқларни чекловчи барча тергов ҳаракатларига татбиқ қилинишидан келиб чиқади. Яъни, мазкур ёндашув суд назорати предметини белгилашни судьянинг ўзи ва суд амалиётига ҳавола қилади. Бироқ ушбу ёндашув ҳуқуқий аниқлик принципига мувофиқ ҳисобланмайди.

3. Аралаш ёндашувда суднинг рухсати билан ўтказиладиган тергов ҳаракатлари рўйхати ЖПК билан белгиланиши, бироқ моддий мезонларга асосланиши, яъни муайян тергов ҳаракати шахс ҳуқуқини қай даражада чеклашидан келиб чиқишни назарда туттади.

Мазкур ёндашувларнинг ижобий жиҳатлари ҳуқуқий аниқлик принципига мослиги, яъни ҳам жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган шахслар ҳам фуқаролар қандай тергов ҳаракати суднинг рухсатисиз ўтказилмаслигини аниқ билиши, суд назорати доирасини кенгайтирилган тарзда талқин қилинишининг олдини олиши, қонун чиқарувчи ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, тергов ҳаракатлари рўйхатини такомиллаштириб бориши мумкинлигидан иборат.

Бироқ, бундай ёндашувнинг заиф жиҳатларидан бири суд назорати жорий қилинадиган тергов ҳаракатлари рўйхати фан-техника тараққиёти ва ижтимоий муносабатлар ривожланиши таъсирида доимий равишда ҳуқуқни қўллаш амалиётидан ортда қолиши ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ЖПКнинг суд назорати предметини белгиловчи нормалари конституциявий ҳуқуқларни тўлиқ қамраб олмаганлиги сабабли қайта кўриб чиқилиши зарур.

Шухратжон ҚУРБОНОВ,

Одл судлов академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зинец Р. А. Судебный контроль в стадии предварительного расследования: процессуальные и организационные аспекты: дис. ... канд. юрид. наук. Волгоград, 2005. 136-б; Шептунова Х. П. Право личности на неприкосновенность жилища в уголовном судопроизводстве: отечественный опыт и международные стандарты: дис. ... канд. юрид. наук. Оренбург, 2008. 99–102 б.
2. Б.Саидов. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш юрид. фан. докт. дисс.(PhD) Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. 26-б.
3. Зинец Р. А. Судебный контроль в стадии предварительного расследования: процессуальные и организационные аспекты: дис. ... канд. юрид. наук. Волгоград, 2005.
4. Головки Л.В. Институт следственных судей: американизация путем манипуляции/ Российское агентство правовой и судебной информации (РАПСИ). 22/03/2015. http://rapsinews.ru/legislation_publication/20150320/273362096.html
5. С.Б. Россинский. Размышления об эффективности судебного контроля за производством следственных действий / Вестник Томского государственного университета. 2017. № 423. С. 225–235. DOI: 10.17223/15617793/423/31
6. Д.Ш.Исраилов. Тезкор-қидирув фаолиятга оид қонунларни ижроси устидан прокурор назорати такомиллаштириш. юрид. фан. фалс. докт. дисс.(PhD) Т., Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси, 2024. 18-б.
7. Г.Юсупджанова. Жиноят процессуал функциялар тизимида суднинг функциялари /Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 11 (2021) 160-6.
8. Герцен П.О. Реализация права на апелляционное обжалование и пересмотр промежуточных судебных решений, вынесенных в ходе досудебного производства: обеспечение баланса частных и публичных интересов : дис. ... канд. юрид. наук. Томск, 2023. С.44-45.
9. Мядзелец О.А. Судебный контроль за прекращением уголовного дела и уголовного преследования. Дис...на соиск...к.ю.н. - М., 2008. - С. 55

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ҚИЛИШДА СУД-КОМПЬЮТЕР-ТЕХНИКАВИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ РОЛИ

АННОТАЦИЯ: мақолада рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши даврида терроризм билан боғлиқ жиноятлар бўйича ҳаётий муҳим бўлган рақамли далилларни тўплаш ва текшириш борасида ҳозирги кундаги суд-компьютер-техникавий экспертизанинг имкониятлари ҳамда электрон маълумотлар билан ишлашда махсус билимларнинг аҳамияти ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: электрон маълумотлар, метаммаълумотлар, махсус билим, рақамли далиллар, суд-компьютер-техникавий экспертиза, рақамли далилларни тўплаш, рақамли далилларни текшириш, хэш қиймат.

Бугунги кунда терроризм глобал хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган энг мураккаб ва трансмиллий жиноят турларидан бири ҳисобланади. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши террорчилик фаолиятининг шакллари ва усулларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиб, жиноятларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш, молиялаштириш ва амалга ошириш жараёнларида рақамли муҳитдан кенг фойдаланишга олиб келмоқда. Интернет тармоқлари, ижтимоий платформалар, мессенжерлар, булутли хизматлар ва криптографик технологиялар террорчилик фаолиятида ахборот алмашинуви ҳамда яширин алоқанинг асосий воситаларига айланмоқда.

Мазкур ҳолат терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда рақамли далилларнинг аҳамиятини кескин оширмоқда. Электрон қурилмалар, рақамли маълумот ташувчилар ва онлайн ресурсларда сақланадиган ахборот жиноят изларининг муҳим манбаи сифатида намоён бўлиб, уларни аниқлаш, тўплаш, сақлаш ва текшириш махсус билим ва технологияларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, суд-компьютер-техникавий экспертизаси терроризм билан боғлиқ жиноятларни фош этишда муҳим процессуал ва криминалистик восита сифатида алоҳида ўрин тутати.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш мутахассисдан тегишли консултация олиш, техник ва бошқа турдаги ёрдам кўринишида намоён бўлади. Тергов амалиётида терроризм ва диний экстремизм йўналишдаги жиноятларни очишда махсус билимлардан фойдаланишнинг энг кўп учрайдиган шакли зарур суд-экспертизаларни тайинлаш ҳисобланади.

Компьютер-техникавий экспертизасининг объекти электрон ахборот ташувчи воситалар, ноутбуклар, мобил телефонлар, видеорегистраторлар ва шу каби қурилмаларда сақланаётган электрон маълумотлар ҳисобланади. Олиб қўйилган қурилмаларда жиноят ҳаракатининг ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар сақланиши мумкин. Керакли маълумотларни қидириш ва уларни олиб чиқиш мақсадида махсус дастурий таъминот, шунингдек ахборотга кириш бўйича маълумотлар қўлланилади.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда рақамли далилларни тўплашнинг қидириш ва мустаҳкамлаш шакллари ни ўз ичига олувчи суд-компьютер техник экспертизасининг ўрни бекиёс бўлиб, унинг алоҳида тергов ҳаракати сифатида ҳозирги кундаги қуйидаги асосий имкониятларини кўриб чиқамиз.

1. Электрон ахборот ташувчи воситаларнинг образларини олиш – қурилманинг хотирасидаги асл шаклда бўлган маълумотнинг ўзгармаслиги сабабли, эксперт Write-Blocker (жисмоний ёки программавий қурилма/режим бўлиб, текшириладиган диска ёки бошқа носибга ёзишнинг олдини олади. Унинг мақсади — далил манбасига бошқа хатти-ҳаракатларни киритмаслик, яъни оригинал қурилмадаги маълумотни ўзгартирмаслик) орқали физик ёки ман-

тикий образ олиниб, барча кейинги ҳаракатлар образга нисбатан амалга оширилади. Ҳар бир қадамда SHA-256 (бу криптографик хэш-функция бўлиб, у ҳар қандай ҳажмдаги кириш маълумотларини қабул қилади ва уларни ўзига хос 256 битлик доимий узунликдаги “бармоқ изи” (хэш) кўринишидаги натижага айлантиради. Кириш маълумотларидаги ҳатто энг кичик ўзгариш ҳам бутунлай бошқа хэшни ҳосил қилади. Шу жиҳатдан SHA-256 маълумотлар яхлитлигини текшириш, рақамли имзоларни тасдиқлаш ва блокчейн каби хавфсизлик тизимларида ишончли восита ҳисобланади) ёки шунга ўхшаш бошқа дастурлар ёрдамида хеш-қиймат олиниб, ҳулосада қайд этилади. Ўз ўрнида нима учун ҳар бир қадамда хеш-қиймат олиниши ҳақида табиий савол туғилади. Образ олишдан олдин ва кейин ҳамда нусха кўчирилганда хешлар солиштирилади. Агар хешлар бир хил бўлса — файл ёки образ ўзгармаган ҳисобланади. Бу судда далил бутунлигига исбот сифатида тақдим этилади. Мисол учун: терроризмни молиялаштириш ишида гумон қилинувчи фойдаланувчидаги ноутбугидаги криптохамён, банк ва тўлов операциялари тўлиқ сақланиб, суд илмий-таҳлил учун образ шаклида тақдим этилади;

2. Оператив хотира (RAM) маълумотларини олиш – компьютер ёки смартфон ўчирилмасдан аввал оператив хотирадан жараёнлар, логин ва калитлар ҳамда фаол сессиялар ҳақидаги маълумотни олиш. Мисол учун: ушбу хотирада бомба тайёрлаш дастури ёки яширин алоқа сеанслари фаол форматда сақланади – дастлабки таҳлил орқали у ёки бу тренинг маълумотлари аниқланади;

3. Мобил қурилмалардан маълумот олиш – физик ва мантикий экстракция, резерв нусхалардан (backup) маълумотларни чиқариш; мессенжерлар, геолокация, мулоқот тарихини тиклаш. Мисол учун: Telegram/Signal ёки SMS орқали жиноят режаси муҳокамаси кузатилган бўлса, телефондан юборилган матнлар ва мулоқотларни далил сифатида тақдим қилиш мумкин;

4. JTAG ёки Chip-off бу – смартфонлар, планшетлар, навигаторлар, видеорегистраторлар, серверлар ва бошқа электрон қурилмаларнинг чиплари (флеш-хотира ёки процессор) билан тўғридан-тўғри ураниб, муҳим маълумотларни (ҳатто ўчирилган ёки шифрланган бўлса ҳам) олиш усулидир. Бу усул қурилма ишламай қолган ёки парол билан қулфланган ҳолларда ҳам маълумотларни тиклаш имконини беради – шикастланган ёки шифрланган қурилмалардан флеш-чипларни ечиб олиб маълумотни тиклаш. Ушбу усул орқали эксперт қурилмани очади ва JTAG контактларига махсус адаптерлар ёрдамида уланади. Ушбу интерфейс орқали чип ичидаги хотиранинг битма-бит нусхаси (дампи) олинади. Олинган маълумотлардан кейин хеш-сумма ҳисобланади ва натижалар экспертиза протоколига киритилади. Олинган дамп таҳлил қилиниб, ҳужжатлар, суратлар, чатлар, геолокация, браузер тарихи ва бошқа рақамли далиллар аниқланади;

5. Булутли (cloud) сервислардан маълумот олиш – Google Drive, Telegram Cloud ёки iCloud каби манбалардан, шунингдек, булутда сақланган резерв нусхаларни таҳлил қилиш орқали маълумотларни олиш. Мисол учун: терроризмни молиялаштиришга оид ҳужжатлар ёки криптоманзиллар рўйхатини булут ҳисоби орқали олиш мумкин;

6. Восита хотирасидаги ўчирилган файлларни тиклаш (file carving). Мисол учун: террористик ёки ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган аудио/видео материаллар, фото, контактлар, шунингдек, смартфонга дастлаб ўрнатилган мобил иловалар ўчирилган тақдирда, уларни тиклаш имконияти мавжуд;

7. Файл тизими ва метамаълумотларни таҳлил қилиш – файллар тарихи, яратилган сана, ўзгартириш вақти ва муаллифни аниқлаш имконини беради. Мисол учун: терроризм тарғиботини олиб борган блог ёки видеоларнинг ҳақиқий яратувчисини, шунингдек, смартфон ёрдамида олинган фотосуратнинг айнан қайси русумдаги рақамли фотоаппарат ёрдамида туширилганлигини ҳамда туширилган расмнинг геолокациясини аниқлаш мумкин.

Амалиётда терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда электрон ахборот ташувчи воситалардаги маълумотлар билан ишлаш жараёнида электрон ахборот ташувчи воситада сақланувчи маълумотларга кириш, электрон маълумотларнинг келиб чиқиш манбаси ишончилигини текшириш, электрон маълумотларнинг мазмунига баҳо бериш, воситада сақланаётган керакли маълумотни излаш, шикастланган воситанинг хотирасидан маълумотларни олиш, воситада сақланаётган шифрланган маълумотларни ўқиш каби муаммоларга бевосита дуч келинмоқда.

Бундан ташқари, олиб қўйилган смартфонга кириш паролнинг ўрнатилганлиги, шунингдек, мазкур қурилмага нисбатан тайинланган судга оид компьютер-техник экспертизасининг хулосаси эксперт томонидан “Мобильный криминалист” (мобил қурилмалар, шахсий компьютерлар, булутли сервислар ва дронлардан рақамли маълумотларни чиқариш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлар мажмуаси) ёки “Cellebrite UFED” (суд маълумотларини чиқариб олиш тизими ҳарбий ташкилотларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва хавфсизлик хизматларига мобил телефонлар, смартфонлар ва КПКлардан энг муҳим криминалистик маълумотларни чиқариб олиш имконини беради. У 1700 дан ортиқ мобил телефондан маълумотларни чиқариб олиш имкониятига эга) дастурий таъминотларнинг имкониятлари орқали олинган маълумотлар ҳисобот кўринишида pdf форматда экспертиза тайинлаган шахсга тақдим этилиб, ушбу ҳисоботнинг мазмунини тегишли мутахассиснинг иштироки ва ёрдамисиз идрок этиш мушкул ҳисобланади.

Суд-компьютер-техник экспертизаси рақамли далилларни текшириш бўйича қуйидаги имкониятларга эга:

1. MD5, SHA-256 каби дастурлар ёрдамида хэш-қийматлар орқали олиб қўйилган электрон маълумотнинг бутунлигини текшириш.
2. Файл контейнер структурасини таҳлил қилиш.
3. Далилларнинг сақланиш занжирини назорат қилиш.
4. Вақт белгиларини текшириш (NTP drift, timezone).
5. Сохталаштириш ва антифорензика изларини аниқлаш.
6. Бир неча усул натижаларини солиштириш (logical vs physical).
7. Мустақил эксперт текшируви (reproducibility).
8. Ҳар бир қадамда хэш-суммани қайта текшириш.

9. Тикланган электрон маълумотлар сифатини баҳолаш.
10. Аудит ва фойдаланувчи фаолияти таҳлили.
11. IP ва URL манбаларни таҳлил қилиш.
12. Стеганография ёки сохта маълумотларни аниқлаш.
13. Вақтнинг ҳақиқий манбасини аниқлаш.
14. Юридик қонунийликни текшириш.

Электрон (рақамли) маълумотларни яратиш, сақлаш ва ўчиришнинг ўзига хос жиҳатларини, шунингдек, ушбу турдаги далиллар билан муомала қилиш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини инobatта олган ҳолда, мутахассиснинг уларни текшириш жараёнида иштирок этиши алоҳида аҳамият касб этади.

Хусусан, компьютер воситаси хотирасини кўздан кечириш, doc. форматдаги электрон ҳужжатнинг маълум бир вақтда яратилганлигини ҳамда ушбу вақт маълум бир шахснинг айбдорлиги ёки айби йўқлигини билдириши мумкин. Бироқ, шу ўринда мутахассис мазкур doc. форматдаги файлнинг яратилганлиги вақтини ҳар қандай IT-соҳасидаги мутахассис томонидан ҳеч қандай қийинчиликларсиз сунъий равишда файлнинг яратилиш вақтини ўзгартириши мумкинлиги ҳақида ўзининг фикрини билдириши мумкин.

Рақамли далилларни текшириш воситаси сифатида компьютер-техник экспертизаси ҳақида сўз юритар эканмиз, бу турдаги экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш жиноят ишларини тергов қилишда муҳим аҳамият касб этишини англамоқ зарур. Айниқса, электрон маълумот ташувчиларни олиб қўйиш ва улардан маълумотни нусхалаш талаб этиладиган жиноят ишларини тергов қилишда бундай турдаги экспертизанинг ўрни беқийёсдир.

Баён қилинганларни инobatта олиб, ахборот технологияларнинг жадал ривожланиб бораётган даврда терроризм билан боғлиқ жиноятлар бўйича рақамли далиллар асосини ташкил қилувчи электрон маълумотларни тўплашда махсус билимлар ҳамда замонавий суд-компьютер-техникавий экспертизаси муҳим аҳамият касб этиб, унинг имкониятларидан белгиланган тартибда фойдаланиш жиноятнинг очирилиши билан бир қаторда тўпланган рақамли далилларнинг мақбуллигини таъминлайди.

Нодирхон НАЖМИТДИНОВ,
Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси // <http://lex.uz>.
2. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Дарслик // *Yuridik adabiyotlar publish*. Тошкент. 2024. 100 б.
3. Кузнецов С.А., Оленников С.М. Экспертные исследования по делам о признании информационных материалов экстремистскими: теоретические основания и методическое руководство: научно-практическое издание. М.: Издательский дом В. Ема, 2014. С. 55.
4. Криминалистика. Дарслик // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси. Тошкент. 2021. 363-364 б.
5. Аппаратно-программный комплекс для съема и исследования данных из мобильных устройствUFED 4PC– Режим доступа: <http://aimtech.ru/catalog/154>. – Дата обращения: 27.11.2020.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 94-моддаси // <http://lex.uz>.
7. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Дарслик // *Yuridik adabiyotlar publish*. Тошкент. 2024. 101 б.
8. Криминалистика. Дарслик // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси. Тошкент. 2021. 363-364 б.
9. Аппаратно-программный комплекс для съема и исследования данных из мобильных устройствUFED 4PC– Режим доступа: <http://aimtech.ru/catalog/154>. – Дата обращения: 27.11.2020.
10. Россинская Е. Р. Проблемы использования специальных знаний в судебном исследовании компьютерных преступлений в условиях цифровизации // Вестник Университета имени О. Е. Кутафина. 2019. № 5 (57). С. 35.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур илмий мақолада ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар бўйича рағбатлантирувчи нормаларнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва амалдаги қонунчиликдаги ўрни комплекс таҳлил қилинади.*

Калит сўзлар: *ҳарбий жиноятлар, ҳарбий хизматни ўташ тартиби, рағбатлантирувчи нормалар.*

Ҳарбий мулк давлат мулкининг алоҳида, стратегик аҳамиятга эга тури ҳисобланади. У фақат моддий қиймат эмас, балки мамлакатнинг мудофаа қобиляти, жанговар тайёргарлиги ва миллий хавфсизлигининг муҳим элементиدير. Шу боис ҳарбий мулкка нисбатан содир этилган жиноятлар алоҳида ижтимоий хавфлиликка эга. Бирок, ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш ёки сақлаш қоидаларини бузиш натижасида йўқотиш каби ҳолатлар кўпинча биринчи марта, эҳтиётсизлик ёки ҳуқуқий онг етарли даражада шаклланмаган шароитда содир этилиши мумкин. Бундай вазиятларда жазо қўллаш билан бирга зарарни қисқа муддатда қоплаш ва давлат манфаатини тиклашга қаратилган рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш самаралироқ натижа бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид қарорларида ҳарбий мулкнинг давлат мулки сифатида ҳар қандай ҳолатда қайтарилиши ёки қиймати ундирилиши шартлиги қайд этилган. Демак, қонуннинг асосий мақсади мулкни қайтариш ва зарарни қоплашдир. Шу нуқтаи назардан, агар айбдор шахс жиноят аниқланганидан кейин қисқа муддат ичида зарарни ихтиёрий равишда қопласа, унга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод этиш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаслик давлат ва жамият манфаатларига зид эмас, аксинча, уларга хизмат қилади.

ЖКнинг 295–296-моддаларига рағбатлантирувчи нормалар киритиш таклифи жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг умумий либераллашув тенденциясига мос келади. Бу таклиф бир томондан ҳарбий интизомни заифлаштирмайди, чунки жанговар вазиятда содир этилган қилмишлар учун жазо оғирлигича сақланади, иккинчи томондан эса тинч шароитда биринчи марта содир этилган ва зарар қопланган ҳолатларда давлат манфаатини тезкор тиклаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 66-моддасига мувофиқ, ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, яъни жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим. Мазкур жавобгарликдан озод этувчи норманинг амалиётда ишлаши учун шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги иш юритишни рад этиш ва туга-

тиш учун асос бўлиши ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-бандида белгилаб қўйилган.

Бундай жиноятлар туркумига ЖКнинг махсус қисми 122, 123, 155, 155², 157, 160, 177, 178, 180, 181, 181¹, 184, 185², 188, 189, 190, 192³, 197¹, 211, 212, 213, 223, 244², 244⁴ ва 248-моддаларида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи махсус нормалар киради.

ЖКнинг махсус қисмида назарда тутилган жиноятлар терговга қадар текширув вақтида аниқланганда ёки жиноят ишларини юритиш жараёнида жиноят ишининг бир қисмини тугатиш орқали ҳал этиш жараёнида мазкур банд орқали иш юритишни рад этиш ёки тугатиш мансабдорлар учун қийинчиликлар туғдирмоқда.

Чунончи, респондентлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра мазкур турдаги терговга қадар текширув натижасига асосан пора бериш жиноятини содир этган шахснинг ҳолат аниқлангандан 30 сутка мобайнида аризаси иш ҳужжатларига қўшилган ёки рўйхатга олинган ҳолда тақдим этилганда мазкур шахсга нисбатан иш ҳужжатлари ЖПКнинг 83-моддаси 2-банди орқали ҳал этилиши лозимлиги кўпчилик томонидан билдирилган.

Биз ҳам юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда шуни эътироф этишимиз лозимки, ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ киритилган бўлиб, мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятларни тез фош этиш, жиноят оқибатида жабрланувчиларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаш ва мазкур турдаги жиноятларни аниқлаш борасида фуқароларнинг фаол позициясини сақлаш орқали уларни жавобгарликдан озод бўлишига имкон яратиб беришдир.

Бирок порахўрлик жиноятларини аниқлаш борасида ариза билан мурожаат қилган ёки ўз хоҳиши билан ноқонуний қурол ва ўқ-дори мавжудлиги тўғрисида хабар берган шахснинг терговга қадар текширув ёхуд дастлабки тергов жараёнида ЖПКнинг мазкур бандига асосан жиноий жазодан озод этилиши албатта келгусида бундай ҳолатларга панжа орасидан қарашига ва охир-оқибатда жамиятнинг жиноятчиликка нисбатан муросасиз муносабати сўнишига олиб келиши мумкин.

Бунга бир қанча омиллар сабаб бўлади. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,



Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардия, Олий суднинг 2021 йил 15 ноябрдаги 70, 71-ққ., 30, 01-02/22-56, 34, 16/1020-21-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган Низомга кўра ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1, 2, 3, 6, 8-бандлари ва 5-қисмига асосан иш кўзгагиш рад қилинганда ёки тугатилганда жиноят иши рақами берилган ҳолда мазкур шахсга нисбатан барча турдаги статистик карточкалар тўлдирилади ва шахсга нисбатан ахборот марказида судланган шахс билан тенглаштирилган маълумот қайд этилиши бундай шахслар манфаатига путур етказилади.

Иккинчидан, юқоридаги каби ҳисобларнинг судланган шахс каби ахборот марказида маълумот қолиши натижасида фуқароларнинг давлат хизматлари ягона портали орқали олаётган маълумотлар базасида айнан қайд этилиши мазкур шахсларнинг ишга жойлашиш ва бошқа шу каби муносабатларида манфаатларига зарар келтирмоқда.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда мазкур “Электрон жиноий – ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-банди билан боғлиқ ҳолатларни қайд этишда ҳар қандай статистик карточкаларни тўлдириш мажбуриятини олиб ташлаш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз.

Мазкур ўзгаришнинг амалиётга жорий этилиши, яъни бундай шахслар тўғрисидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказида судланган шахслар қаторида қайд этилишининг олдини олиш жиноятларни аниқлашда кўмак бераётган шахслар фаоллигини оширса, иккинчи томондан фуқароларнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадаги давлатнинг сиёсатига ишончи ортишига олиб келади.

Шу билан бирга мазкур турдаги жавобгарликдан озод қилиш борасида ҳарбий жиноятларнинг четда қолаётгани тушунарлидир. Масалан, ЖКнинг 295-296-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг рағбатлантирувчи ёки жиноий жавобгарликдан озод этувчи қисми мавжуд эмаслиги фикримизча номақбулдир. Чунки, ҳарбий мулк ва моддий қимматликлар давлатнинг нафақат моддий захираси балки у мамлакатнинг мудофаа қобилияти сифатида баҳоланади ва унинг ўрнини қисқа фурсатларда тўлдириш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 5.4-бандида “Беҳуда сарфлаш — кийим-кечак ва анжомларни сотиш, гаровга қўйиш ёки бошқа шахсга фойдаланиш учун беришда ифодаланади. Беҳуда сарфлашнинг муқаррар белгиси — шахсий фойдаланиш учун берилган кийим-кечак ёки анжомларнинг ҳарбий хизматчи эгалигидан чиқиб, ўзга шахснинг ноқонуний эгалигига ўтишидир. Беҳуда сарфланган ҳарбий мулк доимо давлат мулки бўлиб қолганлиги учун, ҳар қандай вазиятда у ноқонуний эгаликдан тор-

тиб олинади. Агар унинг қайтарилишини иложи бўлмаса, қиймати бир неча карра миқдорида айбдордан ундирилади.” дея белгилаб қўйилган.

Шу боисдан ҳарбий хизматчиларни жавобгарликдан озод этиш ва шу йўл билан ҳарбий мулк ўрнини қисқа муддатларда қоплаш ҳамда тўлдириш давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилади, деган фикрдамиз. Шу сабабли, ЖКнинг айрим нормаларига қуйидаги ўзгаришлар киритилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

295-модда. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш

Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, яъни муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисининг шахсан ўзи фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомларни сотиши, фойдаланиш учун бировга бериши ёки гаровга қўйиши —

бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини сақлаш қоидаларини бузиш натижасида уларни йўқотиш ёки ишдан чиқариш, — икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган ҳарбий хизматчи, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса,

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳарбий жиноятлар соҳасида рағбатлантирувчи нормаларни жорий этиш — бу жиноятчиға ён бериш эмас, балки давлат манфаатларини (моддий зарарни қоплаш) ва инсон қадрини (хато қилган ҳарбийни тузатиш) уйғунлаштиришдир.

Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бойцов А.И. Поощрительные нормы в уголовном праве [Текст]. — СПб. : Юридический центр Пресс, 2018. — 240 с.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори [Матн] : 2000 йил 15 сентябрь. — Тошкент, 2000.
3. Военное право : учебник / под ред. В.Г. Стрекозова. — М. : Норма, 2020. — 416 с.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси [Матн] : 1994 йил 22 сентябрь (ўзгариш ва қўшимчалар билан). — Тошкент : Адолат, 2024. — 520 б.
5. Тадқиқот иши бўйича ўтказилган сўровнома натижалари.
6. Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Бош прокуратура, ДХХ, ДБК, Миллий гвардия ва Олий суднинг “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида”ги қўшма қарори [Матн] : 2021 йил 15 ноябрь. — Тошкент, 2021.

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТЛАР ТИЗИМИДА ЯНГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЁНДАШУВ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳузурида ташкил этилган Болалар психологияси марказининг етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга бевараз психологик ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолияти илмий жиҳатдан ёритилган. Халқаро тажриба асосида ҳарбийлаштирилган тузилмалар таркибида психологик хизматларнинг ташкил этилиши масаласи ўрганилиб, Миллий гвардия Болалар психологияси маркази фаолиятининг ўзига хос миллий модели эканлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: етим болалар, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар, психологик хизматлар, Миллий гвардия, болалар психология маркази, психотерапия, халқаро тажриба, ижтимоий мослашув, психоэмоционал қўллаб-қувватлаш.

Замонавий жамиятда психологик хизматлар инсон саломатлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминловчи муҳим институтлардан бири ҳисобланади. Ривожланган давлатларда психологик ёрдам нафақат руҳий касалликларни даволаш, балки стресс, хавотир, ижтимоий мослашувдаги қийинчиликларнинг олдини олиш воситаси сифатида ҳам кенг қўлланилади.

Айниқса, етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун психологик хизматлар уларнинг шахс сифатида тўлақонли ривожланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Миллий гвардия ҳузурида Болалар психологияси марказининг ташкил этилиши миллий психологик хизматлар тизимида янги институционал ёндашув сифатида намоён бўлмоқда.

Ушбу марказ ташкил этилганидан буён Тошкент шаҳридаги 22 ва 30-сон Меҳрибонлик уйлари ҳамда оилавий болалар уйларида, шу ўринда, заруратга кўра бошқа вилоятлардаги Оилавий болалар уйларида тарбияланаётган болаларга мунтазам равишда бевараз психологик ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Марказ фаолияти тизимли равишда ташкил этилган бўлиб, у диагностика, профилактика, психокоррекция ва психотерапия босқичларини ўз ичига қамраб олган.

Бу ерда мутахассислар болалар билан ишлашда психоаналитик ёндашув, когнитив-хулқ-атвор терапияси, арт-терапия, ўйин ва эртак терапияси, автогеник машғулотлар ҳамда психомускул тренинглardan фойдаланадилар. Ушбу усуллар болаларда учрайдиган эмоционал беқарорлик, хавотир, ваҳима, мулоқотдаги қийинчиликлар, ўз-ўзини паст баҳолаш каби ҳолатларни бартараф этишга қаратилган.

Бу борада, халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, АҚШ, Канада, Германия, Франция ва Жанубий Корея каби давлатларда ҳарбийлаштирилган тузилмалар таркибида асосан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун психологик хизматлар мавжуд.

Масалан, АҚШдаги “National Guard Psychological Services” тизими ҳарбийлар ва уларнинг фарзандларига мўлжалланган бўлиб, етим болалар билан ишлаш масалалари алоҳида фуқаролик ижтимоий хизматлари зиммасига юклатилган.

Шу маънода, Миллий гвардия таркибида етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун алоҳида Болалар психологияси марказининг фаолият юритиши Ўзбекистонга хос инновацион ва ўзига хос тажриба ҳисобланади.

Бу ҳолат ҳарбийлаштирилган тузилмаларнинг фақат хавфсизлик эмас, балки ижтимоий масъулият соҳасида ҳам фаол иштирок этаётганини кўрсатади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари ва халқаро тажриба таҳлили асосида айтиш мумкинки, етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган

болаларга психологик ёрдам кўрсатиш тизимида ҳарбийлаштирилган тузилмалар иштирокини институционал жиҳатдан мустақамлаш мақсадга мувофиқдир. Миллий гвардия Болалар психологияси маркази фаолияти шуни кўрсатадики, бундай тузилмалар фақат хавфсизлик вазибалари билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий масъулиятни ҳам самарали амалга ошириш имкониятига эга. Бу эса бундай марказ модели асосида республика ҳудудларида ҳам худди шундай ихтисослашган психологик хизмат марказларини босқичма-босқич ташкил этиш фойдадан холи эмаслигини кўрсатади. Чунки бу болаларга кўрсатилаётган психологик хизматларнинг ҳудудий тенглигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари етим болалар билан ишлашда қўлланилаётган психоаналитик, когнитив-хулқ-атвор, арт-терапия, ўйин ва эртак терапияси каби усулларни ягона комплекс дастур сифатида норматив-методик жиҳатдан мустақамлаш зарур. Бундай интеграциялашган ёндашув психологик хизматлар самарадорлигини оширади.

Миллий гвардия, таълим ва ижтимоий ҳимоя органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида идоралараро интеграциялашган психологик қўллаб-қувватлаш платформасини яратиш илмий ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Шунингдек, болалар психологияси соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар учун ҳарбийлаштирилган тузилмалар негизда доимий қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини жорий этиш лозим. Бу мутахассисларнинг касбий салоҳиятини ошириш билан бирга, халқаро стандартларга мос хизматлар кўрсатиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, Миллий гвардия Болалар психологияси маркази фаолияти етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни жамиятга мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Марказ фаолиятини халқаро тажриба билан таққослаганда, миллий психологик хизматлар тизимида ўзига хос инновацион модел сифатида баҳолашни мумкин.

Ушбу тажриба келгусида болалар психологияси соҳасида давлат ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Дилором ХУДАЙБЕРГАНОВА,

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил тадқиқотчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.
2. UNICEF. Psychosocial Support for Children without Parental Care. – New York, 2020.
3. World Health Organization. Mental Health and Psychosocial Well-being of Children. – Geneva, 2019.
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТ ОРАЛИФИ: ТИНГЛОВЧИНИНГ БИР КУНИ

Баҳорнинг майин ёмгири кўчаларни ювиб, атрофга ўзгача тароват бахш этаётган лаҳзалар... Қалбда адолатга бўлган қатъий ишонч, қўлда эса ноутбук ва китоблар — бугунги кунимнинг энг яқин ҳамроҳлари. Манзил битта: юртимизда адолат посбонларини тарбиялайдиган муқаддас даргоҳ — Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси.

Академия остонасига қадам кўяр экансиз, миллий нақшлар билан безатилган муҳташам дарвоза ва замон билан ҳамнафаслик рамзи бўлган Face-ID тизими сизни қарши олади. Фуқаролик ҳуқуқи йўналиши тингловчилари учун 5-қават қадрдон масканга айланган. Лифт ёнида сафдошлар билан самимий сўрашув, кўзлардаги шижоат ва интилиш — бир мақсад йўлида бирлашган жамоа руҳининг ифодасидир.

Академия музейи ёнидан ўтарканман, соҳа даргалари ва устозларимизнинг сиймосига боқиб, ичимда бир аҳд туяман: “Биз ҳам келажакда шу устозларга муносиб шогирд бўлиб, ушбу шарафли рўйхатдан жой оламиз!”

Академияда таълим жараёни “устоз-шогирд” аънанаси ва “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойили асосида ташкил этилган. 6 ойлик ўқув дастури доирасида куннинг биринчи ярмида назарий билимлар эгалланса, иккинчи ярмида улар амалиёт билан мустаҳкамланади. Бундай илғор ёндашув Германия, Австрия ва Корея Республикаси каби ривожланган давлатлар тажрибасига асосланган.

Биринчи дарс — Конституциявий ҳуқуқ. Машғулот шу қадар креатив ўтадики, биз мавзунинг моҳиятига тўлиқ шўнғиб кетамиз. Айниқса, “интерактив савол-жавоблар барабани” манфаатлар тўқнашувининг олдини олган ҳолда, ҳар бир тингловчини доимий сергакликка ундайди.

Иккинчи дарс эса “Ворислик ҳуқуқи ва мерос масалалари”. Таниқли цивилист олимимиз нафақат ҳуқуқий, балки математик ҳисоб-китобларнинг муҳимлигини казуслар орқали тушунтириб берди. Етти фарзанд ўртасидаги мерос тақсими бўйича берилган вазифада гуруҳдошларим Озода, Азамат ва Аслиддин ўртасидаги қизгин баҳс ҳақиқий суд залидаги муҳитни ёдга солди.

Учинчи машғулотиимиз Судьялар олий кенгаши томонидан тақдим этилган, шахсизлантирилган электрон ишлар юзасидан суд жараёни имитациясига бағишланди. Бугун “судья” ролида Бобур, “тарафлар” ролида эса актёрлик маҳорати юқори бўлган Лочинбек ва Маржон опалар чиқиш қилишди. Бундай машғулотлар бизга судьялик касбининг нафақат ҳуқуқий, балки психологик мураккаблиklarини ҳам ҳис қилиш имконини беради.

Тушлиқдан сўнг гуруҳ сардоримиз Ёқубжон бошчилигида Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судига йўл олдик. Йўл-йўлакай Зарнигор билан кечаги психологик тренингларни эслаб, юзимизга табассум югурди. Ушанда очиқ табиат қўйнида ўтказилган жамоавий машқлар бизни янада жипслаштирган, бир-биримизни янги қирралардан кашф этган эдик.

Судда бизни илиқ кутиб олишди. Суд раиси билимларимизни синовдан ўтказгач, 5 та ҳақиқий суд жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этдик. Қонун нормаларининг ҳаётда қандай ишлашини бевосита кўриш — биз учун энг катта маҳорат мактабидир.

Кечқурун уйга қайтар эканман, кун давомида олинган хулосаларни таҳлил қиламан. Оилавий вазифалардан сўнг яна китоблар олами: Оила, Меҳнат, Фуқаролик кодекслари ва Пленум қарорлари...

Шу билан Одил судлов академияси тингловчисининг яна бир баракали куни яқунланди. Эртага бизни янги билимлар ва зафарлар кутмоқда. Зеро, адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлаш йўлидаги масъулият биздан тинимсиз изланишни талаб этади.

Камола АГЗАМОВА,

Фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги
2-гуруҳ тингловчиси.



ИНСТИТУТ СУДА ПРИСЯЖНЫХ В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ: ОПЫТ АНГЛИЙСКОГО ПРАВА И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО ИМПЛЕМЕНТАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ: в статье рассматривается институт суда присяжных как один из ключевых демократических элементов уголовного судопроизводства. Анализируется историческое развитие суда присяжных в английском праве, его современная роль в системе правосудия Великобритании, а также обсуждаются перспективы внедрения данной модели в Республике Узбекистан в контексте судебно-правовых реформ и инициатив, отраженных в посланиях Президента Республики Узбекистан. Особое внимание уделяется научным позициям российских, британских и узбекских исследователей, а также проведению сравнительно-правовому то анализа возможных моделей имплементации института присяжных заседателей.

Ключевые слова: суд присяжных, уголовное судопроизводство, судебная реформа, английское право, судебная система Узбекистана, демократизация правосудия.

Институт суда присяжных является одним из важнейших элементов демократической системы правосудия, обеспечивающими участие общества в отправлении правосудия. Он выступает как механизм общественного контроля над судебной властью и гарантией независимости суда. Исторически данный институт получил наиболее развитую форму в английской правовой системе, где он рассматривается как фундаментальная гарантия справедливого судебного разбирательства. В современных условиях многие государства проводят реформы уголовного судопроизводства, стремясь расширить участие граждан в судебной системе. Суд присяжных, исторически зародившийся в Англии как “щит свободы” против деспотизма, сегодня рассматривается не просто как правовое заимствование, а как инструмент повышения общественного доверия к суду. Актуальность исследования обусловлена необходимостью теоретического обоснования имплементации данного института с учетом национальных правовых традиций.

Институт присяжных заседателей, зародившийся в английском праве еще в XII столетии, в современной англо-саксонской правовой семье (Великобритания, США) выступает фундаментальным гарантом правосудия. Сущность данного механизма заключается в привлечении к рассмотрению уголовных дел (преимущественно дел об особо тяжких) независимой коллегии из 12 граждан, отобранных путем случайной выборки. Несмотря на то, что в американской практике численный состав коллегии может варьироваться от 6 до 8 человек, явка в суд по вызову является для граждан обязательной. В рамках судебного разбирательства присяжные наделяются полномочиями по оценке доказательств и свидетельских показаний, что служит основой для вынесения вердикта о виновности или невиновности подсудимого.

Республика Узбекистан также активно проводит судебно-правовые реформы, направленные на укрепление принципов верховенства закона, независимости судов и защиты прав человека. В частности, в Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу страны, подчеркивается необходимость совершенствования механизмов обеспечения

справедливого правосудия, включая расширение процессуальных гарантий сторон и усиление роли общества в судебной системе.

Опыт английского права: Эталон народного участия

Английская модель суда присяжных (Trial by Jury) является фундаментом системы общего права (Common Law). Ее уникальность заключается в четком разделении функций между “судьей факта” (присяжными) и “судьей права” (профессиональным юристом).

Британский правовед Пенни Дарбишир (Penny Darbyshire) отмечает, что присяжные привносят в правосудие “здравый смысл обычного человека”, что позволяет закону не отрываться от моральных норм общества (Darbyshire, 2020). Однако английский опыт также предостерегает от излишнего романтизма. В современной Англии присяжные рассматривают менее 1% уголовных дел, что связано с высокой стоимостью и длительностью процедур.

Английский учёный Эндрю Эшворт (Andrew Ashworth) подчеркивает, что легитимность присяжных зиждется на их независимости (Ashworth & Horder, 2013). Присяжные не обязаны мотивировать свой вердикт, что в английской доктрине считается высшим проявлением независимости, хотя и вызывает дискуссии в контексте Европейской конвенции по правам человека.

По мнению английского юриста Дж. Лэнгбейна, суд присяжных стал “щитом против произвола власти” (Langbein, 2003). Российские исследователи, такие как А. С. Охлопкова, отмечают, что суд присяжных способствует гуманизации правосудия, но сталкивается с проблемами профессиональной подготовки судей и манипуляции общественным мнением. В современной практике суд присяжных применяется ограниченно, что вызывает дискуссии о его эффективности.

Такой подход соответствует международной практике, поскольку многие государства внедряют суд присяжных постепенно, начиная с ограниченной категории дел.

Инициативы Президента Узбекистана и национальный контекст

В Послании Президента Узбекистана от декабря 2025 года было подчеркнуто значение расширения участия граждан в судебной системе. Узбекские юристы отмечают, что внедрение суда присяжных может повысить

доверие общества к правосудию, но требует серьёзной подготовки кадров и правовой базы. За последние годы в Узбекистане проводится масштабная судебно-правовая реформа, направленная на укрепление независимости судов и защиту прав человека. В частности, были внедрены современные механизмы электронного судопроизводства, усилен судебный контроль на стадии досудебного расследования, а также расширены процессуальные гарантии сторон. В рамках реформ предполагается внедрение пилотного проекта, согласно которому присяжные будут участвовать в рассмотрении уголовных дел о тяжких преступлениях.

Такой подход соответствует международной практике, поскольку многие государства внедряют суд присяжных постепенно, начиная с рассмотрения ограниченной категории дел.

Более того, в своем послании Президент Шавкат Мирзиёев неоднократно подчеркивалась необходимость внедрения суда присяжных. Это рассматривается как ключевой этап реализации принципа “Хабэс Корпус” и усиления состязательности. Участие народа в правосудии соответствует духу махалли — традиционного института самоуправления. Однако имплементация требует осторожности. В Узбекистане исторически сильны позиции института народных заседателей, который, по мнению многих экспертов, стал формальностью.

Так в своем выступлении Президент Ш.Мирзиёев отметил: “Теперь в уголовный процесс будет поэтапно внедряться институт “суда присяжных”, показавший положительный результат в государствах с английским правом. При этом рассмотрение с участием представителей общественности особо тяжких и вызвавших общественный резонанс преступлений послужит обеспечению большей справедливости приговора суда”. Иными словами, это означает, что Узбекистан берет курс на внедрение элементов английского права. Рассмотрение особо тяжких и резонансных дел с участием присяжных (представителей народа) призвано повысить легитимность судебных решений. Мы исходим из того, что участие общественности — это “фильтр” против несправедливых обвинений. Как показывает мировой опыт, суды присяжных чаще выносят оправдательные приговоры в случаях, когда доказательства обвинения вызывают сомнения.

Проблемы и перспективы имплементации

При переходе к модели суда присяжных Узбекистан сталкивается с рядом вызовов:

1. Процессуальная автономия: Необходимо реформировать досудебную стадию, чтобы доказательства, представляемые присяжным, были “очищены” от процессуальных нарушений.

2. Психологическая готовность: Профессиональные судьи должны адаптироваться к роли модераторов процесса, а не единоличных вершителей судеб.

3. Культура вердикта: В отличие от английской системы, где вердикт не мотивируется, в Узбекистане может возникнуть коллизия с требованием обоснованности судебного акта.

Далее можем сделать вывод на основе сравнительного анализа

Сравнительный анализ			
Страна	Особенности суда присяжных	Проблемы	Перспективы
Англия	Присяжные решают вопрос виновности, традиция более 700 лет	Длительность процессов	Сохранение как демократический символ
Узбекистан	Планируется внедрение, обсуждается в реформах	Недостаток опыта и правовой культуры	Повышение доверия к правосудию

Институт суда присяжных является важным элементом демократической правовой системы и эффективным механизмом участия общества в отправлении правосудия. Исторический опыт английского права показывает, что участие граждан в судебном процессе способствует укреплению принципов справедливости, независимости суда и доверия общества к судебной системе. В условиях проводимых судебно-правовых реформ в Республике Узбекистан внедрение института суда присяжных может стать значительным шагом на пути совершенствования уголовного судопроизводства. Однако успешная имплементация данного института требует комплексного подхода, включающего совершенствование законодательства, подготовку участников процесса и создание эффективных механизмов защиты присяжных заседателей. Следовательно, использование опыта английского права может способствовать формированию эффективной модели суда присяжных в Узбекистане, адаптированной к национальным правовым и институциональным особенностям. Ключевые инициативы Президента Узбекистана создают прочный фундамент для перехода от инквизиционного к истинно состязательному процессу. Оптимальным путем для Узбекистана представляется создание классической модели присяжных (с отделением от судьи при вынесении вердикта) для ограниченного круга наиболее резонансных дел, с постепенным расширением их юрисдикции по мере роста правового сознания граждан.

Шохрухбек ТИЛЛАБОЕВ,

заместитель заведующего кафедрой Английского права и права ЕС, ТГЮУ, PhD.

Использованная литература:

- Мирзиёев, Ш. М. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису и народу Узбекистана [Электронный ресурс] / Ш. М. Мирзиёев // Режим доступа: <https://president.uz/ru/lists/view/8834>
- Langbein, J. H. (2003). *The Origins of Adversary Criminal Trial*. Oxford University Press.
- Friedman, D. (2005). *Law and Society in England*. Cambridge University Press.
- Пашин С. А. (2018). *Становление правосудия*. Москва: РХГА.
- Ashworth, A., & Horder, J. (2013). *Principles of Criminal Law* (7th ed.). Oxford: Oxford University Press.
- Darbyshire, P. (2020). *Darbyshire on the English Legal System* (13th ed.). London: Sweet & Maxwell.

Зулфия МҰМИНОВА, шоира

*Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг юрибди-ку кулиб, жилмайиб.
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.*

*Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Гар кўзлари кулиб турса-да,
Бўғзининг остида неча минг ҳасрат,
Ой юзлари кулиб турса-да...*

*Кўнглини кўтаринг ҳеч бўлмаганда,
Кўлини силашга шафоат топинг.
Йиғлаб турганида ҳеч бўлмаганда,
Ёшини артишга мурувват топинг.*

*Ногоҳ ерга тушса оппоқ рўмоли,
Босиб ўтмасликка шафоат топинг.
Чақалоқ ялаган этакларини
Тоза деб айтишга адолат топинг.*

*Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг юрибди-ку кулиб, жилмайиб.
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.*

*Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Иллоҳи нур топинг, ҳидоят топинг.
Иллоҳи бахт берган аёл ёнидан
Бахтиёр ўтмоққа иноят топинг.*

*Иллоҳи қалқонсиз, иллоҳ кўрғонсиз
Ғийбатлар йиртмасин кўйлақкинасин.
Иллоҳи хушёрсиз, иллоҳ бедорсиз,
Итлар тишламасин юраккинасин.*

*Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Тог қимирлаб, тошлар сўзга кирса-да,
Аёлга бахт беринг, саодат беринг, —
Олтмишга кирса-да, юзга кирса-да.*